

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ



“Судларда прокурор ваколатини таъминлаш”

кафедраси

“Прокурорлик фаолияти” йўналиши тингловчиси

ҲАСАНОВ АБДУЛМАННОН МАМАТМОРОДОВИЧНИНГ

**АДОЛАТЛИ СУД МУҲОКАМАСИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚГА ДОИР
ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ
ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ИФОДАСИ: ЖИНОЯТ СУДЛАРИ МИСОЛИДА
мавзусидаги**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

Илмий раҳбар: М.З. Раджапова

кафедра бошлиғи

Илмий маслаҳатчи: Д.С. Довудова

(доцент, PhD)

ТОШКЕНТ – 2022

Аннотация: Диссертацияда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир ҳалқаро стандартлар, ҳалқаро ҳужжатлар, улар томонидан тартибга солинадиган соҳалар, ваколатли, мустақил ва холис суд стандарти, ишнинг ошкора кўрилиши, айбизлик призумпцияси, юрисдикция масалалари ҳалқаро ва миллий қонунчиликда акс этиши, судларга оид маҳсус универсал ва митакъавий ҳалқаро ҳужжатлар мазмуни, унинг аҳамиятига доир етакчи олим ва мутахассисларнинг фикри, ҳалқаро ҳуқуқ нормалари, ривожланган демократик ҳуқуқий давлатлар, шунингдек, МДҲ давлатларининг миллий қонунчилигида ҳалқаро стандартлар ҳамда миллий қонунчиликнинг илмий-назарий таҳлиллари келтирилган.

Аннотация: Диссертация включает в себя международные стандарты права на справедливое судебное разбирательство, международные договоры, области, регулируемые ими, компетентные, независимые и беспристрастные судебные стандарты, прозрачность дела, презумпцию невиновности, юрисдикцию в международном и национальном праве, специальные универсальные и содержание региональных международных документов, мнения ведущих ученых и специалистов о его значении, нормы международного права, правовые развитые демократические государства, а также международные стандарты в национальном законодательстве стран СНГ и научно-теоретический анализ национального законодательства.

Abstract: International standards on the right to a fair trial in the dissertation, international documents, areas regulated by them, competent, independent and impartial judicial standard, transparency of the case, presumption of innocence, jurisdiction in international and national law, special universal and the content of regional international documents, opinions of leading scholars and experts on its importance, norms of international law, developed democratic states governed by the rule of law, as well as international standards in the national legislation of the CIS countries and scientific-theoretical analysis of national legislation.

Мундарижа

Кириш.....	4-12
I БОБ. АДОЛАТЛИ СУД МУҲОКАМАСИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚГА ДОИР ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР, УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.....	13-34
1.1-§. Адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар, уларнинг вужудга келиши, зарурати ва такомиллашуви.....	13-27
1.2-§. Адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликда акс этиши демократик ҳуқуқий давлатнинг механизми сифатида.....	28-37
II БОБ. АДОЛАТЛИ СУД МУҲОКАМАСИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚГА ДОИР ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИНГ ТАВСИФИ.....	38-56
2.1-§. Жиноят ишларининг ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан оқилона муддатларда адолатли, ошкора кўрилишига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик нормалари.....	38-56
2.2-§. Айбиззлик презумпцияси ва гумонланувчи, айбланувчи, судланувчининг асосий ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар ва уларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси.....	56-58
2.3-§. Ошкора ва асосли суд қарорларига бўлган ҳуқуқ, суд қарорларининг юқори суд инстанцияларида кўрилишига оид халқаро стандартлар ва уларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси	58-63
III БОБ. АДОЛАТЛИ СУД МУҲОКАМАСИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ТАМОЙИЛИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРОРНИНГ РОЛИГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР, МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	64-85
3.1-§. Жиноят суд процессида прокурор иштирокига оид халқаро стандартлар ва уларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси.....	64-77
3.2-§. Миллий ҳуқуқий тизимнинг бир қисми сифатида халқаро стандартлар, уларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилинишининг кейинги истиқболлари.....	77-85
ХУЛОСА.....	86-95
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	96
ИЛОВАЛАР.....	97-112

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарбилиги. Мустақил Ўзбекистон Республикаси ўз олдига демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш вазифасини қўяр экан, бу ўз навбатида чуқур ислоҳотлар олиб боришни ва суд-хукуқ тизимини ушбу жараённинг механизми сифатида фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини таъминлашни, ушбу соҳа бўйича халқаро тан олинган стандартларнинг миллий қонунчиликда тўлақонли ифодаланишини талаб қиласиди. Ўтган йиллар давомида ўз мақсадимизга босқичма-босқич эришмоқдамиз.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларининг устунлиги тан олиниши белгилаб қўйилган. Шунингдек, адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар бўйича халқаро-норматив хужжатлар қабул қилиниб, миллий қонунларимиз билан мустаҳкамлаб қўйилди. Ҳамда фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини таъминлаш йўналишида ўз вазифаларини изчиллик билан амалга ошириб келмоқда.

Мазкур магистрлик ишининг долзарбилиги ҳам бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг олиб бораётган сиёсатининг бир қисми ўлароқ, халқаро ва миллий қонунчилигимизда фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини таъминлаш масаласига бевосита асосланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев ўз олдига суд-хукуқ тизимини жазоловчи органдан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи, айниқса адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини, қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини таъминловчи органга айлантириш сиёсатини юритишни мақсад қилиб қўйди. Албатта, бу демократик жамият қуриш учун улкан амалий қадам бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январда қабул қилинган 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг “Тараққиёт стратегияси”да ҳам фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини

таъминлашга қаратилган мухим режалар белгиланган. Жумладан, еттида йўналишнинг иккинчи йўналиши “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг енг асосий ва зарур шартига айлантириш” деб номланиб, унда **15-мақсад**: давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда **фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш**, **17-мақсад**: ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш, қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда **инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш** каби вазифалар назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли фармонида суд-хуқуқ тизими соҳасида амалга оширилаётган ишлар натижасида одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга чиққанлиги алоҳида қайд этилди. Хусусан, ноҳақ айбланган 2,3 мингга яқин киши оқланди, инсон ҳуқуқларини қўпол тарзда бузган 60 нафар хуқуқ-тартибот органи ходимлари жиноий жавобгарликка тортилганлиги назарда тутилган. Шу билан бирга фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш мақсадида бир қатор вазифалар амалга ошириб келинмоқда. Юқоридаги рақамлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, одил судловни амалга оширишда фуқаролар ҳуқуқлари тўлиқ таъминланмаяпти. Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбари бу соҳада камчиликларни очик-ойдин таъкидлаб, ўзининг Тараққиёт стратегиясида ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан халқаро ҳамкорликнинг

шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан аниқ мақсадларни белгиланиши ҳам магистрлик иши мавзусининг долзарбилигини англатади.

Ушбу демократик жараёнлар марказида инсон, унинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати тураг экан, бу бўйича давлат раҳбари томонидан 22.06.2020 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сонли фармони алоҳида аҳамиятга эга. Айнан ушбу фармонда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг ҳимоя қилиш ва шу орқали мамлакатнинг халқаро обрўсини янада мустаҳкамлаш вазифалари белгилаб берилган. Бу ҳам магистрлик ишининг долзарбилигини яна бир карра кўрсатиб беради.

Диссертация мавзусининг объекти. Демократик ислоҳотлар “Ҳаракатлар Стратегияси”дан “Тараққиёт Стратегияси” йўналишлари бўйича давом этишида, жиноят судлари мисолида адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар ва уларнинг миллий қонунчиликда ифодаланишига доир масалалар самарадорлигини оширишнинг назарий-ҳуқуқий таҳдиллари, бу соҳадаги муаммоли ҳолатлар ва халқаро норматив-хужжатларнинг аҳамияти ва улар ўртасидаги зиддиятли ҳолатлар мажмуасига оид муносабатлар магистрлик ишининг объектидир.

Диссертация мавзусининг предмети. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар мустаҳкамланган тегишли халқаро ҳуқуқий хужжатлари, протоколлари, конвенциялари, миллий қонунларимиз, Президент қарорлари, бу борадаги миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-амалий ишлари, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган соҳага доир ахборотлар ва бошқа ҳуқуқий манбалар магистрлик ишининг предмети ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг янгилиги. Бугунги кунга қадар чет эллик ва мамлакатимизнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар ва уларнинг миллий

қонунчиликдаги ифодаси бўйича кўплаб илмий материаллар тайёрланган тайёрланган бўлишига қарамай, айнан жиноят судларидаadolатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар ва уларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси масаласида кенг қамровли таҳлилий хulosаларга асосланган илмий иш қилинмаган. Янги Ўзбекистоннинг демократик жиҳатдан халқаро майдонда ўрнини белгилашдаadolатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси жуда муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқариadolатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқни таъминлашда прокуратура органларининг ролини ошириш, суд мустақиллигини таъминлаш, ушбу соҳадаги миллий механизмнинг жаҳон стандартларига мослик даражасини оширишга доир ишлар олиб бориш юқори натижалар беради. Ушбу магистрлик ишидаadolатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқни таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича ҳуқуқий механизми ўрганилади, таҳлил қилинади, амалиётдаги муаммолар ўрганилиб, ушбу соҳа қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан тегишли хulosалар қилинади ва таклифлар тайёрланади.

Диссертация мавзусининг мақсади ва вазифалари. Магистр ишининг мақсадиadolатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги ифодаси, жиноят судлари мисолида танқидий ва амалий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш, таҳлилий ишларни олиб бориш, магистрлик амалиёти даврида олиб борилган кузатишлар асосида фуқароларнингadolатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликдаги мустаҳкамланиши ва бу бўйича мажбуриятларни бажаришга масъул миллий субъектлар, жумладан, прокуратура ва суд фаолияти ҳақида тегишли илмий-назарий асослантирилган хulosалар ишлаб чиқиш, таклифлар тайёрлаш ҳисобланади.

Қўйилган мақсадга эришиш магистрлик ишини ёзиш жараёнида қўйидаги вазифаларни ҳал қилиш орқали амалга оширилади:

- а) адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар ва уларнинг ҳуқуқий асосини аниқлаш, халқаро ҳужжатларнинг ҳолатини аниқлаш;
- б) мамлакатимизда жиноят судларида фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини таъминлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг фаолийатини очиб бериш;
- с) мамлакатимизда фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини таъминлашда вужудга келаётган муммоларни аниқлаш учун қонун нормаларини ўрганиш, амалиётдаги муаммоларни аниқлаш;
- д) фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини таъминлашда прокуратура органларининг ўрни ва аҳамиятини очиб бериш;
- е) ўрганилган ҳуқуқ манбалари ва илмий ишлар, ўтказилган кузатувлар натижасида фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар ва уларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаланиши юзасидан тегишли хulosалар ва таклифлар тайёрлаш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси ва адабиётлар таҳлили. Мавзу бўйича илмий ишлар кам бўлишига қарамай, адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар бўйича мутахассислар томонидан етарлича ўкув қўлланмалар, адабиётлар, мақолалар, йиллик ҳисботлар ва бошқа илмий ишлар қилинган. Аввало, адолатли суд муҳокамасига доир ҳуқуқ дикқат марказида инсон туради.

Шу сабабли юристларнинг Халқаро комиссияси томонидан 2011 йилда Женевада ишлаб чиқилган “Халқаро стандартлар, адолатли суд муҳокамаси жараёнлари ва Ўзбекистон Республикаси жиноят процесси” ҳақида амалий қўлланмалар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги Тараққиёт Дастури (UNDP), АҚШ Халақаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва Ўзбекистон Республикаси Олий Суди билан биргаликда 2020 йил Тошкентда ишлаб чиқилган “Адолатли суд муҳокамасига оид халқаро стандартлар” ҳақида ўкув-услубий қўлланмалар, С.М.Ягофаровнинг “Жиноят суд муҳокасида халқаро стандартлар” тўғрисида ўкув қўлланмаси, EXXT

демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (БДИПЧ ОБСЕ) томонидан нашр этилган “Адолатли суд муҳокамаси халқаро ҳуқуқда” деб номланган ҳуқуқий тўпламлари, БМТнинг Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича йиллик ҳисоботлари ва бошқа ўкув қўлланмалардан маълумот олишимиз мумкин.

Жиноят судларида фуқароларнинг одил судловга эришишини таъминлашга қаратилган бир қанча универсал ва минтақавий халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт, Осиё-Тинч океани минтақаси учун суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципларига оид 1995 йилдаги Пекин декларацияси, Судьяларнинг умумжаҳон декларацияси, Европа Кенгашининг судьялар мустақиллигига оид тавсиялари ва ҳоказолар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормаларини белгилаб берувчи асосий ҳужжат 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясидир. Унинг қоидалари ҳар кимнинг ўз иши бўйича адолатли судловни таъминлаш ҳуқуқини жуда аниқ белгилаб беради. Ушбу хабар шу қадар универсал ва мазмунан кенгки, уни шакллантириш бир вақтнинг ўзида бир нечта мустақил моддалардан фойдаланишни талаб қиласди, бунда шахснинг тегишли ҳуқуқий мақомининг алоҳида кафолатлари белгиланган. Жумладан, ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга (8-модда), Ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувгин қилиниши мумкин эмас (9-модда), Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга (10-модда), 1. Жиноят содир этганликда

айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар тамилланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбиз деб хисобланишга ҳақлидир. 2. Ҳеч ким, содир этилган вақтда миллий қонунлар ёки халқаро ҳукуқларга кўра жиноят деб топилмаган хатти-ҳаракати ёки фаолиялизлиги учун жазога ҳукм қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, жиноят содир этилган вақтда қўлланиши мумкин бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас (11-модда).

Юқоридаги Декларация нормалари миллий қонунчилигимизда ҳам акс этган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддада, ҳар бир шахсга ўз ҳуқук ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳукуқи кафолатланади. Яъни жиноят содир этган шахснинг қилмишидан зарар кўрган ёки жабрланган шахс ўзининг бузилган ҳукуқларини суд орқали ҳимоя қилиш учун судга ёки ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиши мумкин.

Жиноят процессуал кодексининг 12-моддасида, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширишлиги белгиланган.

Шунингдек, ўз навбатида ўзига нисбатан жиноят содир этганлик айби қўйилган шахс ҳам суд томонидан айби аниқланмагунча айбор эмаслиги Конституциянинг 26-моддасида алоҳида қайд этилган. Яъни, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазиикқа дучор этилиши мумкин эмасдиги назарда тутилган. Шу сабабли ушбу соҳа ҳақидаги илмий мақолалар, расмий сайtlар ва юридик адабиётлар орқали маълумот олишимиз мумкин.

Бундан ташқари, адолатли суд мұхокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар ва уларнинг миллий қонунчиликдаги ўрни ҳақида таҳлил ва холосалар қиласиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мүмкінки, бугунги кунда юридик адабиётларда жиноят судларида адолатли суд мұхокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар ва уларнинг миллий қонунчиликдаги ифодасининг асослари, назарий-ҳуқуқий муаммолари ва фаолият механизмини такомиллаштириш масалаларини комплекс тарзда тадқиқ этган илмий ишлар мавжуд эмас.

Диссертация мавзусининг методикаси. Магистрлик ишини ёзишда билишнинг умумий-илмий методлари бўлган юридик метод, диалектик метод, тарихий-қиёсий таҳлил, тизимли таҳлил қилиш услублари, шунингдек, умуммантиқий методлар – индукция, дедукция, анализ, синтез ва маҳсус-ҳуқуқий методлар қўлланилди.

Илмий адабиётлар ва ҳуқуқ нормаларини шарҳлашда грамматик таҳлил методидан ҳам фойдаланилди.

Диссертация мавзусининг таркибий тузилиши. Магистрлик ишининг таркибий тузилиши кириш, олтита параграфни ўз ичига олувчи учта боб ва холоса, шунингдек фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб умумназарий хусусиятга эга бўлиб, унда адолатли суд мұхокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар тушунчаси, тарихи, такомиллашуви, ҳуқуқий асоси, ушбу соҳадаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликда ифодаланиши, Ўзбекистон Республикасининг ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорлигининг тарихий ва назарий асослари, ҳамкорлик шакллари ҳамда унинг натижалари ўрганилади. Тегишли халқаро ва миллий қонун ҳужжатлари асосида ҳамкорлик шакллари ва натижалари таҳлил қилинади.

Иккинчи бобда адолатли суд мұхокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартларнинг таснифи ва уларнинг миллий қонунчиликдаги ифодасининг демократик ҳуқуқий давлатга таъсири (мамлакатимиз мисолида) ўрганилади.

Учинчи боб прокуратура органлари фуқароларнинг адолатли суд мухокамасига бўлган ҳуқуқини таъминлаш юзасидан фаолиятининг таҳлили, самарадорлигини оширишнинг ютуқ ва камчиликлари, амалий-ҳуқуқий муаммолари, уларни ҳал этиш масалалари ҳамда илғор хорижий тажрибага бағишлиланади.

І БОБ. АДОЛАТЛИ СУД МУҲОКАМАСИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚГА ДОИР ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР, УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.

1.1. Адолатли суд мухокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар тушунчаси, тарихи, такомиллашуви, ҳуқукий асоси.

Адолатли суд мухокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб пайдо бўлабошлиди. Лекин инсонлар ўзларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш эҳтиёжи анча олдин пайдо бўлган. Демак, суд функцияси инсоният ҳаёти давомида шаклланиб келган.

Жумладан, Монтескенинг мустақил ва холис суд тизими (қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан ажralган ҳолда фаолият юритувчи) концепцияси буржуа сиёсатчиларининг декларациясида тасдиқланганидан сўнг, кейинчалик ўн саккизинчи асрдаги Франция буржуа инқилоби конституциявий ҳужжатларига киритилганидан кейин реал мазмун билан тўлдирилди. Ушбу ҳужжатлар суд ҳокимиятининг конституциявий мустаҳкамланишини талаб қилувчи ваколатларини белгилаб берди.

Монтеске асарларида демократик жамиятда суд ҳокимиятини ташкил этиш ва фаолиятининг учта асосий тамойили белгиланган: халқ принципи, сиёсатдан мустақиллик ва профессионаллик¹.

Судни давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш ва фаолиятининг ушбу тамойилларини жаҳон ҳамжамиятининг қўплаб ривожланган давлатларнинг ҳуқуқ соҳасидаги стандартларнинг намунаси деб аташ мумкин.

Суд ҳокимиятининг алоҳида тармоққа ажратилган ҳолда фаолият кўрсатиши дастлаб Англияда, кейинчалик эса АҚШ ва Франция каби давлатларда ҳакамлар ҳайъати шаклида ташкил этилган.

Англияда бир қанча қонунлар чиқарилди, хусусан қирол ҳокимиятини баронлар фойдасига чекловчи (Магна Сарта, 1215²), шунингдек шахснинг

¹ Монтескье Ш. О духе законов: Избранные произведения. – М.: 1955. – С. 78.

дахлсизлик ва суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқларини кафолатлайдиган хужжатлар қабул қилинган (Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билл 1689³).

Магна Сарта, 1215 йил июнда инглиз зодагонларининг қирол Иоанн Ерсизга қўйган талаблари асосида тузилган ва ўрта аср Англиясининг эркин аҳолисининг бир қатор қонуний ҳуқуқ ва имтиёзларини ҳимоя қилувчи сиёсий-ҳуқуқий хужжат ҳисобланади. Жумладан, қонун **суд ва суд ишларини юритиш** ва бошқа соҳаларга оид масалаларини тартибга солувчи 63 моддадан иборат. Шунингдек, Магна Сарта нормаларида бир қатор прогрессив тамойиллар – мансабдор шахслар хатти-ҳаракатларининг қонунга мувофиқлиги, **қилмиш ва жазонинг мутаносиблиги, фақат судда ҳукм қилиниши**, эркин фуқаронинг фақат суд томонидан эркинлигининг чекланиши, дахлсизлик қоидалари ва бошқа кафолатлар белгиланган⁴.

Қонун адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқини кафолатлайди. Кейинчалик “Магна Сарта” кўплаб қонун хужжатлари ва халқаро хужжатлар, жумладан, АҚШ Конституцияси ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси учун асос бўлди⁵. Қонуннинг атиги учта қоидаси бугунги кунда кучда - улардан бири эркин фуқарони озодликдан маҳрум қилиш фақат судлов орқали бўлиши мумкинлигини кафолатлайди.

Кейинг даврларда англо-саксон ҳуқуқий процессида “Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билл⁶” асосида суднинг **оғзаки, ошкора ва мунозарали жараён тамойиллари** эълон қилинди, уларнинг амалга оширилиши ҳакамлар ҳайъати томонидан тўлиқ амалга оширилди.

Энг муҳими шуки, суд ҳокимиятининг **мустақиллик, объективлик, холислик ваadolat** белгилари каби хусусиятлари қуйида қайд этилган икки шарт:

- а)** одил судловни амалга оширишда халқ унсурининг иштирок этиши;
- б)** судни сиёсий босимдан озод қилиш билан бевосита боғлиқдир.

² <https://archivos.juridicas.unam.mx/www/bjv/libros/6/2698/17.pdf>

³ https://www.bbc.com/uk/2015/uk_magna_carta_reunion

⁴ <https://archivos.juridicas.unam.mx/www/bjv/libros/6/2698/17.pdf>

⁵ https://www.bbc.com/uk/2015/uk_magna_carta_reunion

⁶ <https://www.parliament.uk/bill/of/rights/1689>.

Хар бир давлатда инсон ҳуқуқларининг биринчи ўринга қўйилиши ва давлат органлари ёки мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қиласидиган институтнинг мавжуд бўлиши, шундай институтни шакллантириш ва ривожлантириш енг муҳим инсонпарварлик гоясиdir.

Маълумки, ҳалқаро ҳуқуқ амалдаги нормалар тизими сифатида замонавий ҳуқуқий маконда нисбатан яқинда ишлаб чиқилган. Фақат йигирманчи асрда инсонлар табиий, илмий-техникавий ва гуманистик кашфиётлар ва ғалаёнлар билан у турли ҳуқуқ тизимларини яқинлаштириш, инсоният жамиятининг қўплаб соҳаларини ҳуқуқий тартибга солишини универсаллаштириш зарурлигини англаб етди. Цивилизация ривожланишининг ҳозирги босқичида ҳалқаро ҳукуқнинг аҳамияти ортиб бормоқда, бу замонавий давлатлар томонидан 2000 йилдаги БМТнинг Мингийиллик саммитида тасдиқланган ва Мингийиллик декларациясида ўз аксини топган бўлиб, унда давлатларнинг ҳалқаро ва ички ишларда “давлатларнинг ҳукмронлигига ҳурматни ошириш” қатъияти ифодаланган⁷.

Йигирманчи асрнинг ўрталарида адолатнинг асосий тамойиллари ҳалқаро ҳуқуқда тан олинди ва мустаҳкамланди. Адлия соҳасида ҳалқаро стандартларни шакллантириш гоясини амалга оширган биринчи ҳалқаро норматив-хужжат сифатида 1948 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”ни айтиш мумкин⁸.

Ушбу ҳалқаро ҳужжатда барча давлатлар учун универсал бўлган адолат тамойилларини шакллантиришга ҳаракат қилинди. Ушбу ҳалқаро-ҳуқуқий ҳужжат матни:

- ✓ барчанинг қонун олдида тенглигини эълон қилувчи қоидаларни ўз ичига олган (7-модда);

⁷ Resolutions and Decisions Adopted by the General Assembly During its 55th Session. Vol. I. UN. – 2001. – P. 5.

⁸ Международное публичное право. Сборник документов. Т.1. – М.: 1996.

- ✓ ҳар кимнинг қонун асосида ташкил этилган ваколатли суд томонидан амалга ошириладиган самарали суд ҳимояси ёки одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқи (8-модда);
- ✓ холис ва ошкора очик судга бўлган ҳуқуқ (10-модда);
- ✓ шунингдек судда ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида инсон ҳуқуқларининг қўшимча кафолатларини ўз ичига олган бошқа қоидалар (шахс ва мулк дахлсизлиги презумпцияси,)⁹.

Юқоридаги универсал адолат тамойиллари 1966 йилдаги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт” қоидалари билан янада тўлдирилган. Хусусан, улар адолатнинг асосий параметрларини белгилаб берди, миллий ҳуқуқ тизими умуман судга эмас, балки мустақил ва холис судга киришни таъминлаши кераклиги назарда тутилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1966 йилдаги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт” қоидалари “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларнинг анча такомиллашган ва тўлдирилган нормааларни ўзида мужассам этади. Жумладан, Пактнинг 14-моддасида бир қанча стандартлар белгилаб қўйилган, ушбу модданинг биринчи бандида, барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгdir. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқилаётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга асосан тузилган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очик ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

Демократик жамиятда ахлоқ юзасидан, жамият тартиби ёки давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёки буни томонларнинг шахсий ҳаёти манфаатлари талаб этганида ёки суд фикрига кўра бу қандайдир даражада қатъиян зарур деб топилганида, яъни омма кўз ўнгида бўладиган жараён судлов манфаатларига ҳалал берадиган алоҳида ҳолларда матбуот ходимлари

⁹ <https://www.un.org/en/about-us/universal-declaration-of-human-rights>

ва омма барча мажлисларга ёки шу мажлисларнинг бир қисмига киритилмаслиги мумкин; бироқ балоғат ёшига этганларнинг манфаатлари бошқача талаб этганда ёки никоҳ борасидаги низоларга ёки болаларга васийлик қилишга алоқадор ишлар бундан мустасно бўлган ҳолларда жиной ёки фуқаролик иши бўйича чиқарилган ҳар қандай суд қарори ошкора бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган. Яъни барча шахслар ирқи, тили, дини, миллати, ранги, ижтимоий келиб чиқишидан қатий назар суд олдида тенг хисобланади.

Кейинги нормалардаги ваколатли, мустақил ва холис судлар деганда, ҳар бир давлатдаги судларнинг қонунга биноан ваколатли орган томонидан тузилган, қонун томонидан жиноят судларини қўришга ваколат берилган судларни тушунишимиз мумкин. Ҳар бир мустақил деморатик давлат судлари ушбу нормада назарда тутилган талабдан кам бўлмаслиги лозим. Чунки бу нормалардаги талаб адолатнинг энг куйи даражаси бўлгани ҳолда ундан кам даражада белгиланиши инсон ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказади.

Шунингдек, иккинчи бандда назарда тутилган норма, яъни жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар қандай киши қонунга мувофиқ айби исботланмагунча айбсиз деб саналиш ҳуқуқи (айбсизлик призумпцияси) ҳам биринчи навбатда Декларацияда сўнгра эса юқоридаги халқаро пактда яна бир бор мустаҳкамланди.

Бироқ учинчи банддаги нормалар жиноят процесси учун ихтисослаштирилган халқаро стандартлар сифатида Декларацияда белгиланган нормаларга қараганда анча аниқ ва қатъий ифодаланган. Унга кўра, ҳар бир киши ўзига қўйилган ҳар қандай айблок кўриб чиқилаётганда тўлиқ тенглик асосида камида қуидаги кафолатлар таъминланиши ҳуқуқига эга:

а) ўзига қўйилган айблок хусусияти ва асослари ҳақида ўзи тушунадиган тилда дархол ва батафсил хабардор этилиш;

б) ўз ҳимоясини тайёрлаш ва ўзи танлаган ҳимоячи билан мулокотда бўлиш учун етарлича вақт ва имкониятга эга бўлиш:

с) асоссиз ҳолда тўхтатиб турилмасдан ўз ишининг судда кўриб чиқилиши;

д) ўзи қатнашиб суд қилиниши ва ўзини ўзи ёки танлаб олинган ҳимоячи воситасида ҳимоя қилиниши; агар ҳимоячиси бўлмаса, унга эга бўлиш хуқуки борлиги ҳақида хабардор қилиниши; одил суд манфаатлари талаб этган ҳар қандай ҳолда ўзига тайинланган ҳимоячига эга бўлиш, унга тўлаш учун етарли маблағи бўлмаган барча ҳолларда ўзига ҳимоячининг текинга берилиши;

е) ўзига қарши кўрсатув бераётган гувоҳларни сўроқ қилиш ёки ана шу гувоҳлар сўроқ қилиниши хуқуқига эга бўлиш ва унга қарши кўрсатув бераётган гувоҳлар учун бўлган шартларда унинг ўзи танлаган гувоҳларнинг терговга чақирилиши ва сўроқ қилиниши хуқуқига эга бўлиш;

ф) агар судда қўлланилаётган тилни тушунмаса ёки бу тилда сўзлай олмаса бепул тарзда таржимон кўмагидан фойдаланиш;

г) ўзига ўзи қарши кўрсатув беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур килинmasлик кабилар¹⁰.

Қувонарлиси шуки, инсон хуқуқларининг халқаро миқёсда тан олиниши ва ҳимоя қилиниши, айниқса, жиноят судларида шахснинг хуқуқ ва мафаатларининг таъминланиши адолатли суд муҳокамасини таъминлаш бўйича давлатлар томонидан халқаро стандартлар этиб белгиланишида “Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисида”ги Пактнинг ўрни алоҳида ҳисобланади. Чунки ушбу пакт тўлиқ “Инсон хуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси” қоидалари устунлигини яна бир бор халқаро хуқуқда тан олиб, унинг нормаларидан чекинмаган ҳолда янги нормалар билан тўлдирилди.

Ўн тўртинчи модданинг кейинги бандларида ҳам жиноят ишлари бўйича судларда шахсларнинг хуқуқлари ҳимоя қилиниши лозимлиги

¹⁰ Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги пакт. 1966. 14-модда.

таъкидланган. Хусусан, вояга етмаганларга нисбатан суд жараёни шундай бўлиши керакки, токи бунда уларнинг ёши ва уларни қайта тарбиялашга кўмаклашиш мақбуллиги инобатга олиш, бирор-бир жиноят учун судланган ҳар бир киши унинг судланганлиги ва хукм юқори суд инстанцияси томонидан қонун асосида кўриб чиқилиши ҳуқуки ва унинг айби ёки қисман айби билан ўз вақтида топилмаганлиги исботланмаган бўлса, қонунга мувофиқ компенсация олиш ҳуқуки белгиланган.

Ривожланган давлатларда, хусусан Англияда вояга етмаганлар (18 ёшдан кичик)га оид жиноят ишини кўриб чиқиш учун алоҳида суд зали бор ва энг муҳими вояга этган шахслар билан бирга суд жараёни ўтказилмайди. Бундан мақсад вояга етмаган боланинг психологиясига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш. Фақагтина битта ҳолатда: оғир жиноятни вояга етган шахслар билан бирга содир қилгандагина, иш ҳолатини тўлиқ очишга ва адолат нуқтаи назаридан бирга суд жараёни ўтказилиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқ ҳақида сўз юритганда, адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ тамойиллари халқаро ҳуқуқда эътироф этилишидан олдин Англия, АҚШ ва Франция ҳамда бошқа баъзи ривожланган давлатларда у ёки бу шаклда пайдо бўлган бўлиши мумкин, бироқ халқаро ҳуқуқда биринчи бор универсал ҳолатда 1948 йилги Декларацияда сўнгра эса 1966 йилда “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Пактда ўз аксини топган. 1950 йилда Европа Кенгаши (1949 й) томонидан “Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенцияси¹¹” қабул қилинди, лекин бу конвенция минтақавий конвенция ҳисобланади, яъни универсал эмас. Агарда ниверсал конвенция бўлганда Европа Кенгашига аъзо давлатлар билан чекланиб қолмасдан балки бошқа давлатлар ҳам конвенцияни ратификация қилиши мумкин бўлар эди.

Конвенцияни давлатлар томонидан ратификация қилинишининг афзалликларидан бири аъзо давлатлар фуқароси Европа инсон ҳуқуқлари судига мурожаат қила олади. Бошқа давлат фуқароси ҳам мурожаат этиши

¹¹ https://www.echr.coe.int/documents/convention_eng.1950

мумкин, қачонки аъзо давлатда ҳуқуқлари бузилганда. Европада Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида юқори даражага эришишда айнан Европа конвенциясининг ўрни сезиларли даражада бор.

Энг муҳими конвенциянинг 6-моддасида адолатли суд мухокамасига бўлган ҳуқуқга доир стандартлар санаб ўтилган. Масалан, ҳар ким ўзига қарши жиноий айлов қўйилганда адолатли, мустақил ва холис суд томонидан, оқилона муддатларда, очик ва ваколатли суд томонидан судланиш ҳуқуқига эгалиги, ҳукмнинг суд мажлисида ўқиб эшилтирилиши, лекин матбуот ва жамоатчилик бундан мустасно бўлиши мумкинлиги белгиланган. Шунингдек, олтинчи модданинг нормаларида шахснинг суд процессидаги бошқа ҳуқуқлари: айбизлик призумпцияси, ўзи хоҳлаган тилда кўргазма бериш, шахсан ёки юридик ёрдам орқали ўзини ҳимоя қилиш, таржимон ёллаш ёки имкони бўлмаса, бепул ёрдам олиш ва судда ишлатиладиган тилни тушуниш ёки гапириш каби ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Ушбу модда тўғрисида кейинги саҳифаларимизда тўхталиб ўтамиз.

Адолатли суд мухокамасига бўлган ҳуқуқ тўғрисида сўзимизни давом эттирар экканмиз, жиноят ишлари сўйича соҳадаги табиий ҳуқуқларга инсоннинг ҳимояланиш, адвокат ёллаш, суд қарорини қайта кўриб чиқиши ва ҳоказо ҳуқуқлари киради. Ушбу ҳужжатларда биринчи марта халқаро инсон ҳуқуқлари нормалари бузилишидан жабрланганларнинг ҳуқуқий ҳимояланишга оид нормалар мавжуд бўлиб, бу инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро меъёрлар қурилишининг мутлақо мантиқий хulosаси бўлиб кўринади.

Ушбу нормалар қуидаги норматив ҳужжатларда кўрсатилган:

- 1) Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддаси;
- 2) Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 2-моддаси;
- 3) Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг 6-моддаси;

4) Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога қарши Конвенциянинг 14-моддаси;

5) Бола хуқуқлари түғрисидаги конвенциянинг 39-моддаси ва ҳоказолар.

Миллий адлия тизимларини, уларнинг органларини ҳамда одил судловни амалга ошириш хуқуқига эга бўлган шахслар мақомини ташкил этиш ва фаолияти стандартларини ишлаб чиқишининг асосий тамойиллари ва ёндашувлари кейинги халқаро ҳужжатларда янада кенгроқ ҳолатда ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди.

Ушбу туркумдаги энг муҳими, 1989 йилдаги Вена йигилишининг яқуний ҳужжати адолатнинг универсаллиги тамойилларини ва фуқаронинг шикоятини кўриб чиқкан суд қарорини мажбурий кўрсатган ҳолда хабардор қилиш зарурлигини белгилаб берди, бундай қарорни қабул қилиш сабаблари (13-модда). Одил судлов ғоялари 1990 йилдаги ЕХХТ Инсонийлик ўлчовлари бўйича Конференциянинг Копенгаген мажлиси ҳужжатида ўз ифодасини топган. Халқаро тартибга солиши талаб қиласидан бошқа муаммолар қаторида юқорида қайд этилган халқаро-хуқуқий ҳужжатлардаги адолат ва унга қўйиладиган талаблар ҳам кўриб чиқилди. Бироқ, ҳар бир давлатда самарали ва инсонпарвар суд тизимини яратиш вазифасининг алоҳида аҳамиятидан келиб чиқиб, халқаро ҳамжамият томонидан суд ҳокимиятини ташкил этиш ва фаолиятини тартибга соловчи миллий конституциявий қонунчиликнинг халқаро ҳуқуқий асосини ташкил этувчи бир қатор маҳсус ҳужжатлар қабул қилинди.

1985-йилда Миланда БМТнинг VII Конгресси томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш ва хуқуқбузарларга нисбатан муносабатда бўлиш түғрисида қабул қилинган “Суд ҳокимияти мустақиллигининг асосий тамойиллари” маҳсус халқаро актини ана шундай ҳужжатлардан биринчилардан бири дейиш мумкин. Унда мустаҳкамланган тамойиллар БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги резолюцияси билан

тасдиқланган¹². Ушбу ҳужжат суд-хуқуқ тизимини барпо этувчи давлатнинг ўзига ҳам, унинг судлар билан ўзаро алоқада бўлган ваколатларига ҳам, бевосита судларнинг ўзига ҳам, суд ҳокимияти эгалари сифатидаги судьяларга ҳам қўйиладиган талабларни белгилайди.

Халқаро хуқуқнинг енг муҳим ютуғи, бизнинг фикримизча, давлатларга қўйилган бир қатор талаблар бўлди, улар орасида: жумладан,

А) одил судлов жараёнига бошқа органлар ва шахсларнинг ноқонуний ва рухсатсиз аралашувига йўл қўйилмаслиги;

Б) ҳар қандай суд қарорларини фақат суд орқали қўриб чиқиш;

В) суд ҳокимиятининг давлат томонидан кафолатланган мустақиллиги, шу жумладан, ушбу тамойилни мамлакат конституцияси ёки қонунларида мустаҳкамлаб қўйиш орқали;

Г) давлат ва бошқа институтларнинг суд ҳокимияти мустақиллиги ва бошқа тамойилларни хурмат қилиш ва қўллаб-қувватлаш мажбурияти. Суд ҳокимиятининг ўзи ўз фаолиятини қўйидаги тамойиллар асосида қуриши керак;

Д) суднинг мустақиллиги хуқуқ ва айни пайтда суд муҳокамасининг адолатли ўтказилишини таъминлаш ва тарафларнинг хуқуқларини хурмат қилиш талаби;

Е) судьяларнинг одил судловни амалга ошириш жараёнида етказилган моддий зарар учун жавобгарликка тортилишдан шахсий дахлсизлиги (агар бундай зарар ўз ваколатларини суистеъмол қилиш натижасида етказилмаган бўлса, бу алоҳида тартибда исботланиши керак);

Ф) судьянинг судьялик ва касбий вазифаларини бажариши жараёнида айблов ёки шикоятни тез ва холисона қўриб чиқиш;

Ж) судьяларнинг ўз хизмат вазифаларини бажара олмаганлиги ёки эгаллаб турган лавозимига нолойиқ хатти-ҳаракати туфайлигина тўхтатиб туриш ёки ишдан бўшатиш;

¹² www.org.uno/resolutions.

Ушбу суд ҳокимияти мустақиллигига оид тамойиллар халқаро ҳуқуқда ўз аҳамиятига эга. Чунки бошқа халқаро ҳужжатларда фақатгина суд ҳокимиятига бағишлиланган боб ёки моддалар билан чекланган бўлса, биринчи марта халқаро ҳуқуқда фақат суд ҳокимияти ва унинг мустақиллигига оид нормалардан иборат алоҳида бир ҳужжат ишлаб чиқилди. Бу ҳам давлат ҳокимияти тизимида инсон ҳуқуқларини таъминлашда суд органининг ўрни алоҳидаэканлигини кўрсатиб беради.

Ушбу рўйхатдан кўриниб турибдики, одил судловнинг асослари ва суд ҳокимиятини ташкил этиш халқаро ҳуқуқда жуда мураккаб ва муҳим тизим бўлиб кўринади. Санаб ўтилган тамойиллар маълум даражада кўрсатилган ва 1990-йилда Иқтисодий ижтимоий кенгаш томонидан қабул қилинган “Суд ҳокимияти мустақиллигининг асосий тамойиллари” номли бошқа ихтисослаштирилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжат билан тўлдирилган. Одил судлов тамойиллари мазмунига катта ҳисса қўшмоқда.

Адолатли суд муҳокамасига таъминлашга оид тамойиллари мазмунига халқаро субъектларнинг турли минтақавий бўлимлари ва минтақавий халқаро ташкилотлар катта ҳисса қўшмоқда. Минтақавий миқёсда қабул қилинган халқаро нормалар адолат мезонларини белгилаш, давлат органларига зарур талабларни ишлаб чиқиш ва суд ҳокимиятига нисбатан сиёсатига, шунингдек, минтақавий халқаро органларнинг диққат марказида бўлган бошқа масалаларга бағишлиланган. Россия ва Европа қитъасининг бошқа мамлакатлари учун Европа минтақавий халқаро ҳужжатларида мустаҳкамланган нормалар алоҳида аҳамиятга эга.

Европа Кенгашининг меъёрий ҳужжатларини, хусусан, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясини ҳисобга олган ҳолда, унинг нормалари ва қоидаларини Комиссия актлари шаклида қўллаш амалиёти деб айтиш мумкин. Ушбу ҳужжатларда миллий одил судловга қўйилган талаблар жуда батафсил ва доимий равишда Европа суди томонидан аниқ ишларни, шу жумладан одил судлов соҳасидаги

ҳаракатлар устидан шикоятларни кўриб чиқиши натижасида шакллантирилган замонавий ҳуқуқий талаблар шаклида ишлаб чиқилмоқда.

Масалан, Европа инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 6-моддасига қайта мурожаат қиласиган бўлсак, унда ҳар кимга қонун билан ташкил этилган мустақил ва холис суд томонидан оқилона вақт ичида адолатли ва ошкора муҳокама қилиш ҳуқуқини кафолатлади. Улардан одил судловга teng, тўғридан-тўғри, тўсқинликсиз киришни таъминлаш зарурлиги, ишларни кўриш вақтининг асослилиги мезонларини белгилаш, суд жараёнларининг ошкоралиги принципига йўл қўйилган чекловлар ва бошқалар тўғрисидаги қоидалар келиб чиқади. Юқорида қайд этилган Европа ҳужжатлари Европа Кенгашига аъзо давлатларининг ҳуқуқий тизимлари учун норматив, мажбурий аҳамиятга эга.

Шунингдек, Американинг “Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси” ҳам ҳамма учун суд ҳимоясига teng ҳуқуқлилик масаласига эътибор қаратади. Жумладан, конвенциянинг 25-моддасида “ҳар бир инсон давлат конституцияси, қонуни ёки ушбу Конвенция томонидан тан олинган асосий ҳуқуқларини бузадиган хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш учун оддий ва тезкор мурожаат қилиш ёки ваколатли судга бошқа самарали усувларда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга¹³”, - деб таъкидланган.

Шунингдек, Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари худди шу модданинг иккинчи бандига мувофиқ мажбурият оладилар, жумладан, суд воситаларини қўллаш доирасини кенгайтириш; ваколатли органлар мавжуд бўлганда ҳимоя воситалари мавжудлигини таъминлаш кабилар белгиланган.

Бундан ташқари Конвенцияда адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқи қўйидаги таҳрирда мустаҳкамланган: “Ҳар ким ўз иши тегишли кафолатлар билан ва оқилона муддатда, унга нисбатан қўйилган жиноий тусдаги ҳар қандай айбловни қўллаб-қувватлаш ёки унинг фуқаролик, меҳнат, молиявий ёки бошқа ҳар қандай хусусиятдаги ҳуқуқ ёки мажбуриятларини аниқлаш

¹³ Америка “Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси”.

учун ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан олдиндан чақириладиган суд томонидан кўриб чиқилишига ҳақли. Оғир жиноятда айбланаётган ҳар қандай шахс айби қонунга мувофиқ исботланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳуқуқи борлиги белгилаб қўйилган¹⁴.

Инсон ва халқлар ҳуқуклари бўйича Африка Хартияси деб аталаған Африка қитъаси учун батафсил минтақавий акт 1981 йилда қабул қилинган ва қўйидагиларни ўз ичига олади: “Ҳар ким амалдаги конвенциялар, қонунлар, қоидалар ва урф-одатлар билан эътироф этилган ва кафолатланган асосий ҳуқуқларини бузувчи хатти-ҳаракатлар юзасидан ваколатли миллий органларга ўз ишини кўриб чиқиш учун мурожаат қилиш ҳуқуқи, айборлиги ваколатли суд томонидан исботланмагунча айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқи, ҳимоя ҳуқуқи, шу жумладан ҳимоячи танлаш ҳуқуқи, ишнинг холис суд томонидан оқилона муддатларда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгалиги белгиланган¹⁵.

Узоқ давом этган ривожланиш ва умумий тизимнинг шаклланиши натижасида адлия соҳасидаги халқаро стандартлар иккита асосий тоифага бўлинди:

- 1) ҳокимият органи сифатида давлат тизимида суд ҳокимиятини ташкил этиш ва фаолияти тамойиллари;**
- 2) ушбу суд органлари томонидан аниқ ишларни кўриб чиқиш учун белгиланган қоидалар ва тартибларнинг асосини ташкил этувчи суд ишларини юритиш тамойиллари.**

Бу тоифаларнинг биринчисига суд ҳокимиятининг мухторияти ва мустақиллиги принциплари, ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимиятларнинг, суд ҳокимияти таркибига кирмайдиган назорат органларининг суд фаолиятига аралashiшга йўл қўйилмаслиги киради. Бу, шунингдек, 1985 йилдаги "Суд ҳокимияти мустақиллигининг асосий тамойиллари" (камситишларга йўл

¹⁴ Америка “Инсон ҳуқуклари тўғрисидаги конвенцияси”.

¹⁵ Инсон ва халқлар ҳуқуклари бўйича Африка Хартияси, 1981.

қўйилмаслиги) деб номланган ҳужжатнинг юқоридаги матнига киритилган батафсилроқ тамойилларни ўз ичига олиши керак.

Хусусан, биринчи тоифага судьяларни танлашда номзодларни кўрсатиш, судьяларнинг ваколат муддатини, уларнинг мустақиллиги ва хавфсизлигини қонун билан кафолатлайдиган, тегишли ҳақ тўланишини, муносиб хизмат кўрсатиш шароитларини таъминлаш, пенсияга чиқиши ва уларни ҳимоя қилишнинг бошқа зарур ижтимоий чора-тадбирлари; судьяларнинг ўюшмалар ва бошқа касбий ташкилотларни ташкил этиш эркинлиги; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, касбий тайёргарлигини ошириш ва судьялар мустақиллигини сақлаш мақсадида уларга қўшилиш; судьяларнинг моддий зарар учун жавобгарликка тортилишдан шахсий дахлсизлиги ва бошқалар белгилаб қўйилган.

Шунингдек, иккинчи тоифага ҳамманинг қонун олдида тенглиги, ҳар кимнинг қонунда белгиланган ваколатли суд томонидан самарали суд воситасидан фойдаланиш ҳуқуқи ёки одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқи, холис ва очик суд ҳуқуқи, шунингдек судда ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида инсон ҳуқуқларининг қўшимча кафолатларини ўз ичига олган бошқа қоидалар ва бошқаларни мисол қилишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, халқаро ҳуқуқда инсонларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқлари ўтган асрнинг ўрталаридан пайдо бўлганлигига қарамай, Европанинг баъзи ривожланган давлатларнинг миллий қонунчилигига ўрта асрлардан пайдо бўлди. Хусусан, Англияда 1215 йилда “Эркинликнинг буюк хартияси” (Магна Сарта) қонуни қабул қилинган бўлиб, унда суд ишини юритиш, эркин фуқароларни озодликдан маҳрум қилиш фақат суд томонидан амалга оширилиши каби нормалар ўз ифодасини топган. Кейинчалик, 1689 йилда “Ҳуқуқлар тўғрисида Билл” қабул қилинди ва унинг асосида суд ҳокимиятининг **оғзаки, ошкора ва мунозарали жараён тамойиллари** эълон қилинди, уларни амалга оширилиши ҳакамлар ҳайъати томонидан тўлиқ амалга оширилиши белгиланди

Энг муҳими шуки, суд ҳокимиятининг мустақиллик, холислик ва адолат белгилари каби хусусиятлари одил судловни амалга оширишда халқ унсурининг иштирок этиши ва судни сиёсий босимдан озод қилиш билан бевосита боғлиқ. Айтиш мумкинки, 1215 йилдаги “Эркинликнинг буюк хартияси”даги белгиланган нормалар АҚШ конституцияси ва “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”ни ишлаб чиқишда асосий ишчи хужжат бўлиб хизмат қилди.

Эътиборлиси, 1948 йилда халқаро ҳуқуқда биринчи бор БМТ томонидан “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да инсонларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар ишлаб чиқилди. Ушбу хужжат универсал хужжат бўлиб, барча халқлар учун асосий мезон бўлиб хизмат қиласи.

Шунингдек, жиноят процессида адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар 1966 йилда қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги пакт билан янада аниқ нормалар белгиланиши билан тўлдирилди.

Кейинчалиқ, 1985 йилда суд ҳокимиятининг мустақиллигига ва адолатли суд муҳокамасини таъминлашга оид “Суд мустақиллигига оид асосий тамойиллар” қабул қилинди. Ушбу хужжатларда суд процесси иштирокчиларининг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқлари халқаро стандартлар сифатида қабул қилиш мумкин.

1.2. Адолатли суд мухокамасига бўлган ҳуқуқга доир ҳалқаро стандартларнинг миллий қонунчиликда акс этиши демократик ҳуқуқий давлатнинг механизми сифатида

Хозирги кунда дунёда ривожланган давлатларнинг деярли барчasi демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлини танлаган ва қайсиdir маънода улар ўз мақсадаларига эришган ва эришмоқдалар. Шуни аниқ ишонч билан айтишимиз мумкинки, демократик ҳуқуқий давлатнинг зарурий шартларидан бири бу давлат органлари тизимида ҳокимиятлар бўлиниш принципининг мавжудлиги ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги ҳамда фақат қонунга бўйсуниши тамойили ҳисобланади. Ушбу қоида англатадики, шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, унинг эркинлиги ва ҳуқуқларини чеклаш, содир қилган жинояти учун айблилик масаласини аниқлаш ва муносиб жазо тайинлаш ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш фақат суд томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, жиноят содир этган ҳар бир шахс ўзининг айблилик масаласини қўриб чиқиш учун адолатли суд мухокамаси ҳуқуқига эга, яъни ҳалқаро ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамлаб қўйилган ва давлатлар томонидан тан олинган ҳалқаро стандартларда белгиланган қоидалардан кам бўлмаган шароитда унинг иши мустақил, холис ва адолатли судда қўриб чиқилиши лозим. Худди шунингдек, жиноят натижасида жабр қўрган ёки заар қўрган шахслар (жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва бошқалар) ҳам ўзининг қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқлари бузилганлиги учун суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи бор.

Суд ҳимояси ҳуқуқи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилишни кафолатлайди. Бу демократик ҳуқуқий давлатда яшаётган ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ва параллел равища ушбу ҳуқуқни таъминлаш демократик ҳуқуқий давлатнинг мажбурияти ҳам демакдир. Суд ҳимояси ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини адолатли суд мухокамаси орқали ҳимоя қилиш усууларидан биридир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига қўра, ҳар ким конституция ёки қонун билан унга берилган асосий ҳуқуқлари бузилган тақдирда ваколатли судлар томонидан самарали ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга (8-модда) ва ҳар бир шахс ўз ҳуқуқларини аниқлаш учун ва мажбуриятлари ва унга қўйилган жиноий айловнинг асослилигини белгилаш тўлиқ тенглик асосида ўз ишини очик ва адолатлиликнинг барча талабларига мувофиқ мустақил ва холис судда кўриб чиқишга ҳақли (10-модда) эканлиги белгилаб қўйилган.

Шунинг билан бирга, “Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси”да ҳам ҳар бир шахс ўзининг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ёки унга қарши жиноий айловлар бўйича низолар келиб чиқсан тақдирда, тегишли қонун нормалари билан ташкил етилган мустақил ва холис суд томонидан оқилона вақт ичидаги адолатли ва очик кўриб чиқиш ҳуқуқига эга (6-модда, 1-банд)лиги мустаҳкамланган.

Юқоридаги нормаларда фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқлари сифатида судларга қўйилган асосий халқаро стандартлар бу мустақил ва холис суд томонидан ишнинг, оқилона муддатларда, адолатли ва очик-ошкора кўриб чиқилиши белгиланган.

Мустақил суд деганда давлатнинг бошқа органларидан алоҳида, уларга иерархик жиҳатдан бўйсунмайдиган, молиявий жиҳатдан мустақил, ишни ўзининг ички ишончи ва фақат қонунга амал қилган ҳолда ҳал этиш ваколати берилган судлар тушунилади.

Холис судлар эса ишни кўришда судланувчи ва жабрланувчи тарафга ҳам бир хил қонун кўзи билан қараган ҳолда уларга суд муҳокамасида бир хил шароит яратиб бериши, фақатгина тортишув принципини ва таъминлаб туриши лозим. Агарда суд ишни кўриш жараёнида судланувчига жабрланувчидан кўра қўпроқ шароит яратса ёки судланувчи томонга ишнинг натижасини ҳал қилса, суднинг холислигига шубҳа пайдо бўлади. Натижада ушбу стандарт бузилган ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқнинг таъминланмаганлиги ҳамdir.

Шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг суд органи орқали таъминлаш усууларидан ташқари, замонавий ҳуқуқий тизимлар ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг бошқа усууларига, масалан, шахс ҳуқуқларини ўзини ўзи ҳимоя қилишга имкон беради¹⁶. Юқоридаги нормада шахснинг ҳуқуқларини ўзини ўзи ҳимоя қилиш мумкинлиги назарда тутилган, фикримизча ҳам фуқаро ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиш учун судга эмас тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат этиши мумкин. Ушбу жараёнда фуқаронинг ҳуқуқлари судгача етиб бормасдан тикланиши мумкин. Бироқ бузилган ҳуқуқ, айнан жиноят натижасида шахснинг ҳуқуқларига путур етса, биз ўйлаймизки, албатта, суд орқали ҳимояланиши лозим бўлади.

Чунки, ҳуқуқий тизимда “ҳар қандай бузилган ҳуқуқ суд томонидан ҳимоя қилиниши керак” тамойилига асосланган ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш институтининг мавжудлигигина бундай ҳуқуқ тизимини чинакам демократик деб тан олишнинг зарурий шартидир.

Бундан ташқари, замонавий ҳуқуқий тизимлар суд ҳокимиятининг мустақиллигини кафолатлаши керак. Ҳуқуқий, ташкилий, сиёсий, мафкуравий характердаги чора-тадбирлар билан таъминланган ушбу мустақиллик бузилган ҳуқуқларни суд томонидан ҳимоя қилишнинг сохта бўлмаган институтининг ажралмас атрибути бўлиб, унда субъектнинг бузилган ҳуқуқлари суд томонидан ҳимоя қилиниши кафолатланади, шу жумладан: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлат томонидан бузилиши ҳолатларига оид қисми ҳам кафолатланади.

Хозирги кунда дунё бўйлаб давлатларнинг миллий жиноят ҳуқуқи ва жиноий процессуал ҳуқуқ тизимларининг кўплаб таснифлари мавжуд. Илмий ишимизда ҳам давлатларнинг тарихий-ҳуқуқий ва маъданий хусусиятларидан келиб чиқиб, таснифланган ҳуқуқий оиласарнинг ривожланган типларини кўриб чиқамиз.

¹⁶ РФ Конституция 14-модда.

Жиноий ҳуқуқий тизимнинг бир нечта ҳуқуқий оилалари ва тегишли "миллий" турлари мавжуд:

1. Романо-герман ҳуқуқий оиласи (континентал тизим) ҳуқуқий нормаларнинг устувор аҳамияти билан тавсифланади,: одатда кодификацияланган қоидаларда мустаҳкамланган бўлади. Бу оиласа континентал Европанинг аксарият мамлакатлари киради: жумладан, Европа, шунингдек, Лотин ва Марказий Америка мамлакатлари, француз тилида сўзлашувчи Африка мамлакатлари, Яқин Шарқ, Индонезия, Туркия ва расмий қонунчилик нуқтаи назаридан - Япония, Сингапур, Таиланд ва бошқа бир қанча Осиё мамлакатлари, жумладан Марказий Осиё давлатлари .

2. Умумий ҳуқуқ оиласи (орол ёки англо-саксон ҳуқуқий тизими) бўйича биринчи ўринда суд қарорлари йифиндисида ифодаланган юридик амалиётни илгари суради – прецедентлар, яъни суд маълум бир масала юзасидан қарор қабул қилишда, худди шу масалада олдинги қабул қилинган суд қарорини инобатга олади. Англо-саксон ҳуқуқий тизимининг типик вакиллари Англия, АҚШ, Британия Миллатлар Ҳамдўстлигининг аксарият мамлакатлари: Австралия, Янги Зеландия ва бошқалар ҳисобланади.

3. Анъанавий (одатий) ҳуқуқ тизимлари, уларнинг асоси ҳуқуқий мафкурага асосланган (ҳуқуқий онг) бўлади. Аввало, бу тизим мусулмон, ҳинд ҳуқуқининг диний-жамоа ҳуқуқий тизимлари, шунингдек, Узоқ Шарқ мамлакатлари (Хитой ва ҳатто, баъзи жиҳатларда Япония, Мўғулистан, Жанубий Корея, Ҳинди-хитой давлатлари) ва Африканинг баъзи мамлакатлари ва Мадагаскарни мисол келтиришимиз мумкин.

Юқоридаги романо-герман ва англо-саксон ҳуқуқ тизимларининг типик вакиллари бўлмиш бир қанча давлатларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир ҳалқаро стандартларни таъминлашга доир фаолиятини ва норматив-ҳуқуқий хужжатларини илмий жиҳатдан таҳлил қиласиз ва миллий қонунчилигимиз билан қиёсий таҳлил қиласиз.

Америка Күшма Штатлари суд-хуқуқи англо-саксон хуқуқ тизимиға мансуб бўлиб, судья жиноят ишини кўриб чиқиш жараёнида ҳдди шу масаладаги олдинги суд ҳукмларини инобатга олиши лозим.

АҚШдаadolatli суд муҳокамасига бўлган хуқуқни таъминлашга оид хуқуқларни судья, ҳакамлар ҳайъати, судья ёрдамчиси, прокурор ва адвокатлар таъминлаб беради. Шунингдек, 2017-йилда қабул қилинган “Жиноят процессиға оид федерал қоидалар”нинг олтинчи бўлими суд муҳокамасига доир бўлиб, унда жиноят ишини тез кўриб чиқиш асослари белгиланган. Айбланувчи ваколатли, холис ва мустақил ҳамда очиқ суд муҳокамаси хуқуқига эга.

Ҳақиқатан ҳам, АҚШ Олий суди судланувчининг очиқ суд муҳокамаси хуқуқидан воз кечиши мумкин эмас, чунки фуқаролар ҳам бу хуқуқга эга; судья ҳам матбуотга жиноят ишларини ёритишни тақиқлай олмайди. Бироқ, бу суд залига камералар киритилмайди.

Ваҳоланки, Калифорния каби баъзи штатлар жиноий суд жараёнларини жонли эфирда кўрсатишга рухсат беради. Чунки, ушбу жараённи қўлловчиларнинг фикрича телекўрсатувлар жамоатчиликка хуқуқий таълим беради, акс ҳолда улар ҳеч қачон жиноий суд жараёнини кўрмайдилар. Бу тартибни ёқламайдиган фуқароларнинг таъкидлашича, суд залидаги камералар адвокатлар, судьялар ва ҳакамлар ҳайъатининг хатти-ҳаракатларини бузади ва суд залидаги муҳитни ўзгартиради. Бироқ Федерал суд залларида камералар йўқ.

Шунингдек, Кўшма Штатларда қонунчиликка киритилган ўзгартишларга кўра, жиноий иш бўйича айбланувчи тезкор суд жараёнига конституциявий хуқуқга эга. Тезкор суд муҳокамаси хуқуқи эмас, балки даъво муддати жиноят содир этиш ва айблов қўйиш ўртасидаги кечикишни тартибга солади. Конституцияда айблов эълон қилиш ва суд муҳокамаси ўртасида ортиқча кечикишлар бўлмаслиги кераклиги белгилаб қўйилган. Бироқ, АҚШ Олий суд ҳеч қачон бу хуқуқнинг бузилиши учун аниқ муддат белгиламаган. Ҳар бир ҳолат алоҳида баҳоланиши керак. Ҳар бир штатда

прокуратура ва судлар айбланувчини судга келтириши керак бўлган муддатларни белгилайдиган тезлаштирилган суд қонуничилиги бор¹⁷.

Шунингдек, судланувчига ҳакамлар ҳайъати томонидан суд муҳокамаси ҳуқуқини кафолатлайди. Бироқ, бошқа ҳуқуқларда бўлгани каби, ҳакамлар ҳайъати томонидан суд муҳокамаси ҳуқуқидан ҳам воз кечиш мумкин.

Айбланувчи битта судья олдида судга боришни танлаши ёки айбини тан олиши мумкин. Одатда, судланувчиларнинг ҳакамлар ҳайъати томонидан оқланиш имконияти кўпроқ бўлади. Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўрилган ишларнинг тўртдан бир қисми оқлов билан якунланади. Лекин баъзи айбланувчилар ҳакамлар ҳайъатидан кўра судьяни афзал қўрадилар: чунки улар судья айблов ишида бўшлиқларни кўриш эҳтимоли кўпроқ деб ўйлаши, судья суддан кейин енгилроқ жазо бериши ёки жиноятнинг табиати ҳакамлар ҳайъатини судланувчига қарши қилиб қўяди деб фикрлашади.

Америка жиноий ишларининг атиги 10 фоизи ёки ундан ками судда ҳал қилинади. Жиноий жараён қарама-қаршилик тизимиға асосланади. Ҳимоячи ўзини айборд деб ҳисоблайдими ёки йўқми, ўз мижозини астойдил ҳимоя қиласи. Прокурор давлат ва ҳалқ манфаатини ифодалайди.

Олий суднинг кўрсатмасига кўра, Конституция судланувчини айборд деб топиш учун, хоҳ ҳакамлар ҳайъати бўладими, хоҳ судья бўладими, фактларни аниқловчи шахс айблов тарафидан жиноятнинг ҳар бир элементини асосли шубҳасиз исботлаганлигини аниқлаши шарт.

Иккала томон ҳам ўз гувоҳларини чақириш ва ихтиёрий равишда келмаган гувоҳларни чақириш ҳуқуқига эга. Адвокатлар ўз гувоҳларини тўғридан-тўғри сўрока, рақибнинг гувоҳларини еса ўзаро сўрока тортадилар. Судья, гувоҳларга савол бериши мумкин, лекин амалда адвокатлар деярли барча саволларни беришади ва судья холис ҳакамлик қиласи.

Гувоҳ, агар у кўрсатув уни айблаши мумкинлигига асосли ишончга эга бўлса, гувоҳлик беришдан бош тортиши мумкин. Чунки айблов гувоҳга

¹⁷ Жиноят поцесси федерал қоидалари. АҚШ. 2017. 6-бўлим.

дахлсизлик бериши билан бирга, кейин гувоҳни ҳар бир саволга жавоб беришга мажбур қилиши мумкин.

Штатларнинг жазо қонунлари сезиларли даражада фарқланади ва баъзида бир штатда турли жиноятлар учун ҳар хил турдаги жазо қонунлари мавжуд. Ҳукм судья томонидан тарафларни тинглашдан сўнг чиқарилади, унда прокурор ва ҳимоячи ўзларининг ҳар бири тегишли деб ҳисоблаган важларини ёқлаб баҳслашадилар.

Ҳимоячи судланувчининг пушаймонлиги, оиласиб аҳволи, яхши томонга ўзгарганлиги ва яшаш жойида амбулатор даволаниш имкониятини (агар керак бўлса) таъкидлайди.

Прокуратура судланувчининг илгари судланганлиги, жабрланувчи ва унинг оиласига етказилган жароҳатлар ва бошқа потенциал жиноятчиларнинг олдини олиш зарурлигини таъкидлайди. Судьяга судланувчининг таржимаи ҳоли, илгари судланганлиги, содир етилган ҳукуқбузарлик ҳолатлари ва бошқа омилларни мустақил равишда текширадиган пробация бўлими маслаҳат беради. Судья расмий фактик ҳулосалар чиқариши шарт эмас ва ҳукмни тушунтирувчи ёки асословчи фикр ёзиши ҳам шарт эмас. Ҳукм қонун доирасида бўлса, у устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Англияда “Жиноят процесси қоидалари тўғрисида” ва “Қироллик судлари тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ суд иш юритуви олиб борилади. Жиноят ишлари бўйича судлар асосан Магистрат судлари ва Қироллик судлари томонидан кўриб чиқилади. Энг муҳими вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳам алоҳида Ёшлар суди (Youth courts) шуғулланади. Қироллик судлари нисбатан оғир жиноятларни кўриб чиқади. Хусусан, зўрлаш, қотиллик, қотиллик, қасдан баданга оғир шикаст етказиш, баҳтсиз транспорт туфайли ўлим, босқинчилик, шунингдек, магистратура судида аниқ бўлган оғирроқ жиноят ишлари ўтказилди. Магистратура судининг ҳукми устидан шикоят қилиш ҳам Қироллик судида кўрилади. Деярли барча жиноят ишлари Магистратура судида бошланади. Магистратлар судида

жиноят иши туман судяси ёки магистрат томонидан кўриб чиқилади. Магистрлар - бу кўнгилли бўлган ва тренингдан ўтадиган оддий одамлар. Ушбу судда иш ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилмайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Қироллик суди фақат энг оғир жиноий ишлар ёки Магистратлар судига қарши шикоятлар билан шугулланади.

Қироллик судида судланувчини жиноятда айблашнинг фақат иккита усули бор. Биринчи навбатда, судья айбига иқорорлигини сўрайди, агарда иқрор бўлмаса, суддан кейин айбдор деб топилди. Агарда жиноят содир этган шахс жиноят содир этганлигини тан олса, у ушбу жиноят учун хукм қилинади. Шунинг учун, суд жараёнини давом эттиришга ҳожат қолмайди

Англияда жиноятчи 18 ёшга тўлмаган бўлса, уни магистрат судига ўхшашиб судларда судловни ўтказади. Уларга нисбатан алоҳида судда алоҳида қонун қоидалар билан суд процесси бўлади. Бундан ташқари, Ёшлар суди жамоатчиликнинг суд залига киришига ва нима ҳақида хабар берилишига чекловлар қўяди.

Бундан ташқари, ёшлар Қироллик (тож) судида ҳакамлар ҳайъати томонидан судга тортилиши мумкин бўлган экстремал вазиятлардан ташқари, вояга етмаганлар ҳакамлар ҳайъати томонидан судга тортилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Агарда вояга етмаганлар томонидан қотиллик ёки одам ўлдириш каби жиддийроқ жиноий жавобгарликка тортилганда ёки вояга этган шахслар билан биргаликда жавобгарликка тортилганда Қироллик судида ҳакамлар ҳайъати иштирокида суд иши юритилиши мумкин.

Қироллик суди жиноятнинг оғирлигига қараб жиноятларни уч тоифага ажратади. Бу синфлар:

1. Бу синф давлатга хиёнат ва қотиллик каби энг оғир жиноятларни қамраб олади.
2. Бу синфга зўрлаш каби жиноятлар киради.

3. Бу синф Қироллик суд ишларнинг энг кам жиддий ўз ичига олади, шу жумладан, одам ўғирлаш, талончилик, ўғирлик, ва ҳоказо¹⁸.

Магистратура суди унча оғир бўлмаган жиноятларни кўриб чиқади, масалан: кичик жиноий зарар, кўпгина автомашиналар билан боғлиқ хукуқбузарликлар, масалан, тезликни ошириш, маст ва тартибсиз хатти-ҳаракатлар, кўпинча гиёхванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар.

Францияда жиноят-процессуал хукуқининг асосий манбанини рим хукуқининг сезиларли таъсири билан изоҳлаш мумкин. Романо-герман хукуқий оиласининг типик вакили ҳисобланади. Энг муҳим тартибга солувчи ҳужжатлар орасида манбалар сифатида 1958 йилги Конституцияни, 1958 йилги кўплаб ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган Жиноят-процессуал кодексини, шунингдек, халқаро хукуқни таъкидлаш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, англо-саксон хукуқи тизимида адолатли суд муҳокамасига бўлган хукуқнинг таъминланиши романо-герман хукуқ оиласидан бирмунча фарқ қиласди. Хусусан, халқаро хукуқда суд ишларининг очиқ ва ошкора кўриб чиқилишига оид халқаро стандарт бор. Ушбу стандарт АҚШ ва Англияда ҳакамлар ҳайъати ва бошқа суд иштирокчилари билан амалга оширилади. Чунки ҳакамлар ҳайъати халқ вакилларидан ташкил топган бўлиб, ўртacha ўн олти ва йигирма учтагача фуқаролардан иборат.

Бироқ судга камера ёки бошқа алоқа воситаларини олиб кирилишга рухсат берилмайди. Эътиборлиси шуки, АҚШнинг Калифорния штатида суд жараёнини тўғридан тўғри телевиденияга узатилиш амалёти бор. Ундан кўзланган асосий мақсад аҳолини суд процесси билан яқиндан таништириш. Йўқса аҳоли суд жараёнини умуман кўрмаслиги мумкин. Лекин, иккинчи томондан олиб қараганда суд жараёнининг телевиденияга узатилиши суд жараёнидаги муҳитни бутқул ўзгартириб юбориши мумкин.

Шунингдек, Англияда вояга етмаганларга оид жиноят ишлари алоҳида “Ёшлар суди”да кўриб чиқилади. Уларга нисбатан сўроқ қилиш шартлари, суд процесси иштирокчилари таркиби, ҳаттоки, суд залининг кўриниши ҳам

¹⁸ www.gov.uk/2345

ўзига хос шаклда амалга оширилади. Албатта истиснолар бор, яъни ёшлар қачонки вояга этган шахслар билан бирга ёки оғирроқ жиноят содир қилгандა Қироллик судида ҳакамлар ҳайъати томонидан суд иши юритилиши мумкин. Бошқа жиноятлар юзасидан одатдагидек, “Ёшлар суди”да ҳакамлар ҳайъатисиз иш кўриб чиқилади.

Миллий қонунчилигимизга суд ишининг ҳакамлар ҳайъати иштирокида ўтказилиши ёки якка судья иштирокида ўтказилиши тартибини судланувчининг танловига бериш тавсия этилади. Бу ҳам айнан демократик хуқуқий давлатларда амалда бўлган инсон хуқуқ ва эркинликлари, айбсизлик призумпцияси каби асосий хукуқларнинг устунлигини таъминлашнинг бир кўриниши сифатида айтиш мумкин. Суд иши ҳакамлар ҳайъати томонидан оли борилганда адолатли суд муҳокамасига бўлган хуқуқ тўлиқроқ таъминланиши мумкин. Шунга қарамай, баъзи судланувчилар ишнинг фақат судья томонидан ўтказилишини сўраб ҳам мурожаат қилиш ҳолатлари ҳам учраб туриши мумкин. Чунки унинг иши агарда ҳакамлар ҳайати томонидан кўриб чиқилса, ҳакамлар ҳайъатининг салбий фикри шаклланиши ва судьянинг жазо тайинлашига таъсир қилишидан хавотирда бўлишади.

Агарда судланувчига фақат судья ёки ҳакамлар ҳайъати томонидан суд иши юритилишини танлаш имконияти берилса, юртимизда яратилаётган инсон хуқуқ ва эркинликларининг устунлигини таъминлаш ва “Инсон қадри учун тамойилига тўлиқ мос келади. Чунки айбланувчи, судланувчи ҳам айби тўлиқ исботланмагунча айбдор эмас, шунинг учун ҳам унинг хошиш-истаклари инобатга олиниши лозим. Энг муҳими, ваколатли, мустақил ва холис судга бўлган хуқуқи янада кўпроқ таъминланиши лозим.

II БОБ. АДОЛАТЛИ СУД МУХОКАМАСИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚГА ДОИР ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИНГ ТАВСИФИ.

2.1. Жиноят ишларининг ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан оқилона муддатларда адолатли, ошкора кўрилишига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик нормалари.

Аввало, жиноят ишларининг ваколатли суд томонидан кўрилиши деганда, ҳар бир давлатнинг миллий қонунчилиги томонидан жиноят ишларини ўз иш юритувига олиш, судда кўриш, муҳокама қилиш ва иш натижаси юзасидан тегишли суд қарорини қабул қилиш ваколати берилган судлар тушунилади. Айбланувчи жиноят процессида қонун олдида тенглиқ ҳуқуқига ва бирон-бир камситишсиз ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Халқаро ҳуқуқда барча шахслар суд олдида тенглиги халқаро стандарт сифатида белгиланган. Унга кўра, миллий қонунчилик барча турдаги камситишдан: ирқи, жинси, ранги, этник келиб чиқиши, тили, диний эътиқоди, имконияти чекланганлиги мавжудлиги, ижтимоий мавқейидан қатъий назар teng ва амалий ҳимояланишини кафолатлаши керак. Хусусан, миллий ҳуқуқий меъёрлар жинсига кўра камситишни тақиқлаши ва “хотин-қизлар ҳуқуқларини эркаклар билан тенглик асосида юридик ҳимояланишини белгилаши ва ваколатли миллий судлар ва бошқа давлат муассасалари ёрдамида хотин-қизларнинг ҳар қандай камситиш ҳаракатига қарши ҳимояланишини таъминлаши керак”¹⁹.

Бу қуйидагиларни англатади:

1. Қонунга риоя қилиш ва уни кўллашда ва одил судловни таъминлашда судьялар ва суд ходимлари юқорида санаб ўтилган белгиларга кўра камситишга йўл қўймасликлари керак;
2. Ҳар ким юқорида санаб ўтилган белгиларга кўра камситишсиз судга мурожаат этиши мумкин;
3. Ҳар ким юқорида санаб ўтилган белгиларга кўра камситишсиз суд томонидан teng муносабатда бўлиш ҳуқуқига эга.

¹⁹ Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича конвенция, 2-модда.

Аммо қонун ва суд олдида тенглик тамойилига қарамай, оқилона ва объектив мезонлар асосида ишларни кўриб чиқишида айрим тафовутларга йўл қўйиш мумкин²⁰. Истисно тариқасида ва қатъий белгиланган ҳолларда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ жиноий ҳуқуқда айрим шахслар гурухлари учун маҳсус процессуал меъёрлар ва алоҳида юрисдикция ёки трибуналлар бўлишига йўл қўяди. Масалан, маҳаллий аҳоли ёки ўсмирларга нисбатан йўл қўйиладиган юрисдикция қонун ва суд олдида тенглик тамойилини бузмайди. Алоҳида суд жараёнлари ҳуқуқий ҳимояга муҳтож аҳволда қолганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга ва уларни ҳимоялашга ёрдам беради. Маҳсус юрисдикцияли бу турдаги суд процессларини ўтказишида судлар қонунга мувофиқ тузилган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур ишниadolatli кўриб чиқилиши тўғрисидаги халқаро стандартлар талабаларига сўзсиз риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига мос бўлиши шарт.

Тенглик тамойили бошқа қонунчилик хужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни билан кафолатланади. Унда, хусусан, шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун ва суд олдида тенгдир. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам қонун ва суд олдида тенгдир”²¹.

²⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита: 14-модда: Қонун ва суд олдида тенглик ҳамда адолатли суд томонидан кўриб чиқиш ҳуқуки.

²¹ Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуни, янги таҳрири ЎзРнинг 2000 йил 14 декабрдаги № 162-II қонуни билан тасдиқланган, Қонун ва суд олдида тенглик, 6-модда.

Шунингдек, Жиноят кодексида кўзда тутилишича, “Жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар”²². ЖПКда ушбу тамойил қўйидагича ифодаланган: “Жиноят ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади”. Бунда айрим ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахслар тоифалари, жумладан, вояга етмаганлар, хотин-қизлар, ногиронлар ва кекса ёшдаги одамлар алоҳида ҳимояга эга.

Инсон ҳукуқлари бўйича халқаро ҳукуқда, суддан бошқа бирон орган жиноий ҳукм чиқара олмайди. Суд ва ижро ҳокимияти вазифалари ва ваколатлари аниқ чэгараланмаган ёки ижроия ҳокимияти суд органларини назорат қиласиган ёки йўриқнома берадиган ҳолатлар мавжудлиги мустақил ва холис суд тамойилига зиддир²³.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ЖПКга мувофиқ, жиноий ишлар бўйича одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистонда суд тизими конституциявий юрисдикция (Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди), умумий юрисдикция (Ўзб Республика Олий суди ва унга бўйсинувчи судлар). Олий суд судьяси Судьялар олий кенгашининг тавсияси асосида Президент тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси судининг судьяси Судьялар олий кенгашининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимига тайинланади.

Вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ҳарбий суд, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди, туманлараро, туман, шаҳар суди, ҳудудий ҳарбий суд судьяси Судьялар олий кенгashi томонидан лавозимига тайинланади.

²² ЎзР ЖКК, Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойили, 5-модда

²³ 39 Инсон ҳукуқлари бўйича қўмита, 1993 йил 20 октябр. № 468/1991 хабар, 9.4 банд.

ЎзР Конституциясида “одил судловга бўлган ҳуқук” деб аталувчи ҳуқук кўзда тутилмаган, аммо, қонунга кўра, адолатли бўлиш судьянинг “мажбурияти” ҳисобланади. Хусусан, президентимиз таъкидлаганлариdek, *судларнинг асосий вазифаси адолатни қарор топтириши*дан иборат. Бунинг учун суд ҳар бир иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли чиқариши лозим²⁴. Юқоридаги талаблар доирасида жиноят судларида суд мухокамасининг адолатли бўлишини таъминлаш масаласи долзарб бўлиб турибди.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасида кўзда тутилишича, Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро хужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилинади. Қонуннинг ушбу моддасига кўра “Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир”. Конституция ҳар бир шахсга ўз ҳуқук ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлади. Ушбу ҳуқук Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунида ҳам ўхшаш тарзда баён қилинган: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан (қарорларидан), шунингдек ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа ҳуқук ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга.

²⁴ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энголий баҳодир. Т.2. Т.. Ўзбекистон, 2018.110 б.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари” ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги қонунида кўзда тутилишича, судлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки эркинликларини бузадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан берилган шикоятларни кўриб чиқадилар, аммо:

• текширилиши қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мутлақ ваколатлари доирасига киритилган хатти-ҳаракатлар (қарорлар);

• қонун ҳужжатларида устидан судга шикоят қилишнинг ўзгача тартиби белгиланган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) бундан мустаснодир». Масалан, ЎзР ЖПК ва «Судлар тўғрисида»ги қонунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, прокуратура ва судлар хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилишнинг ўзгача тартиби²⁵ кўзда тутилган.

Шунингдек, **Х.М.Исаков, И.Никоновларнинг** фикрига кўра, давлат органларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят беришнинг ушбу тартиби унинг фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни давлат органларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоялаш нуқтаи назаридан мос савол уйғотади. Хусусан, шундай фикр мавжудки, “суд назорати соҳасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг жиноий ишларни кўриб чиқишида сўнгги чора сифатида қўлланиладиган мажбурлаш чораларидек фаолият соҳаси эътибордан четда қолган. Бундай чораларнинг қўлланилиши оқибатида фуқароларнинг шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияда кафолатланган қатор ҳуқуқ ва эркинликлари чекланишига қарамай, ЖПКда бундай чоралар устидан шикоят қилиш имконияти кўзда тутилмаган. Мажбурлаш чоралари устидан шикоят сонларининг кўпайишини ҳисобга олиб, жиноий ишни кўриш жараёнида мажбурлаш чораларини қўллаш ва улар устидан шикоят қилишида

²⁵ (Х. М. Исаков, И. Никонов «О правовых основах мер принуждения в уголовном процессе и производстве по делам об административном правонарушении», Ташкент, 2010, 15-бет)

қонунийликни таъминлаш бўйича самарали хуқуқий механизмни яратиш керак. Шу муносабат билан шундай тартиб ўрнатиш керакки, фуқаролар уларга нисбатан қўлланиладиган процессуал мажбурлаш чоралари устидан нафақат прокурорга, балки судга ҳам мурожаат қилиш имкониятига эга бўлсин.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва прокуратура ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят юқори турувчи органга берилади, судьяларнинг хатти-ҳаракатлари устидан — судьяларнинг малакавий коллегиясига шикоят берилади²⁶. Ушбу кенгайтирилган шарҳ хусусий шахслар томонидан содир қилинадиган хаттиҳаракатлар устидан арз қилиш хуқуқини қамраб олади. Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, Инсон хуқуқлари бўйича Европа судининг фикрига кўра, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят бериш хуқуқи одил судлов соҳасида кафолатларни таъминлашнинг узвий элементи ҳисобланади. Ушбу хуқуқни шарҳлар экан, Суд шундай хулосага келадики, одил судлов хуқуқи барчага судга ўзининг фуқаролик хуқуқлари ва мажбуриятларига оид шикоят билан мурожаат этиш хуқуқини кафолатлайди.

Химоячилар судьялар ўз сўзлари ва хатти-ҳаракатлари билан айбланувчига олдинган нохолис муносабатда бўлишини намойиш этса, ёки маслаҳат хонасига кэтишдан аввал ишнинг натижаси бўйича ўз фикрини билдирса, суднинг иш якунидан манфаатдорлигига эътибор қаратишлари керак. Судьянинг холислигига шубҳа уйғотувчи ёки унинг ишнинг натижасидан манфаатдорлигини кўрсатувчи хатти-ҳаракатлар бўйича суд мажлиси баённомасига изоҳлар киритиш, ўз вақтида ана шу асослар бўйича судга раддия эълон қилиш, шунингдек, химоянинг фикрича, холис ва бетараф бўлмаган суд томонидан чиқарилган хукм устидан шикоят қилиш, бунда одил судловга бўлган хуқуқнинг бузилишини кўрсатган ҳолда, фикрини аниқ

²⁶ Судьяларнинг малакавий коллегиялари тўғрисидаги низом, ЎзР ОМнинг 2001 йил 7 декабрдаги № 323 қарори билан тасдиқланган, 11-, 12-бандлар.

далиллар билан исботлаш лозим. Одил судлов суднинг бетарафлиги ва холислигини англатади, демак, суд ишни кўриб чиқишида айлов ва ҳимоя вазифаларини бажармаслиги керак. Судъялар жиноий ишни кўриб чиқишида, суд мажлисини прокурор иштирокисиз ўтказиши ҳолатларига эътибор қаратиш зарур, ва унинг судга келишини талаб қилиш керак. Акс ҳолда бетарафлик ва холислик йўқлиги масаласини кўтариш мумкин, чунки, бундай ҳолатда айловни қўллаб-қувватлаш, иш юзасидан жабрланувчиларнинг манфаатларини ҳимоялаш бўйича прокурор вазифаси айлов хulosани ўқиб эшиттирган, судланувчи, гувоҳлар, жабрланувчилар ва бошқа иштирокчиларига саволлар берган суд зиммасига тушади. Миллий қонунчиликдан ташқари, суд мустақиллигини баҳолашда ФСҲҲПнинг 14-моддасига белгилаб қўйилган кафолатларга амал қилиш. керак. Айни пайтда, шуни ёдда тутиш зарурки, ушбу моддада белгиланган барча ҳуқуқларга риоя қилиш ҳам, автоматик тарзда суднинг холислиги тўғрисида хulosса чиқариш имконини бермайди ва ҳар бир ишни фактлар йиғиндисидан келиб чиқиб, мустақил равишда баҳолаш керак. Ушбу ҳолатда ва қолган барча ҳолатларда ҳимоячи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ходимлари томонидан қандай ҳуқуқ ва қай тарзда бузилаётганини аниқ ифодалashi керак, бу орқали ички ҳимоя воситалари имкониятидан тўлиқ фойдаланилади.

Судларнинг мустақиллиги тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ нормаларида, айбланувчи ўз ишининг мустақил суд томонидан кўриб чиқилишига ҳақлилиги принципи мавжуд. Барча судлар ижроия ва қонунчилик ҳокимиятидан, ёки суд жараёни томонларидан мустақил бўлиши керак. Бу шуни англатадики, суд ҳокимияти ҳам, уни ташкил этувчи судъялар ҳам давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларига ёки суд процессининг томонларига қарам бўла олмайди. Судлар ҳақиқатдан ҳам мустақил, шунингдек давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари ёки бошқа шахсларнинг таъсири ёки тазиқидан холи бўлиши керак. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги мамлакат Конституцияси, қонунлари ва сиёсати томонидан кафолатланиши керак ва амалда ижроия ҳокимияти, унинг идоралари ва

вакиллари томонидан, шунингдек ҳокимиятнинг қонунчилик тармоғи томонидан бажарилиши зарур. Суд ҳокимияти суд характерига оид барча масалалар бўйича юрисдикцияга ҳамда у томонидан кўриб чиқиш учун тақдим қилинган масала унинг қонун томонидан белгиланган ваколатлари доирасига киришини ҳал этиш бўйича фавқулодда ҳукуқга эга бўлиши керак. Суд жараёнига ҳеч қандай ўринсиз ва асос сиз аралашувга йўл қўйилмайди. Судларнинг қарорлари, қонунга мос равишда ваколатли ҳокимият томонидан амалга ошириладиган ҳолатлардан ташқари, қайта кўриб чиқилиши, ҳукмнинг енгиллаштирилиши ёки авф этилиш мумкин эмас. Суд ҳокимияти суд маъмуриятининг ички тузилиши нуқтаи назаридан мустақил бўлиши керак, жумладан, тегишли бўлган суд доирасида ишларнинг судьялар орасида тақсимланиши лозим. “Судларнинг мустақиллиги” атамаси икки ўлчамга эга: **институционал мустақиллик** ва **шахсий мустақиллик**. Уларнинг ҳар иккиси шуни тақозо этадики, суд ҳокимияти, судьялар, уларнинг таркибий қисмлари бошқа бирон қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятга бўйсунмаслиги керак: институционал мустақиллик шуни англатадики, судьялар, судлар ва трибуналлар ҳокимиятнинг ҳар қандай бошқа тармоғидан мустақил, *inter alia*, яъни улар ҳеч қандай бошқа давлат органларига, жумладан, ижроия ҳокимиятига бўйсунмайди ва улар олдида жавоб бермайди. Бу эса шуни англатадики, барча бошқа давлат муассасалари суд ҳокимияти қарорларини ҳурмат қилиши ва уларга риоя қилиши керак; шахсий мустақиллик шуни англатадики, судьялар суд ҳокимиятининг бошқа аъзоларидан мустақилдир. Шахсни судья лавозимига тайинлаш жараёни ошкора бўлиши ва судьяларни танлаш бўйича қатъий талабларга бўйсуниши керак. Умуман, тайинлаш судьялар ёки ижроия ёки қонунчилик органларидан мустақил бўлган идора томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Судьяларни тайинлашнинг ҳар қандай усули суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва холислигини таъминлаши керак.

Ҳокимиятнинг ижроия тармоғи томонидан амалга оширилган тайинлаш, ёки судларнинг ҳалқ овоз бериши орқали сайланиши суд ҳокимияти

мустақиллигига путур етказади. Шахсларни суд лавозимлариға тайинлаш мезонлариға уларнинг касбий лаёқати, қобилиятлари, ҳукуқий билимлари ва ҳукуқ соҳасидаги тегишли тайёргарлигидан келиб чиқувчи ана шу лавозимни эгаллашга муносиблиги билан белгиланади. Мазкур мезонларга жавоб берувчи ҳар қандай шахс ирқи, танасининг ранги, этник келиб чиқиши, тили, жинси, жинсий мойиллиги, гендер ўхшашлиги, сиёсий қарашлари ёки бошқа қарашлари, эътиқоди, имконияти чекланганлиги эҳтимоли, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, туғилиши, мулкий мақоми ёки бошқа мақомидан қатъий назар судья лавозимиға номзод бўлиш ҳукуқига эга бўлиши лозим.

Давлат томонидан қўйидагиларнинг белгиланиши камситиш ҳисобланмайди: судьялик лавозимларини эгаллаш учун энг кам ёшни ёки номзоднинг тажриба даражасини белгилаш; суд амалдорларининг мансабни эгаллаш муддатини ва уларнинг пенсия ёшини белгилаш; судьялар, магистрлар ёки суднинг бошқа ходимлари лавозими ва даражасидан келиб чиқиб, мансабни эгаллашнинг турлича муддатларини, нафақага чиқиш ёшини чэгараларини белгилаш; судьяликка номзод ушбу мамлакатнинг фуқароси бўлишини талаб қилиш. Тегишли юридик маълумот ва суд тизимида тегишли вазифаларни бажариш малакасига эга бўлмаган киши судьялик лавозимиға тайинланиши мумкин эмас.

Судьяларга лавозимни эгаллашнинг улар мажбурий равиша нафақага чиқадиган ёшгача ёки ваколатларининг муддати тугагунча кафолатланган муддати берилиши керак. Судьяларнинг ваколати муддати, муносиб рағбатлантирилиши, пенсия таъминоти, ижтимоий ва жисмоний суғурталаш шартлари, пенсия ёши, интизомий ёки ҳимоялаш механизmlари ва ишнинг бошқа шартлари қонунда белгиланган ва кафолатланган бўлиши керак. Хизмат поғонасида ўсиш ва судьяларнинг рағбатлантирилиши холис мезонларга, биринчи навбатда, малака, касбий маҳорат ва тажриба каби мезонларга асосланиши керак. Судьялар судьялик унвонига номуносиб хатти-ҳаракатлар, жиноят содир қилганлиги учун ёки ишга яроқли бўлмай қолгани туфайли эгаллаб турган лавозимидан озод қилинади. Айни пайтда

судьялар ўзи чиқарган суд ҳукми оқибатида юзага келган моддий зарарни қоплаш бўйича фуқаролик даъволаридан шахсий иммунитет билан ҳимояланган²⁷.

Холислик тамойили ўз хизмат вазифаларини бажариш пайтида судья одил судловни амалга оширишга имкон бермайдиган ёки ўзининг холислигини обрўсизлантирувчи ҳолатлар аниқлаган тақдирда ўз номзодига эътиroz билдириш бўйича тегишли мажбуриятни юзага келтиради. Бундай ҳолларда судья ўз номзодига эътиroz билдириш ва судда иштирок этишдан воз кечиш керак. Агарда қонунда судьяни дисквалификация қилиш ёки судни ўтказиш бўйича судья ҳуқуқига эътиroz билдириш қонунда кўзда тутилган бўлса, судьянинг мажбурияти ушбу асосларни қўриб чиқиш ва уни қўллаш мумкин бўлган суднинг ҳар қандай аъзосини алмаштиришдан ташкил топади. Судлар ва судьяларнинг холислигини ҳам субъектив, ҳам объектив нуқтаи назардан қўриб чиқиш керак. Судьялар нафақат бетараф бўлиши, балки шундай таассурот уйғотиши ҳам керак. Улар фақат холисликнинг ҳам субъектив, ҳам объектив мезонларига жавоб берган тақдирда холис деб ҳисобланиши мумкин: судьяларнинг субъектив холислиги уларнинг қўриб чиқилаётган ишга нисбатан шахсий қарашлари ва эътиқодлари билан белгиланади. Субъектив холислик алоҳида судьянинг муайян вазиятдаги шахсий қарашларини аниқлаш ёрдамида исботланиши мумкин. Бу шуни англатадики, одил судловни амалга ошираётган судья шах сий ақидаларга ёки бир томонга оғиш хусусиятига эга эмас. Субъектив холислик бунинг акси исботланмаган ҳоллардагина кўзда тутилади; судьяларнинг объектив холислиги ушбу масала бўйича ҳар қандай шубҳаларга ўрин қолдирмайдиган судьялар корпусининг холислигига доир етарли кафолатлар мавжудлигини англатади. Объектив холисликнинг исботи судья томонидан ўзининг холислиги бўйича ҳар қандай гумонга ўрин қолдирмайдиган тарзда етарли кафолатлар тақдим қилинишидан ташкил топади. Судьянинг хатти-харакатларига тааллуқли бўлмаган объектив баҳо суд ёки судьянинг

²⁷ Суд органлари мустақиллигига доир асосий БМТ тамойиллари, 16-тамойил.

холислига шубҳа уйғотувчи сабаблар мавжудлигидан далолат берса, объектив холислик шубҳа уйғотиши мумкин.

Суд ёки судьянинг холислигига учта муҳим кўрсаткич бўйича баҳо берилади:

1. суд процессининг бошқа босқичларида судьянинг роли;
2. судья томонидан қўриб чиқилаётган иш юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари;
3. ишни олиб бораётган судья аввал ҳам ушбу ишда бошқа вазифада суд ва судьянинг холислиги қўйидаги сабабларга кўра шубҳа уйғотиши мумкин:
 - а) битта шахс бир пайтнинг ўзида қўриб чиқилаётган ишда ҳам терговчи, ҳам судья вазифаларини бажараётган бўлса;
 - б) агарда суд мажлисини ўтказиш учун айбланувчи айбини исботловчи етарли далиллар мавжуд, деб қарор чиқарган судья ушбу ишни мазмунан қўриб чиқилаётган суд мажлисда иштирок этишни давом эттирса;
 - в) ўзи судга берган иш бўйича ёки унда аризачи бўлган шахс судья сифатида қатнашаётган бўлса, чунки ҳеч ким битта иш бўйича ҳам судья, ҳам тараф бўла олмайди;
 - г) ушбу иш аввал ҳам кўрилганда судья тарафлардан бирининг вакили томонидан тайинланган бўлса ёки ишда айбловчи сифатида қатнашган бўлса;
 - д) судья яширин тарзда терговда иштирок этган бўлса;
 - е) судья ишга алоқадор бўлса, ёки суд процессидаги тарафлардан бири билан қариндошлиқ алоқаси мавжуд бўлган ҳолларда;
 - ж) айнан бир шахс иш мазмунан қўриб чиқилаётганда ва ушбу иш юзасидан апелляция инстанциясида судья бўлса.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги Конституция ва “Судлар тўғрисида”ги қонунида суднинг холислиги ва бетарафлиги тамойилларини мустаҳкамловчи меъёрлар мавжуд эмас. Айни пайтда уларда кўзда тутилган меъёрлар моҳиятига мувофиқ, судьялардан бетараф ва холис бўлишлари, Конституция ва қонунларга, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг

халқаро шартномалари талабларига риоя қилишлари талаб қилинади. Юқорида таъкидланганидек, ишда судья ва процесснинг бошқа иштирокчиларининг иштирок этишига монелик қилувчи бошқа сабаблар қаторида ЖПК “унинг холислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар”ни ҳам кўзда тутади. ЖПК, 25-моддада судда ишларни юритишдаги тортишув тамойилини мустаҳкамлаб, шунингдек, суддан холислик ва беғаразликни талаб этади: “Суд айлов ёки ҳимоя тарафида турмайди ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламайди. Суд холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда тарафлар процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва берилган хуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб беради”. Ушбу кафолат Олий суд Пленуми қарорида янада кенгрок очиб берилган:

Судлар Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддаси талабларига, яъни ишлар суд мажлисида тарафларнинг ўзаро тортишуви тамойили асосида кўрилиши шартлиги ҳақидаги қоидага сўзсиз амал қилинишини таъминлашлари керак. Тортишув принципи айлов ва ҳимоя функциялари бир-биридан ажратилган ҳолда амалга оширилишини тақозо этади. Бунда суд айлов ёки ҳимоя тарафида турмаслиги ҳамда уларнинг бирон бир манфаатларини ифода этмаслиги лозим. Суд холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда фақат ишни ҳал этиш функциясини амалга ошириши, яъни тарафларга процессуал хуқуқларини амалга ошириш йўли билан ўз нуқтаиназарларини ҳимоя қилишлари учун teng имконият яратиб бериши керак.

Қонунга биноан, суд процессида тарафлар далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши, қонуний ва асослантирилган қарор чиқарилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда teng хуқуқлардан фойдаланадилар. Судлар шуни эътиборга олишлари керакки, судда ишларни юритишда тортишув суд мажлисида прокурор ва ҳимоячининг узлуксиз иштироки таъминланган ҳолдагина рўёбга чиқади. ЎзР қонунига мувофиқ, судья ўзи аввал ушбу ишда процессуал тарзда ёки

бошқа инстанция судьяси сифатида иштирок этган бўлса, ишни қўриб чиқишида қатнаша олмайди.

Ҳимоячилар бетарафликни баҳолашга нихоятда эътиборли бўлишлари керак, бунда, аризачининг фикрича, шундай ҳолат қузатилаётган бўлса, судьянинг нохолислиги тўғрисидаги баёнотини аниқ ва етарли даражада асосланган ҳолда тақдим қилишлари керак. Бир қарашда аҳамиятли бўлиб туюлмайдиган деталлар, шунга қарамай, уларни бирга ёки алоҳида олганда судьянинг нохолислигидан гувоҳлик бериши мумкин. Бунга, хусусан, қуидагилар кириши мумкин: айбланувчи ёки ҳимоя гувоҳлари томонидан кўрсатма берилаётганда судьянинг процесс иштирокчиларидан бири билан ёки телефон орқали сухбатлашиши, суд томонидан гувоҳларни чақириш ва уларни сўроқ қилиш чоралари кўрилмагани, ҳимоянинг жўнаб кётиши зарур бўлган туфайли бу ерда узоқ қола олмайдиган ҳимоя гувоҳлари судга келганда ҳар гал суд мажлисининг қолдирилиши, яъни ҳимоя амалга оширилишига тўсқинлик қилиш ёки ҳимоя далилларидан кўз юмиш. Ҳар бир алоҳида ҳолатда ҳимоячи ЖПКда белгиланган тартибда суднинг бу каби хатти-ҳаракатларига муносабат билдириши ва суд ҳукми устидан арз қилишда ҳукм бекор қилинишининг асосларидан бири сифатида суднинг нохолислиги ва адолатсизлигини кўрсатиш керак. Судьянинг хатти-ҳаракатлари устидан шунингдек судьяларнинг малака комиссиясига шикоят қилиш ва бунда судьяни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўйиш мумкин.

Халқаро ҳукуқ нормаларига кўра, айбланувчи қонун асосида ташкил қилинган ваколатли суд томонидан судланишга ҳақли. Халқаро стандартлар Судлар ва судьялар, шу жумладан суд терговчилари, қонунга мувофиқ, ваколатли бўлиши керак. Суд терговчилари кўплаб ривожланган давлатларда хусусан Франция, Германия ва бошқа кўплаб давлатларда учрайди. Чунки уларда жиноят ишлари бўйича тергов фаолияти билан суд терговчилари шуғулланади. Прокурор суд жараёнида айловни қўллаб-қувватлайди. Шунингдек қўплаб давлатларда, жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам

дастлабки терговни Ички ишлар органлари, Прокуратура ва ДХХ терговчилари юритади. Прокуратура органлари эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЖПК, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига кўра дастлабки тергов фаолияти устидан назоратни амалга оширилади.

Адолатли суд муҳокамасига бўлган хуқуқга доир халқаро стандартлрадан яна бири шахснинг ваколатли суд томонидан судланиши ҳуқуқи бўлиб унга кўра, ҳар ким қонунда белгиланган процессуал нормалар асосида тузилган умумий юрисдикция суди ва судьялари томонидан судланишга ҳақли. Керакли тарзда белгиланган процессуал нормаларни кўлламайдиган трибуналлар умумий юрисдикция судларининг ўрнини босиш учун тузилмаслиги керак²⁸.

Судлар ва уларнинг юрисдикцияси, мажбуриятлари ва вазифалари олдиндан миллий қонунчилик томонидан белгиланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра эса Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича одил судловни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар амалга оширади.

ЖПКнинг 389-моддасида жиноят ишларининг судловга тегишлилиги белгилаб қўйилган. Унга кўра, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судловига юқори судларнинг ва ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлган ишлардан ташқари ҳамма жиноят ишлари тегишли.

Агар бир судда кўриб чиқилаётган жиноят иши бўйича суд муҳокамаси пайтида судланувчи томонидан бошқа суд судловига тегишли жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ишни кўриб чиқиш суд муҳокамасини бошлаган суд томонидан давом эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси судининг раиси, вилоят, Тошкент шаҳар судининг раислари,

²⁸ Суд органлари мустақиллигига доир асосий тамойиллар, 5-тамойил.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят тўғрисидаги ишни, агар у мазмунан мураккаб бўлмаса, жиноят ишлари бўйича тегишли туман (шаҳар) судига, шунингдек ҳудудий ҳарбий судга кўриш учун топширишга ҳақли.

Юқоридаги модданинг учинчи қисмiga кўра, агар бир судда кўриб чиқилаётган жиноят иши бўйича суд муҳокамаси пайтида судланувчи томонидан бошқа суд судловига тегишли жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ишни кўриб чиқиш суд муҳокамасини бошлаган суд томонидан давом эттирилади. Лекин халқаро хуқуқ нормаларида хусусан, 1985 йилда БМТ томонидан қабул қилинган “Суд органлари мустақиллигига доир асосий тамойиллар”нинг 5-тамойилида жиноят содир этишда айбланаётган ёки судланаётган шахснинг ваколатли суд томонидан судланиши хуқуки белгилаб қўйилган. Шунингдек, миллий қонунчилигимизда ҳам туман (шаҳар) судининг ва юқори судларнинг ваколатига тегишли ишлар белгилаб қўйилган. Лекин суд муҳокамаси бошлангандан кейин ишнинг бошқа судга тегишлилиги аниқланса, судга тегишлилик қоидаси бўйича бошқа судга юборилмасдан балки суд муҳокамаси бошланган судда кўриб чиқилади. Шунингдек, ЖПКнинг 393-моддаси бешинчи қисмида Иш шу даражадаги бошқа суднинг судловига тегишли экани суд мажлисида маълум бўлиб қолса, ишнинг ҳолатларини тўла текширишга зарар етказмайдиган бўлса, суд ишни кўришни давом эттираверади, акс ҳолда суд ишни судловга тегишлилигига кўра бошқа судга юбориб, бу ҳақда ажрим чиқариши назарда тутилган. Бироқ, ушбу ҳолатда эътиборга олиниши керак бўлган ҳолат шундан иборатки, судланувчининг ваколатли суд томонидан судланиш хуқуқининг бузилмаслиги ёки жабрланувчининг ваколатли судда ишнинг кўриб чиқилиши хуқуки каби халқаро стандартлар инобатга олиниши керак.

Албатта барча судлар адолатли суд муҳокамасининг ўтказилишидан манфаатдор, шунинг учун ҳам юқоридаги модданинг нормаларида суд мажлиси жараёнида ишнинг бошқа судловга тегишлилик масаласи аниқланса

қатиий тартибда юрисдикция масаласи бўйича юбориш лозим. Бунда судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишини ҳам инобатга олиш лозим. Чунки қачонки жиноят иштирокчилари розилигига судловга тегишлилик масаласи ҳал этилса, адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир ҳалқаро стандартлардан бири “ваколатли суд томонидан суд муҳокамасининг ўтказилиши” қоидаси бузилмайди.

Шунинг учун ҳам судланувчи ёки жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини инобатга олган ҳолда юкоридаги модда нормаларининг қанчалик ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига ва миллий қонунчилигимиздаги мавжуд нормаларга мослигини кўриб чиқиш лозим.

МДҲ давлатларида жиноят иши бўйича суд муҳокамаси пайтида судланувчи томонидан бошқа суд судловига тегишли жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ишни кўриб чиқиш бошқа судга ўтказилиши белгиланган. Жумладан, Озарбайжон Республикаси Жиноят процессуал-кодексининг 75-моддасига кўра, жиноят ишини суд муҳокамасига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилишда:

судгача бўлган соддалаштирилган иш юритиш бўйича материаллар, буюртмадаги шикоятлар хусусий айблов, шунингдек, бошқа материаллар мавжудлигини ва юрисдикция масаласини кўриб чиқади. Агарда иш судга топширилганлиги аниқланса жиноят иши ёки бошқа материаллар ушбу суднинг юрисдикциясига кирмаса, суд буни амалга ошириши шарт бўлган судга юборади. Иккинчи қисмда эса **агар суд томонидан кўриб чиқиш жараёнида шуни аниқласа жиноят иши бошқа судда (юрисдикцияси бўйича) кўриб чиқилиши керак**.

Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодексига кўра: судья суд мажлисини тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда келиб тушган жиноят иши ушбу суднинг юрисдикциясига кирмаслигини аниқлаб, ушбу жиноят ишини судловга юбориш тўғрисида қарор чиқаради, ҳамда суд ўзи кўраётган жиноят иши худди шу даражадаги бошқа суднинг юрисдикциясига тегишли эканлигини аниқлаб, лекин у суд мажлисида кўриб чиқишни

бошлаган бўлса, судланувчининг розилиги билан ушбу жиноят ишини ўз иш юритувида қолдиришга ҳақли²⁹.

Латвия Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 15-модасига кўра, ишни судда кўриб чиқиш ҳуқуқи белгиланган унга кўра, ҳар ким ўз иши адолатли, холис ва мустақил равишда судда кўриб чиқилишига ҳақли эканлиги тушунтирилган.

Қозоғистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 316-моддасига, Қозоғистон Республикаси Олий судининг 2017 йил 8 декабрдаги 10-сонли “Судлар томонидан келиб тушган жиноят иши бўйича жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида”ги меъёрий қарорига кўра:

1. Агар унга келиб тушган иш унинг юрисдикциясига кирмаслиги аниқланса, суд ишни юрисдикциясига мувофиқ ҳал этади.

2. Агар асосий суд мажлисида ушбу Кодекснингда назарда тутилган ишнинг худудий юрисдикцияси қоидалари бузилганлиги аниқланса, у ҳолда процессининг барча иштирокчиларининг розилиги билан суд иш жойидан чиқиб кетишига ҳақли.

3. Барча ҳолларда, агар иш жиноят ишлари бўйича ихтисослаштирилган туманлараро судининг, жиноят ишлари бўйича ихтисослаштирилган туманлараро ҳарбий судининг ёки гарнizonнинг ҳарбий судининг юрисдикциясига тегишли эканлиги аниқланса, судловга тегишли ҳисобланади³⁰.

Қозоғистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 317-моддасида эса: айrim ҳолларда ишни энг тез, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиш мақсадида, шу жумладан судьялар иштирокида кўриладиган ишни судланувчининг розилиги билан ёки процесс иштирокчиларининг илтимосига кўра бир хил даражадаги суддан бошқа судда кўриб чиқилиши

²⁹ РФ ЖПК, 34-модда.

³⁰ Қозоғистон Республикаси ЖПК, 316-модда.

мумкин. Бироқ бунга ишни топширишга уни суд мажлисида кўриш бошланишидан олдин йўл кўйилади.

Шунингдек, иш тарафнинг илтимосига биноан, судьянинг ёки суд раисининг тақдимиға биноан, агар суд ишни белгиланган муддатда кўриб чиқишига имкони бўлмаса, иш кўриш учун бир хил даражадаги суддан бошқа судга ўтказилиши ҳам мумкин. Ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш тўғрисидаги масала юқори турувчи суд томонидан ҳал қилинади ва бу ҳақда суд карори чиқарилади.

Демак, юқоридаги давлатларнинг жиноят процессуал қонунчилигига кўра,adolatli суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир ҳалқаро стандартлар миллий қонунчиликда турлича таърифланган. Хусусан, жиноят содир этган шахснинг ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан судланиш ҳуқуқини таъминлашда МДҲ давлатларининг қонунчилигига турлича ёндашувлар бор. Баъзиларида суд мажлисида ишнинг бошқа суднинг судловига тегишлилиги аниқланса, ушбу ҳолатда жиноят иши иштирокчиларнинг розилиги инобатга олинса, баъзи давлат қонунчигига эса иш ҳолатларининг тўла очилишига тўсқинлик қилмаса ишни кўриш давом эттирилади. Масалан РФ ЖПКнинг 34-моддасида, суд мажлиси болангунга қадар ишнинг умумий қоидага кўра юрисдикция бўйича ҳал этилади, агарда суд процесси жараёнида иш бошқа суднинг судловига тегишлилиги аниқланса, суд ишни аввало ишда иштирок этувчи шахслари, хусusan судланувчи ва жабрланувчи рози бўлса ишни кўришни давом эттиради. Агарда рози бўлмаса, жиноят иши юрисдикция бўйича бошқа судга юборилади. Озарбайзон Республикаси ЖПКда эса суд мажлиси жараёнида ишнинг бошқа судловга тегишлилиги аниқланса иш юрисдикция бўйича тегишли судга юборилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, судловга тегишлилик масаласини ҳал этишда, эътиборга олиниши лозим бўлган асосий элемент бу шахснинг ваколатли судлов ҳуқуқи ҳисобланади. Ҳалқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган ушбу ҳуқуқ ҳалқаро стандарт сифатида тан олинган. Ушбу ҳуқуқни таъминлашда биринчи навбатда инсон ҳуқуки,

хусусан, адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқни таъминлаш кўз ўнгимизга келади. Судланувчи ёки жабрланувчининг ҳуқуқи ва хоҳишини инобатга олиш лозим.

ЖПҚда, жиноят процесси давомида ишнинг бошқа суднинг судловига тегишлилиги аниқланса, биринчи навбатда судланувчи ва бошқа иштирокчиларнинг розилигини, инобатга олиш лозим. Агарда улар ишни давом эттиришга рози бўлмаса, суднинг тегишлилиги бўйича бошқа судга юборишга мажбурлигини белгилаб қўйиш лозим бўлади.

2.2. Айбсизлик презумпцияси ва гумонланувчи, айбланувчи, судланувчининг асосий ҳуқуқларига оид ҳалқаро стандартлар ва уларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси.

Ҳалқаро стандартларда Жиноят содир этганликда айбланувчи ҳар бир шахс унинг айбдорлиги қонунга мувофиқ исботланмагунча айбсиз ҳисобланишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Айб қонунга мувофиқ исботланмагунча айбсиз ҳисобланиш ҳуқуки — чекиниб бўлмайдиган ва чеклаб бўлмайдиган мутлақ ҳукуқдир. Айбсизлик презумпцияси: айбни исботлаш мажбуриятини айблов тарафнинг зиммасига юклайди; айб асосланган шубҳалар бўлмаган ҳолда исботланмагунча, айбдорликка доир шубҳа қилиб бўлмаслигини кафолатлайди шубҳалар доимо айбланувчи фойдасига ҳал қилинишини кафолатлайди; жиноят содир этганликда айбланувчига нисбатан ушбу тамойилга мувофиқ муносабатда бўлишни талаб этади. Гаров остига озод этишни рад қилиш ёки фуқаролик жавобгарлигига жалб этиш тўғрисида қарор чиқариш айбсизлик презумпциясига таъсир кўрсатмаслиги лозим³¹.

Шунингдек, судга қадар ҳибсда ушлаб туришнинг давомийлиги айб белгиси ёки айб даражасининг кўрсаткичи, деб ҳисобланмаслиги лозим. Давлат органлари ва мутасадди шахслар айбсизлик презумпцияси тамойилига риоя этишлари ва суд процесси натижасига нисбатан дастлабки

³¹ Инсон ҳу қуқл ари бўйича қўмита, 2006 йил 24 июлдаги фикр, Франциско Хуан Ларранага Филиппинга қарши, № 1421/2005 хабар, 7.4-банд

фикрлар чиқармасликлари, масалан, судланувчининг айбига оид ошкора чиқишилардан ўзларини тийишлари лозим. Давлат органлари ва мутасадди шахслар, шу жумладан прокурорлар, жамоатчиликни тергов ёки қўйилган айблар тўғрисида хабардор қилишлари мумкин, аммо гумонланувчининг айбига нисбатан ўз қарашларини ифода этмасликлари лозим. Даилларни тақдим этиш ва суд муҳокамасини юритиш қоидалари бутун суд муҳокамаси давомида исботлаш юки айблов тарафи зиммасида эканлигини кафолатлашлари лозим. Факт ва ҳуқук масалалариги оид юридик характердаги презумпциялар айбланувчига уларнинг нотўрилиги кўрсатиш ёки ўз айбизлигини исботлаш имкони берилгандагина рухсат этилади. Судланувчилар ҳибсдалиги ёки йўқлигидан қатъи назар, уларга нисбатан муносабат уларнинг айбдорлиги қонунга мувофиқ суд томонидан исботланмагунча айбизлар статусига мувофиқ бўлиши лозим. Одатда, судланувчилар судда қўлкишанлар бўлиши ёки қафасда сақланиши ёки суд олдида улар хавфли жиноятчилар қиёфасида турмаслиги лозим. Шунингдек, улар суд олдида қамоқ формасида бўлмаслиги лозим ва фуқаролик кийимларини кийишга ҳақли. Агар шахс суд ёки трибунал қарори билан жиноятни содир этганликда айблов бўйича оқланган бўлса, давлат органлари, хусусан, прокуратура ва ички ишлар органлар, инсон айбдор бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги тахминлардан ўзларини тийишлари лозим. Қолаверса, ОАВ айбизлик презумпцияси тамойилини бузувчи янгилик репортажларини узатишдан ўзларини тийишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ЖПК айбизлик презумпциясини кафолатлайди. Бу тамойилнинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарорида янада батафсил очиб берилган: Гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоя ҳуқуки билан таъминлашнинг муҳим кафолати — унинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланмагунча айбдор ҳисобланмаслиги ҳақидаги Конституцияда белгиланган айбизлик презумпцияси тамойилига қатъий амал

етилишидадир. Гумон қилинувчи, айбланувчи зиммасига кўрсатув бериш мажб урия ти юкланиши мумкин эмас, ўз айбизлигини ёки иш бўйича бирор-бир ҳо лат ни исботлаш масъулиятини юклашга ҳам йўл қўйилмайди. Қонунга асосан бундай мажбурият жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари мансабдор шахсларининг зиммасига юклатилган. Айборликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этишнинг имкони бўлмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи фойдасига ҳал қилиниши керак. Қонунни қўллашда келиб чиқкан ҳар қандай шубҳа ҳам унинг фойдасига ҳал этилади. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонун ҳам ушбу тамойилнинг бузилишига доир тақиқни мустаҳкамлайди: “Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз суриштирув ёки дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатиш тақиқланади”.

Амалиётда ОАВ ёки телевиденияда судга ва шахсларнинг қонун билан белгиланган тартибда айбор деб тан олишга қадар айбланувчиларнинг қамоққа олиниши, жиноят содир этганликда айборларга нисбатан жиноий ишлар қўзғатилгани тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш ҳоллари кузатилиши мумкин. Ҳимоячининг вазифаси суд томонидан чоралар кўрилиши ва айбизлик презумпцияси тамойилининг таъминланишига доир талаб билдиришдан иборат. Агар суд ушбу тамойилнинг бузилишига нисбатан чора кўрмаса, бу ҳаракат ким томондан содир этилаётгандан қатъи назар, ёки ўзи бу тамойилни бузса, бундай суд беғараз ва холис бўлмаган суд сифатида рад қилиниши лозим. Суд қарори устидан берилган апелляция шикоятида бу ҳуқуқнинг бузилганлиги тўғрисида важларни келтириш лозим.

2.3. Ошкора ва асосли суд қарорларига бўлган ҳуқуқ, суд қарорларининг юқори суд инстанцияларида кўрилишига оид ҳалқаро стандартлар ва уларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси

Ҳалқаро ҳуқуқда алохида ҳоллардан ташқари, жиноят процессида суд мажлислари жамоатчилик учун очик бўлиши, суд қарорлари эса омма

томонидан танишиш учун очик бўлиши лозим. ушбу норма халқаро стандарт сифатида ҳам белгилаб қўйилган.

Халқаро стандартларда жиноят ишлар бўйича барча суд муҳокамалари оғзаки тарзда ўтказилиши ва омма учун очик бўлиши лозимлиги белгиланган. Суд мажлисларининг ошкоралиги судловнинг шаффофлигини таъминлайди ва шу билан алоҳида шахслар ва умуман жамият манфаатларининг муҳим кафолати ҳисобланади. Жиноят содир этганликда айбланувчи ҳар бир шахс иши биринчи инстанция суди ёки судьяси томонидан ошкора кўрилишига ҳақли. Аммо суд мажлисларининг омма учун очиқлиги талаби доим ҳам ёзма тақдимномалар асосида ўтказилиш мумкин бўлган барча апелляция процесслирига ёхуд прокурорлар ёки давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган судга қадар қарорларга татбиқ этилмайди. Суд мажлисининг ва суд муҳокамасининг ошкоралигини таъминлаш мақсадида бир қатор ташкилий ишлар қилиниши лозим, жумладан: суд мажлисларини ўтказиш санаси ва жойи тўғрисидаги барча керакли ахборот, ҳамда ўтказиш учун масъул суд тўғрисидаги ахборот трибунал ёки суд томонидан кенг жамоатчиликка тақдим этилиши лозим; давлат суд мажлисларига оид ахборот эълон қилинишининг доимий тизимини яратиши лозим; суд мажлисида жамоатчиликнинг манфаатдор вакиллари иштирок этиши учун барча керакли шароитлар таъминланиши лозим; барча мажлислар кенг оммага очик бўлиши, масалан, фақатгина маълум шахслар тоифалари билан чекланмаслиги лозим; ОАВ вакиллари суд ёки судья муҳокама давомида аудио- ва видеотехникадан фойдаланишни чеклаши мумкин бўлган ҳоллардан ташқари, суд мажлисларида бўлишга ва улар тўғрисида репортаж олиб боришга ҳақли.

Ушбу процесс англо-саксон ҳуқуқ тизимида турлича шаклларда амалга оширилади. Хусусан, АҚШ ва Англияда суд жараёнида халқ вакилларидан иборат ҳайъат тузилади, улар суд жараёни вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинад ва иштирок этади. Суд жараёни тугаганда судьянинг қарорига қўшилиш ёки қўшилмаслик ҳуқуқидан фойдаланади.

Агарда ҳакамлар ҳайъати судья билан келишмаса, суд қарори бекор бўлиши ҳам мумкин. Лекин ҳакамлар ҳайъатига ёки бошқа иштирокчиларга суд залига камера ёки мобил алоқа воситаси олиб киришга рухсат берилмайди. Шунга қарамай АҚШнинг Калефорния штатида суд жараёнини жонли эферда телевиденияга узатиб бориш амалиёти бор. Америкалик профессор Малколм Томаснинг фикрича бу ҳолат аҳолига ижобий таъсир қиласди ва аҳолининг ҳукуқий маданиятини ошириши мумкин. Чунки аҳоли суд жараёнини камдан кам ҳолатда кўриши мумкин. Бизнинг фикримизча, суд жараёнини телевиденияда намойиш қилиш, бу бир томонлама аҳолига фойда келтириши мумкин. Иккинчи томондан эса шахснинг дахлсизлиги ҳукуқи ва айбсизлик призумпцияси ҳукуқи бузилишига олиб келиши мумкин. Чунки фуқаролар кўз ўнгидаги судланувчига нисбатан адоватни пайдо қилиши мумкин. Мисол учун, қотиллик жиноятини ёки номусга тегиш жиноятини содир этган шахсни суд жараёнинда телевидения орқали кўрган фуқароларнинг янги жинояtlар содир этилишига олиб келиши эҳтимоли йўқ эмас. Шу сабабли ҳар доим ҳам бу амалиёт ўзини оқламаслиги мумкин.

Фавқулодда ҳолатларда суд ёки судьялар бутқул суд мухомасига ёки унинг бир қисмига омма, шу жумладан ОАВни киритмаслик ваколатларига эга. Бу ҳолатлар қуйидаги вазиятлар билан чекланган: бу одил судлов манфаатларини ҳимоя қилиш учун қатъий зарур бўлса (масалан, гувоҳларни ҳимоя қилиш мақсадида); буни тарафларнинг шахсий ҳаёти манфаатлари талаб қилса (масалан, вояга етмаганлар судланаётганда; вояга етмаганлар ёки бол алар жиноят жабрдидалари бўлган ёки жинсий зўравонлик қур бонлари нинг шахсий ҳаёт сирини сақлаш лозим бўлган ҳол ларда); бу инсон ҳукуқлари ва қонун устуворлиги тамойилига риоя этиладиган очик ва демократик жамиятда жамоат тартиби, аҳлоқ билан боғлиқ сабаблар ёки миллий хавфсизлик мулоҳазаларига кўра қатъий зарур бўлса.

Бунга қарамасдан, ҳар қандай бундай чеклов ҳар бир аниқ ҳолатда қатъий асосланган ва баҳоланган бўлиши ҳамда суд томонидан пухта назорат қилиниши лозим. Жиноий суд ишининг мажбурий ва умумий тартибда ҳар

бир иш хусусиятларини инобатга олмаган ҳолда «ёпиқ эшиклар ортида» ўтказилишини назарда тутувчи қонунлар инсон хуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларнинг бузилиши ҳисобланади. Ҳатто ошкора судга бўлган хуқуқ чекланиши мумкин бўлганда, айбланувчилар уларнинг иши бўйича суд муҳокамаси ўтказаётган судда иштирок этишга ҳақли. Жиноий судловни фақатгина ёзма шаклда бўлишини назарда тутувчи ва ҳар қандай оғзаки суд муҳокамасига рухсат бермайдиган қонунлар адолатли суд муҳокамаси тамойилларига мос келмайди.

Судлар суд процессида иштироки этиш муносабати билан юзага келувчи хатарларга дуч келиши мумкин бўлган айбланувчилар, жабрланганлар, гувоҳлар ва шикоят берган шахсларни ёки, вояга етмаганлар судланаётганда, бола манфаатларини кўзлаб, уларни ҳимоя қилиш бўйича чора кўришлари лозим. Аммо бу чоралар аноним гувоҳлардан фойдаланишни оқламайди ва маҳфий далилларни мақбул кўрмайдилар³². Давлатлар барча суд жараёнларини протоколлаштириш тизими фаолият юритишини, бу ахборот ҳужжатлаштирилиши ва кенг жамоатчилик учун очик бўлишини таъминлашлари лозим. Жиноий судловда чиқарилган барча қарорлар чоп этилиши ҳамда давлатнинг бутун ҳудудида улар билан танишиш имкониятлари таъминланиши лозим. Ҳатто жамоатчилик процессга киритилмаган ҳолларда қарор, шу жумладан муҳим фактлар, асосий исботлар ва ҳуқуқий асослар ошкора қилиниши лозим, агар бу вояга етмаганларнинг манфаатларига зид келмаса. Қарорни чоп этиш нафақат судланган ёки оқланган шахс, балки етказилган зарарни қоплаш формаси бўлса, жабрланувчилар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, ҳамма судларда ишлар очик кўрилади; ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади³³. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 19-моддаси барча судларда, давлат сирларини кўриқлаш

³² Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, якуний хуносалар: Канада CCPR/C/CAN/CO/5, 2006 йил 20 апрел, 13-банд.

³³ ЎзР Конституцияси, 113-модда.

манфаатларига зид келадиган, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриладиган ҳолларни истисно қилганда, жиноят ишлари ошкора кўрилиши; ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда бошқа ишларни ҳам суд томонидан ажрим чиқариб, ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилиши мустаҳкамланган. Нафақат бутун мажлис, балки унинг алоҳида қисми ҳам ёпиқ бўлиши мумкин. Масалан, шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари очик суд мажлисида фақат бу хат ва хабарларни жўнатган ҳамда олган шахсларнинг розилиги билан ошкор қилиниши мумкин. Акс ҳолда улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади. Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш барча процессуал қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказилади. Ишни ёпиқ мажлисда кўриш тўғрисидаги суднинг ажрими бутун муҳокамага нисбатан ёки унинг алоҳида бир қисмiga нисбатан чиқарилиши мумкин. Бу ажрим суд мажлисига йиғилганларга тааллуқли бўлиб, процесс иштирокчиларига дахли йўқ. Суд судланувчининг ва жабрланувчининг яқин қариндошларини, шунингдек бошқа шахсларни мазкур мажлисда текшириладиган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантириб, уларнинг ёпиқ мажлисда иштирок этишларига рухсат беришга ҳақлидир. Суд залида тартиби сақлаб туриш учун зарур бўлган ҳолларда суд айrim шахсларнинг суднинг очик мажлисларида қатнашишларини тақиқлаб қўйишга ҳақлидир. Суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга, кинога олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади. Суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошкора эълон қилинади. Судлов фаолиятида ошкораликни кенгайтириш учун зарур ҳолларда судлар оммавий ахборот воситалари

ходимларига, тегишли жамоат бирлашмалари ва жамоаларга бўладиган процесслар тўғрисида хабар бериши, шунингдек процессларни бевосита корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўтказиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, суд мажлиси халқаро ҳукуқда очик ва ошкора қўрилиши бўйича стандарт белгиланган. Англо-саксон ҳукуқ тизимида суд мажлисининг ошкоралигини таъминлаш учун ҳакамлар ҳайъати тузилади. Улар тегишли тартибда суд мажлиси ҳақида хабардор қилинади ва суд мажлисида иштирок этади. Суд мажлисининг адолатлилигига улар баҳо беришади. Агарда улар суднинг қарорига қўшилмаса, суд иши бекор бўлиши мумкин ёки ижроси кечикади.

Англо-саксон ҳукуқ тизимида ҳам романо-герман ҳукуқ тизимида ҳам умумий жиҳат шундаки, суд жараёнининг очи ёки ёпик ўтказилишини белгилашда, судланувчининг шахсий дахлсизилиги ҳукуки инобатга олинади. Суд мажлисида барча фуқаролар иштирок этиши мумкин, бироқ видеокамерадан фойдаланишга чеклов ўрнатилиши мумкин.

**III БОБ. АДОЛАТЛИ СУД МУҲОКАМАСИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ
ТАМОЙИЛИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРОРНИНГ РОЛИГА ОИД
ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР, МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**3.1. Жиноят суд процессида прокурор иштирокига оид халқаро
стандартлар ва уларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси.**

Бугунги кунга келиб, икки юзга яқин миллий ҳуқуқий тизимлар мавжуд. Бу хилма-хиллик замонавий дунёда прокуратура органларининг турли моделлари мавжудлигини ҳам назарда тутади. Прокуратура институти муайян тарихий вақт ва давлатнинг жиноятга қарши кураш олиб борувчи органи мавжудлигига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган.

Тарихий жиҳатдан суд тизими прокуратурадан анча олдин пайдо бўлган. Хусусан, Қадимги Юнонистонда ва қадимги Римда жабрланувчи ёки судланувчи ўзи йиғган жиноят ишига доир ёки фуқаролик ҳуқуқбузарлигига доир далил ёрдамида ва суд олдида айбловни қўллаб-қувватлаган нотиқлар томонидан далиллар оғзаки тақдим этилган. Рим тарихининг кейинги даврида (ерамизнинг I—IV-асрлари) император амалдорлари жиноят ишларини тергов қилишни амалга оширганлар. Инквизиция даврида (XIII-XVIII асрлар) ҳам прокуратура йўқ эди. Лекин прокуратура вазифа ва функцияларини инквизиция бажарган.

Давлат институти сифатида прокуратура вазифасини бажарувчи орган фақат XII-XIV асрларда пайдо бўлган. Ушбу даврлар мутлақ монархия мамлакатларида прокуратуранинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши учун муҳим восита бўлиб келган.

Прокуратура органларининг ташкил топиши ва фаолияти тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, хорижий давлатларда дастлаб прокуратурага Фарбий Европада давлат институти сифатида дастлаб прокуратурага судда, жиноят ишини қўллаб-қувватлаш, жиноий таъқиблар функциялари юклангандигини кўрсатади. Шу билан бирга, романо-герман ҳуқуқий

тизимининг кўплаб давлатларида (асосан Шарқий Европа мамлакатларида) назорат функцияси тарихан прокуратурага юкландган.

Шунга қарамай, прокуратура институтининг замонавий сўз маъноси антик даврда ҳам, ўрта асрда ҳам мавжуд бўлмаган. Ушбу муассаса биринчи марта Францияда XVIII аср охирида пайдо бўлди. Унгача эса турли номлар остида қирол томонидан берилган масалалар билан шуғулланувчи шахслар фаолият кўрсатган. Улар “қирол одамлари” ҳисобланган, уларнинг баъзилари ишларни ёзма равишда тайёрлаш билан шуғулланган, бошқалари судларда нутқ сўзлаган, прокурорлар “қирол прокурорлари” ва “қироллик адвокатлари” деб аталган. Ўша даврда прокурор вазифасини бажарувчи шахслар тўлиқ қиролнинг манфаатлари йўлида хизмат қилган.

Қиролнинг прокурорлари ва адвокатлари фақат XIV асрда магистратура таркибига мансуб мансабдор шахсларга айланди. Бироқ, Франция прокуратураси асосчиси Филипп IV Чиройли (1268-1314) ҳисобланади, чунки унинг даврида прокуратура билан биргаликда суд вазифасини бажарувчи орган ҳам бўлган. Шунингдек, Париж, Тур ва Руандаги ўша пайтдаги учта парламентда, шунингдек, судларда доимий қироллик прокурорлари фаолият кўрсатган. Кейинчалик Германия, Испания, Италия ва бошқа мамлакатларда турли номлар остида шунга ўхшаш муассасалар пайдо бўла бошлади.

Ниҳоят, 1789 йилги француз инқилоби давридан бошлаб вазият ўзгара бошлади. 1790-йил 1-декабрда қабул қилинган қонун билан қонунларнинг тўғри қўлланилиши ва суд ҳукмларининг ижросини назорат қилиш учун қирол томонидан умрбод тайинланган прокурорлар ташкил этилган эди ва уларга қиролнинг комиссарлари (*commiscairec du roi*) унвони берилган. 1792 йилда уларга суд олдида айловлар ва бошқа хизмат кўрсатиш ишониб топширилган.

Махсус давлат муассасаси сифатида прокуратура Францияда фақат XIX аср бошида шаклланган. Уни ташкил этиш ва фаолиятини меъёрий тартибга

солиш 1808 йилдаги “Жиноят процесси тўғрисида”ги Низом ва “Суд ҳокимияти тўғрисида”ги қонун (1810 йил 20 апрел) билан амалга оширилган.

Шунингдек, Россияда прокуратура 1722 йилда ташкил топганидан бери дастлаб ишларнинг бажарилиши масъулияти юкланган идоралар, қонунларни мансабдор шахслари ва ишларнинг тез ва тўғри ҳаракатланишини назорат қиласди. Қонун бузилган тақдирда, прокурорлар таклифлар киритиш хуқуқига эга эдилар. Дастлаб Россия прокурорлари жиноий судда прокурор сифатида ишламадилар. Кейинчалик прокуратура жиноятлар бўйича дастлабки терговнинг қонунийлиги, шахсларнинг қамоққа олиниши, озодликдан маҳрум қилиш жойлари ва бошқалар устидан назоратни бошлади. Шундай қилиб, Россия прокуратураси дастлаб қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи орган сифатида пайдо бўлди ва жиноий таъқиб қилишни амалга оширмади.

Масалан, Фарбий Европа модели биринчи навбатда жиноий ҳаракатлар содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш функциясини амалга оширишни ўз зиммасига олди (судда давлат айбловни сақлаб қолиш), лекин рус модели қонунлар ижросини назорат қилиш функциясини амалга оширишга асосланган эди.

Шунингдек, прокуратуранинг қуйидаги тарихий моделларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) Назорат;
- 2) айбловчи;
- 3) аралаш назорат-айблов;
- 4) аралаш айблов-назорат³⁴.

Хозирги вақтда турли мамлакатларда прокуратура органларининг функциялари ва ваколатлари доираси сезиларли даражада фарқланади. Шу сабабли, баъзи давлатларда прокуратура асосан жиноят ишларини тергови билан шуғулланадиган орган бўлса (Германия, Италия, Кипр ва бошқалар), бошқаларида у бошқа кенг кўламли функцияларни ҳам бажаради. Хусусан,

³⁴ www.syberlenin.ru/history of prosecutions

Бразилия, Венгрия, Португалия, Испания, Словения, АҚШ, Россия, Францияда прокуратура нафақат жиной таъқиб қилувчи орган, балки қонунларнинг бажарилишини, фуқароларнинг хуқуқларини ҳимоя қилишни, шунингдек, жиноят процесси доирасидан ташқаридаги фаолиятни назорат қилувчи кўп функцияли органдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам прокуратура фақат жиноят ишлари билан шуғулланмасдан балки хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишларини қўришда иштирок этиш ва бошқа бир қатор вазифаларни амалга оширади. Ғарб давлатларида прокуратура асосан судда айловни қувватлаш ва ноқонуний суд қарорларини қайта қўриб чиқиш каби бирламчи вазифаларни бажарувчи орган сифатида фаолият юритган.

Инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 1950 йилдаги Европа конвенциясининг 6-моддасида “Ҳар ким ўзига қарши ҳар қандай жиной айловни мустақил ва холис суд томонидан оқилона муддатда очик-ошкора қўриб чиқиши белгилаш хуқуқига эга”лиги белгланган. Ушбу хуқуқни ижросини, албатта, прокурор назорат қиласи. Шунингдек, Европа Кенгаши прокурорлар фаолиятининг учта устувор йўналишни белгилаган, улар:

- 1) жиноят ишларининг терговини амалга ошириш;
- 2) инсон хуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш ва
- 3) суд жараёнларида айловни қувватлаш.

Ушбу йўналишларнинг хукуқий асоси Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг 2000 йилдаги тавсиясидир унга кўра, “Жиноят одил судлов тизимида прокуратура хизматининг ўрни” - бу прокуратура хизматини ташкил этиш ва фаолиятни амалга ошириш мақсадида Европа Кенгаши томонидан тавсия этилган қоидалар тўплами бўлиб, улар прокуратура хизматининг устувор йўналишларини ва асосий вазифаларини белгилайди. Ушбу Тавсияни ҳисобга олган ҳолда, Европа ҳамжамиятининг барча давлатларида прокуратура органлари жиной таъқиб қилишни (шу жумладан судда давлат айловини қўллаб-қувватлашни) амалга оширадилар. Европа

прокуратурасининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, бу мамлакатларнинг барчасида прокуратура хукуқни муҳофаза қилувчи органлардан бири сифатида қаралади.

Тавсияларда прокуратурани нафақат жиноий таъқиб қилувчи орган, балки хавфсизликни таъминлаш учун мўлжалланган давлат институти ва қонун устуворлигини ҳимоя қилиш орқали жамият эркинлиги, фуқароларни уларнинг хукуқ ва эркинликларига жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, гумон қилинаётган, жиноятда айбланган шахсларнинг хукуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш.

Шу билан бирга, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, баъзи мамлакатлар прокуратуралари функциялари тизимини умумлаштиришда миллий хусусиятлар мавжудлигини кўрсатади. Масалан, француз прокуратуроси, жиноят ишларини тергов қилишдан ташқари қонун ҳужжатларини шарҳлайди, хўжалик судлари аъзоларини сайлашнинг мунтазамлигини, ўз фаолиятининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, тижорат тузилмаларида айrim қонунларнинг бажарилишини, Франция Адлия вазирлиги идоралари ва идоралари ишини назорат қилиш, жамоат ташкилотларининг уставларига риоя қилиш (масалан, касаба уюшмалари), уларнинг раҳбарларининг хукуқий лаёқати, тайинланган шахсларнинг иш ҳужжатларини текшириш, руҳий касалларни психиатрия шифохонасига жойлаштиришнинг қонунийлиги тўғрисида, айниқса бу жойлаштириш мажбурий бўлса) ва бошқаларни назорат қиласи.

Белгияда жиноят ишларини тергови билан бирга прокуратура умуман суд ишларини ташкил этиш билан боғлиқ турли вазифаларнинг бажарилишини суд ҳокимияти ва суд қарорларининг ижросини назорат қилиш, вояга етмаганлар, руҳий касаллар, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларга риоя қилинишини назорат қиласи. Шунингдек, маъмурий, фуқаролик, хўжалик хукуқи ва тегишли суд процесслари соҳасини назоратни амалга оширади.

Шунингдек, МДҲ давлатларида прокуратура фаолият доираси бир-бирига ўхшаш ҳисобланади. Хусусан, қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати, шу жумладан умумий назорат: Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон қонунчилигига мустаҳкамланган.

Дастлабки терговнинг қонунийлигини тергов ва суриштирув ишларининг прокуратура томонидан назорат қилиш Арманистон, Белоруссия, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон қонунчилигига назарда тутилган.

Тезкор-қидибув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунлар ижросини назорат қилиш Озарбайжон, Беларус, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон прокуратура органларига юкланди.

МДҲ аъзоларида қонунларни ижро этувчи органлар томонидан бажарилишини назорат қилиш прокуратура органлари томонидан амалга оширилади, фақат Озарбайжон бундан мустасно.

Дастлабки терговни процессуал бошқариш Озарбайжон ва Грузия қонунчилиги билан прокуратура фаолиятининг алоҳида йўналиши сифатида ажратилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилиб, асосий собиқ иттифоқ ҳудудидаги мамлакатларда прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган функциялар, уларнинг хуқуқ тизимидағи ўрни ва роли “Прокуратура тўғрисида”ги намунавий қонун концепсияси муқаддимасида “фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлашда” муҳим эканлиги ҳақида сўз юритилган.

Қонунлар ижросини назорат қилиш прокуратура фаолиятининг асосий йўналиши сифатида эътироф этилади.

Шунингдек, МДҲга аъзо давлатларнинг прокурорлари қонунлар ижросини назорат қилиш вазифасига тўлиқ бўйсунувчи кучли, самарали ва

кўп функцияли анъанавий (“совет модели”) прокуратурани сақлаш ва мустаҳкамлаш ғоясини қўллаб-кувватладилар.

Бугунги кунда дунё миқёсида прокуратура органларини қўйидаги гурухларга бўлиш мумкин.

- 1) прокуратура адлия вазирлиги таркибига кирадиган мамлакатлар;
- 2) прокуратура суд тизимида киритилган мамлакатлар корпус (магистратура) ва судларда жойлашган;
- 3) прокуратура алоҳида тизимга ажратилган мамлакатлар ва парламентга ва (ёки) Президентга ҳисобот беради;
- 4) прокуратура алоҳида муассаса сифатида мавжуд бўлмаган ва унинг функцияларини бошқа давлат органлари ёки мансабдор шахслар амалга оширадиган мамлакатлар.

Биринчи гурух давлатлари, масалан, АҚШ, Франсия, Полша, Япония. Унга бўйсуниш прокурорлар (федерал даражадаги адвокатлар) ва ҳар бир штатда федерал прокуратура билан бирга штат бош прокурори бошчилигидаги ва федерал прокуратурага бўйсунмайдиган ўз прокуратура тизими мавжуд. Федерал прокурорлар Бош прокурорнинг таклифига биноан Сенатнинг маслаҳати ва розилиги билан мамлакат Президенти томонидан тайинланади.

Францияда Магистратура мақоми тўғрисидаги қонунни ўз ичига олган фармонга кўра, прокурорлар жиноят ишарига раҳбарлик қиласди ва назорат қиласди ҳамда Адлия вазирига ҳисобот беради. Кассация ва апелляция судларида бош прокурорлар, катта судлов судларида эса республика прокурорлари жойлашган.

Шуниси эътиборга лойиқки, Японияда прокурорлар жиноий иш бўйича кенг ихтиёрий ваколатларга эга.Хусусан, тергов ишларини олиб бориш (шу жумладан, ўз хоҳишига кўра, иш юритишни тугатиши мумкин). Шунга қарамай проурорларнинг фаолиятини назорат қилиш тизими ҳам шаклланган, унга кўра, суд назорати билан бирга уларнинг ҳаракатлари устидан ижтимоий назорат ҳам мавжуд – унга кўра сайловчилар орасидан сайлов

гурухи ташкил этилади ва прокурорлар фаолиятини назорат қилувчи маҳсус комиссия тузилади.

Иккинчи гурух мамлакатларига, хусусан, Испания ва Италия. Испанияда, прокурорлар фаолиятини тартибга солувчи қонунга кўра прокуратуранинг вазифаси (Ministerio Fiscal) қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адолатнинг қарор топишига ёрдам беради, ўз вазифасига доирасида жамоат манфаатлари ёки манфаатдор шахсларнинг илтимосига биноан судга ариза билан мурожаат қилади, шунингдек судларнинг мустақиллигига риоя этилишини назорат қилади. Су таркибида прокуратура функционал мустақилликга эга ва ўз вазифасини ҳаракатлар бирлиги ва иерархик бўйсуниш тамойилларига ва ҳар қандай ҳолатда ҳам қонунийлик ва холислик (бегаразлик) тамойилларига мувофиқ бажаради, бу эса сиёсий партияларга қўшилмасликни англатади. Ушбу давлатларда прокуратура органлари вилоят даражасигача бўлган судларда ишлайди. Уларга Судьялар Олий Кенгашининг фикрини эшитгандан кейин Ҳукумат тавсиясига биноан қирол томонидан тайинланадиган штат Бош прокурори бошчилик қилади. Суд ҳокимияти иерархиясида у Олий суд раисидан кейинги ўринда ҳисобланади

Учинчи гурух мамлакатларни социалистик мамлакатлар ташкил этади. Бу мамлакатларда кўпинча давлат ҳокимияти органлари, уларнинг мансабдор шахслари, баъзан куйи қонун чиқарувчи органларнинг қонун чиқарувчи органлари (масалан, Россияда), жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари, хўжалик ташкилотлари, турли хил муассасалар ва ижро этувчи ҳокимият органларининг қонунлар (қонунийлик) ижроси устидан умумий назорат прокуратурага ишониб топширилади. Масалан, Хитой Халқ Республикаси Конституциясига қўра, қонун устуворлигига риоя қилиш: барча прокуратура органлари жавобгардир. Яъни давлат ҳокимияти органлари, халқ йигинлари

ва уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини назорат қилиш мажбуриятига эга³⁵

Тўртинчи гурӯҳ мамлакатларига мисол қилиб Буюк Британия, Австралия, Ямайка ва бошқаларни келтиришимиз мумкин. прокуратура алоҳида орган сифатида англо-саксон ҳуқуқ тизими мамлакатлари ("common law") анъаналари туфайли тузилмаган. Бироқ, юридик корпус, уларнинг вакиллари прокурор вазифаларини бажаради. Зарур ҳолларда улар суд муҳокамаларида прокурор вазифасини бажарадилар. Ўта муҳим жиноят ишлари кўрилганда айловни маҳсус мансабдор шахс - жамоат судловлари (прокуратура) директори қўллаб-қувватлади.

Олимларнинг фикрига кўра, Англияда прокуратура органларига зарурат йўқ, чунки миллий анъанавий ҳуқуқий тизимда асрлар давомида прокуратура вазифасини бошқа органлар (Attorney's Office) бажариб келган. Яъни Англия миллий ҳуқуқий анъаналарини сақлаб қолади. Бизнинг фикримизча эса Англияда аста-секинлик билан прокуратура органлари номи қонунчиликка ҳам татбиқ этилмоқда. Масалан, 2016 йилда қабул қилинган “Қироллик прокуратура хизмати” бўйича қонун қабул қилинди³⁶. 1986 йилдан бошлаб Англияда Қироллик прокуратура хизмати фаолият кўрсатиб келади. Қироллик Прокуратура хизмати (СПС) Англия ва Уелсдаги асосий прокуратура органи ҳисобланади. Уни Бош прокурор бошқаради. СПСнинг асосий вазифалари жиноятни тергов қилиш жараёнида полиция ва бошқа тергов органларига ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, терговдан кейин гумон қилинувчини жиной жавобгарликка тортиш керакми ёки йўқлигини ҳал қилиш, шунингдек, магистратура судларида ҳам, судда ҳам жавобгарликка тортишдан иборат. Англия ва Уелс Бош прокурори СПС ишини назорат қиласиди ва парламентда унинг учун масъулдир.

Прокурорлар фаолиятига оид халқаро стандартларнинг энг асосийлари БМТ ва Халқаро прокурорлар ассоциацияси томонидан қабул қилинган

³⁵ ХХР Конституцияси, 133-моддаси.

³⁶ https://en.wikipedia.org/wiki/Crown_Prosecution_Service

хужжатларда ўз аксини топган. Хусусан, 1999 йил 23 апрелда Халқаро прокурорлар ассоциацияси томонидан қабул қилинганд “Прокурорларнинг касбий жавобгарлиги ва асосий ҳукуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги стандартлари” алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу Халқаро Прокурорлар Ассоциациясининг Касбий жавобгарлик стандартлари ва прокурорларнинг асосий ҳукуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги баёноти прокурорлар ва прокуратура хизматларининг хатти-харакатлари учун халқаро қўлланма бўлиб хизмат қиласидиган баёнотдир.

ХПА расмий вакиллари ушбу стандартларни шунчаки дадил баёнот эмас, балки прокурорлар ўз стандартларини ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланишлари учун ишчи хужжат бўлиши кераклигини таклиф қилишади. Натижада, Ассоциациянинг келажакдаги сайд-харакатларининг катта қисми стандартларни тарғиб қилиш ва бутун дунё бўйлаб прокурорларга хизмат кўрсатиш орқали улардан фойдаланишга қаратилади.

ХПАнинг стандартларида прокурорларнинг жиноят процессидаги роли бўйича талаблар белгиланган. Хусусан, прокурорлар ўз вазифаларини ҳалол, изчил ва тезкор бажаришлари шарт. Жиноят процессида прокурорлар қўйидаги йўллар билан фаол иштирок этадилар:

- а) агар уларга қонун ёки амалиётда жиноятни тергов қилишда иштирок этиш ёки полиция ёки бошқа терговчилар устидан назоратни амалга ошириш ҳукуқи берилган бўлса, улар буни холис, объектив ва профессионал тарзда амалга оширадилар;
- б) жиноятларни тергов қилиш устидан назоратни амалга ошираётганда, улар тергов хизматларининг ҳуқуқий нормалар ва асосий инсон ҳукуқларига риоя этилишини таъминлаши шарт;
- в) маслаҳат беришда холис ва объектив бўладилар;
- д) жиноий иш қўзғатилгандан сўнг улар иш асосли ишончли ва мақбул деб топилган далиллар бўйича тасдиқланган тақдирдагина давом этади ва бундай далиллар бўлмагандан жиноят ишини тергов қилишни давом эттирмайди;

е) бутун суд мұхокамаси давомида иш қатъий, аммо адолатли үтказилади; ва далиллар доирасидан четга чиқмайды;

ф) миллий қонунчилік ва амалиётта мұвоғиқ, улар суд қарорларини ижро этиш бүйіча назорат функциясини амалға оширса ёки прокуратура билан боғлиқ бўлмаган бошқа функцияларни бажарса, улар доимо жамоат манбаатларини кўзлайдилар.

Бундан ташқари, прокурорлар:

а) касбий сирни саклаш;

б) маҳаллий қонунлар ва адолатли суд мұхокамаси талабларига мұвоғиқ, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг шахсий манбаатларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг фикрлари, қонуний манбаатлари ва мумкин бўлган хавотирларини ҳисобга олиш;

в) суд ва бошқа манбаатдор органлар билан хамкорликда айбланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қиласи;

д) қонун ҳужжатларига ёки адолатли суд мұхокамаси талабларига мұвоғиқ қисқа муддатда айбланувчига тегишли холис ва фойдали маълумотларни ошкор қилиш;

е) тақдим этилган далилларни қонуний ёки конституциявий тарзда олинганигини аниқлаш учун текшириш;

ф) гумон қилинувчининг инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилишини ташкил этувчи ва ноқонуний йўллар айниқса қийноқ ёки шафқатсиз мумалага олиб келадиган усууллар билан олинган деб ҳисобланган далиллардан фойдаланишни рад этиш;

г) бундай усууллардан фойдаланганлик учун масъул шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилишини таъминлайди;

х) маҳаллий қонунлар ва адолатли судлов талабларига мұвоғиқ, жиной жавобгарликка тортилмаслиги, иш юритишни шартли ёки сўзсиз тутатиш ёки ишнинг йўналишини ўзгартириш масаласини тегишли равишда қўриб чиқади.

Юқоридаги стандартларпрокурорларнинг жиоят процессидаги ролин аниқ белгилаб беради. Ҳозирги кунда демократик ҳукуқий давлат қуриш йўлини танлаган давлатлар бу каби стандартларни миллий қонунчиликда белгилаб қўймоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси ва “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида ва Бosh прокурорнинг буйруқларида прокурорларнинг жиноят судларида иштироки белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни, ЖК ва ЖПК, мавжуд қонун ости хужжатлари прокурор томонидан ўз ваколатларини амалга оширишда унинг мустақиллигини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий тамойилларга, ягоналик, марказлашув, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик киради. Прокуратура органлари ягона марказлаштирилган тизимни ташкил этади, ва унга Ўзбекистон Республикасининг Бosh прокурори бошлилик қиласи, қуий прокурорларнинг юқори прокурорларга ва Ўзбекистон Республикасининг Бosh прокурорига бўйсуниши ва ҳисобдорлиги асосида иш юритади. Ўзбекистон Республикаси худудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бosh прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади. Вилоятларнинг прокурорлари, туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикасининг Бosh прокурори томонидан тайинланади. Прокурорларнинг ваколат муддати — беш йил. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, факат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар. ЖПКга кўра, прокурорнинг вазифаси қуийдагича белгиланган: прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриши шарт. Прокурор, биринчи инстанция

судлари томонидан жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқища иштирок этар экан, давлат айловни қўллаб қувватлайди, далилларни исботлашда иштирок этади, судланувчиларга, жабрланувчиларга, гувоҳларга, экспертларга ва судга таклиф қилинган бошқа шахсларга саволлар беради, Жиноят кодекси меъёрларининг қўлланилиши, судланувчи хатти-ҳаракатларини малакалайди, унга тайинланадиган жазо тури ва микдори бўйича ўз фикрини билдиради, жиноят содир қилинишига олиб келувчи сабаб ва шароитлар, уларни бартараф этиш усуллари ҳақидаги мулоҳазаларини тақдим этади. Суд тергови натижалари асосида прокурор айбланувчига қўйилган айбни ўзгартириш зарур, деган хulosага келса, у бу ҳақда судга асослантирилган баёнот бериши керак. Суд ишини кўриб чиқиш натижасида прокурор суд суриштируви натижалари айбланувчининг айбсизлигидан далолат беради деган хulosага келса, у айловдан воз кечиши ва судга бунинг сабабларини баён қилиши керак. Прокурорнинг айлов хulosани ўзгартириш ёки айловдан бош тортиш асослари ҳақидаги фикрлари судга ёзма тарзда тақдим қилиниши керак. Фуқаролар ва жамият манфаатлари тақозо килган ҳолларда, прокурор жабрланувчиларга фуқаролик даъвосини тақдим қиласди ёки тақдим қилинган даъвони қўллаб-куватлайди. Прокурор жиноят ишларини кўришда ёки ҳукмни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда апелляция ва кассация инстанцияси судида иштирок этади³⁷.

Халқимиз йиллар давомида айниқса мустақилликдан олдинги йилларда “прокурор” деганда инсонларни фақат қамоққа ҳукм қилишни сўрайдиган, фақат айглаш ваколати бўлган қораловчи шахсни тушуниб келган.

Мустақиллик йилларидан бошлаб прокурор фақатгина қораловчи эмас балки “оқловчи” сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Сўзимизнинг исботи сифатида, сўнги йилларда юртимизда прокурор протести билан суд томонидан оқланган шахслар тўғрисидаги статистик маълумотларни келтирамиз. 2017 – 2021 йилларда судлар томонидан 3.694 нафар шахс

³⁷ Ўзб Рес ЖПК, 409-модда.

оқланган бўлса, шундан 2.953 нафари юқори инстанция ва 742 нафари биринчи инстанция судлари томонидан риабилитация қилинган.

Ушбу шахсларнинг 3.375 нафари жиноят иши бўйича айби исботланмаганлиги ва 239 нафари қонун ўзгарганлиги муносабати билан оқланган.

Прокурорларнинг протестида асосан 97 та жиноят иши бўйича 127 нафар шахсга нисбатан чиқарилган оқлов ҳукмлари бекор қилинган.

Ўтган даврда прокурорларнинг протестларида асосан 378 нафар шахс айбсиз деб топилиб, риабилитация қилинган. Ушбу статистик маълумотлардан ҳам қўриш мумкинки, прокурорлар фақатгина айловни кувватлаш эмас, балки айби бўлмаган шахсларга нисбатан оқлов ҳукмини чиқаришни сўраб ҳам судга мурожаат этиб келмокда. Бу ҳам прокурорнинг жамиятимизда амалга оширилаётган “Инсон қадри учун” тамойилига ҳамоҳанг тарзда фаолият юритиб, пировардида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини узлуксиз таъминлашда ўрнининг бекиёслигини кўрсатиб беради.

3.2. Миллий ҳуқукий тизимнинг бир қисми сифатида халқаро ҳуқуқ ва халқаро стандартлар, уларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилинишининг кейинги истиқболлари.

Халқаро ҳуқуқда жиноят суд процессида прокурорнинг иштирокига оид халқаро стандартларни таъкидлашда биринчи ўринда БМТ томонидан 1990 йилда қабул қилинган “Прокурорларнинг роли бўйича йўриқнома” номли қўлланма алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу қўлланманинг приамбуласида “аъзо давлатларга жиноят процессида прокурорларнинг самарадорлиги, холислиги ва адолатлилигини таъминлаш ва рағбатлантириш вазифаларида ёрдам бериш” устувор вазифалардан бири этиб белгиланди.

Ушбу ҳужжат қабул қилингунга қадар ҳам прокурорлар фаолиятига оид халқаро ҳужжатлар қабул қилинган, бироқ улар факатгина

прокурорлар фаолиятини эмас ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини қамраб олади.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1945 йилда ташкил этилганда, унинг Низомида ҳам дунё ҳалқлари, жумладан, ирқи, жинси, тили, дини ёки ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар адолатни таъминлаш учун шарт-шароитларни яратишга қатъийликларини тасдиқлаш билан бирга, инсон ҳукуқларига хурматни рағбатлантириш ва ҳалқаро ҳамкорликка эришишни ўзларининг мақсадларидан бири деб эълон қилган эди.

Шунингдек, 1948 йилдаги “Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси”да инсонларнинг қонун олдида тенглик, айбиззлик презумпцияси, мустақил ва холис суд томонидан адолатли ҳамда суд ишини очиқ-ошкора кўриб чиқиш ҳукуки тамойиллари мустаҳкамланганлигини ҳисобга олиб суд, прокурор ва адвокатларнинг суддаги ваколатларини адолатли суд муҳокамасига эришиш нуқтаи назаридан такомиллаштириш ишлари изчиллик билан амалга оширилди.

Албатта, ушбу ҳалқаро стандартлар асосидаги қарашлар ва ҳақиқий вазият ўртасида тафовут мавжуд бўлса-да, ҳар бир мамлакатда одил судловни ташкил этиш ва амалга ошириш ушбу тамойиллардан ўрганилиши ва уларни тўлиқ ҳаётга татбиқ этиш бўйича саъи-ҳаракатларни амалга ошириш зарурлигини эътоборга олганда прокурорлар адолатли суд муҳокамасини таъминлаш ишини амалга оширишда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Кўшимча қиласидиган бўлсақ, ҳалқаро стандартларда белгиланган муҳим мажбуриятларни бажариш, уларга нисбатан хурмат руҳини шакллантириш ва унга риоя қилишини таъминлаш орқали адолатни таъминлашга ҳисса қўша олади ҳамда натижада эса фуқароларни ҳукуқбузарлик ва жиноятчиликдан ҳимоя қиласи.

Бунинг учун эса прокурорлар етарли даражада касбий малакага эга бўлиши лозим. Ушбу масалага ҳам халқаро миқёсда эътибор бериб келинмоқда.

Бу мақадларга эришиш учун, жумладан, прокурорларнинг ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган касбий малакага эга бўлишини таъминлаш, ишга қабул қилиш, хуқуқий ва касбий тайёргарликнинг такомиллаштирилган усуллари орқали ҳамда жиноятчиликка қарши курашда ўз ролини муносиб тарзда бажариш учун барча зарур воситалар билан таъминлаш зарурлигини ҳисобга олиб, БМТнинг Бош Ассамблеяси 1979-йил 17-декабрдаги 34/169-сонли резолюцияси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноятчиликнинг олдини олиш ва хукуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича бешинчи Конгресси тавсиясига кўра “Хукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг одоб-ахлоқ кодекси”ни қабул қилди. Жумладан ушбу одоб-ахлоқ кодексининг биринчи моддасида хукуқни муҳофаза қилувчи орган ходими ўз касби, юксак масъулият даражасига кўра, қонун билан берилган вазифаларини ҳамиша бажариши, халққа хизмат қилиши ва барча шахсларни хукуқбузарликлардан ҳимоя қилиши лозимлиги белгилаб қўйилди³⁸.

Кейинги вақтларда БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва хукуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича асосий устувор вазифалари қаторига суд мустақиллигига, судялар ва прокурорларнинг касбий тайёргарлиги ва мақомига оид йўриқномаларни ишлаб чиқишга қаратилди.

Айнан шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва хукуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича VII Конгресси “Суд ҳокимияти мустақиллигининг асосий тамойиллари” қабул қилинган, кейинчалик Бош Ассамблея томонидан

³⁸ <https://www.ohchr.org/code-conduct-law-enforcement-officials>

1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-сонли ва декабрдаги 40/136-сонли резолюцияларида маъқулланган³⁹.

Бундан ташқари “Жиноят ва ҳокимиятни суиистельмол қилиш курбонлари учун одил судловнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги декларацияда ҳам жиноят қурбонларига адолатли муносабатда бўлиш, уларга компенсация тўлаш ва уларга ёрдам бериш имкониятларини яхшилаш учун халқаро ва миллий даражада чоралар кўриш тавсия этилган.

БМТнинг Бош Ассамблияси еттинчи Конгресснинг еттинчи резолюциясида, хусусан, прокурорларни танлаш, касбий тайёргарлиги ва мақоми, жиноий одил судлов тизимида ишлаши ва уларнинг полиция билан ҳамкорлиги, ваколатлари доираси ва жиноят процессидаги роли ҳамда ундан кутилаётган вазифалари ва хулқ-автори билан боғлиқ кўрсатмалар зарурлигини кўриб чиқишига чақирилган эди. Бунинг натижаси бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бўлажак Конгрессларига ҳисобот тайёрланди.

Натижада жиноят процессида прокурорларнинг самарадорлиги, холислиги ва адолатлилигини таъминлаш бўйича аъзо давлатларга ёрдам бериш учун ҳамда хукуматлар томонидан ўзларининг миллий қонунчилиги доирасида хурмат қилиниши ва эътиборга олиниши лозим бўлган халқаро стандартларни ўзида умумлаштирган халқаро ҳужжат керак эди.

Ниҳоят 1990 йилда қабул қилинган “Прокурорларнинг роли бўйича йўриқнома” асосан прокурорларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат йигирма тўртта қоидадан иборат. Хусусан, прокурорнинг малакаси, уни танлаш ва тайёрлаш; хизмат кўрсатиш ҳолати ва шартлари; фаолияти эркинлиги, уюшмаларга бирлашиш, жиноят процессида роли, ихтиёрий (дискрецион) ваколатлари, жиноий жавобгарликка тортишда муқобил танловдан фойдаланиш, бошқа давлат органлари ёки

³⁹ <https://www.org.uno.resoltions>.

муассасалари билан муносабатлар, тартибли иш юритиш; ва кўрсатмаларга риоя қилиш ва ҳоказолар белгилаб қўйилган⁴⁰.

Шунингдек, прокурорлар одил судловни амалга оширишга доир қоидаларга масъулият билан ёндашиб уларга хурматда бўлиши, унинг тамойилларига риоя қилишга ёрдам бериши керак. Ҳамда фуқароларнинг қонун олдида тенглик, айбиззлик презумпцияси ва жиноят ишининг адолатли, мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилишига ҳисса қўшиш мақсадида адолатли жиноий одил судловни таъминлаши ва фуқароларни жиноятчиликдан самарали ҳимоя қилиши лозим.

Йўриқномада прокурорларнинг фаолиятининг барча тармоқлари: касбий малакаси, хизмат вазифаси ва шароитлари, фикр билдириш ва уюшмаларга бирлашиш ва ҳоказолар бўйича нормалар белгилаб қўйилган.

Хусусан, йўриқноманинг учинчи қоидаси хизмат ҳолати ва шартлари тўғрисида бўлиб, унга кўра прокурорлар “одил судловни амалга оширишнинг муҳим шахслари сифатида ҳар доим ўз касбининг шаъни ва қадр-қимматини сақлаши кераклиги белгилаб қўйилган⁴¹.

Шунингдек, йўриқномада давлат ҳам ўз навбатида прокурорларнинг ўз касбий вазифаларини бажаришга қодир бўлишини таъминлаши шартлиги, уларни кўрқитиши, фаолиятини бажаришга тўскинлик қилиш, таъқиблар, нотўғри аралашувлар ёки фуқаролик, жиноий ёки бошқа жавобгарликка асоссиз дучор бўлишдан сақлаши лозим (4-қоида)⁴². Яъни бунда давлат томонидан прокурор фаолиятини мустақил амалга оширишига шарт-шароитлар яратиб бериши, уларни ноқонуний равишда тазииклардан ўз вақтида ҳимоя қилиши ва жиноятчилар томонидан таъқиб қилинишининг олдини олиши лозим. Чунки прокурор хизмат вазифасини бажаарар экан адолатни таъминлаш мақсадида жиноят содир этган шахсларга ёки жиноий гурухларга ёхуд уюшган жиноятчиларга нисбатан давлат айбловини қувватлайди. Натижада айбланувчи ёки судлануви ёки унинг қариндошлари

⁴⁰ <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/guidelines-role-prosecutors>

⁴¹ БМТ. Прокурорларнинг роли бўйича йўриқнома. З-қоида. 1990.

⁴² БМТ. Прокурорларнинг роли бўйича йўриқнома. 4-қоида. 1990.

кўз ўнгидаги қораловчи шахс бўлиб кўринади. Ушбу жараёнда турли-ҳил босимлар бўлиши, прокурорни қўрқитишга уриниш ҳолатлари бўлиши мумкин. Ҳақиқатда эса прокурор давлат айловини қувватламоқда ва қонунга оғишмай амал қилмоқда, натижада барча фуқароларни жамият ва давлат манфаатини, энг асосийси жиноят натижасида зарар кўрган жабрланувчи ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилмоқда. Агарда ушбу вазифани прокурор бажармаса давалатда жиноятчилик кўпаяди,adolat тамойили бузилади.

Бундан ташқари, йўриқноманинг бешинчи қоидаси бўйича прокурорлар ва уларнинг оила аъзолари давлат органлари томонидан жисмонан ҳимоя қилинади. Кейинги иккита қоидада эса прокурорлар хизматининг оқилона шартлари, муносиб ҳақ тўланиши ва рафбатлантириш тизими объектив омилларга асосланиши керак муайян касбий малака, қобилият, ҳалоллик ва тажриба ваadolatli ва холис тартиб-қоидаларга мувофиқ бўлиши белгилаб қўйилган.

Прокурорлар ҳам бошқа фуқаролар каби сўз, эътиқод еркинлиги, уюшмаларга бирлашиши ва улар, хусусан, қонунчилик, одил судловни амалга ошириш, инсон ҳуқуқларини тарғиб қилиш ва ҳимоя қилиш, судга тааллуқли масалаларни муҳокама қилиш ҳамда миллий ва халқаро ташкилотлар ва уларнинг йиғилишларида профессионал фаолиятига тўсқинлик қилмаса қатнашиш ҳуқуқига эга.

Энг эътиборлиси шуки, ушбу йўриқномада прокурорнинг жиноят процессидаги роли алоҳида қоидаларда белгилаб қўйилган.

Хусусан, йўриқноманинг ўнинчи қоидасида прокуратура органларининг фаолияти суд функцияларидан қатъий ажратилган⁴³.

Прокурорлар жиноят ишини юритишида, шу жумладан жиноят ишини қўзғатишида, қонун ҳужжатларида ёки миллий амалиётда назарда тутилган ҳолларда эса жиноятларни тергов қилишида, терговнинг қонунийлигини назорат қилишида, суд қарорлари ижро этилиши устидан назоратни амалга

⁴³ БМТ. Прокурорларнинг роли бўйича йўриқнома. 10-қоида. 1990.

оширишда жамоат манфаатлари ҳимоячиси сифатида фаол иштирок этадилар.

Шунингдек, йўриқноманинг ўн иккинчи қоидасида прокурорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз вазифаларини адолатли, изчил ва тезкор бажаришлари, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилишлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари, шу орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд процессининг таъминланиши ва жиноий судлов тизимининг узлуксиз ишлашига ҳисса қўшишлари шартлиги белгиланган⁴⁴.

Бундан ташқари, прокурорлар айблов хулосасини тайёрлаб судга олиб чиқиш билан бирга, агарда жиноят аломатлари бўлмаса жиноят ишини кўзғатмасликлари ёки давом эттирмасликлари, холис тергов айбловнинг асоссизлигини кўрсатса, иш юритишни тўхтатиб туриш учун барча сайд-ҳаракатларини амалга оширишлари шарт. Прокурорлар далилни олишда гумон қилинувчи шахсларга инсон ҳуқуқларини, айниқса қийноқлар ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазони жиддий бузилишини ташкил этувчи ноқонуний усуллардан фойдаланган ҳолда олингандигини билган ёки асосли деб ҳисоблаган далилларни олишда ёки бошқа инсон ҳуқуқлари бузилган тақдирда, бу ҳақда судга хабар беришлари ва бундай усулларни қўллаганликлари учун жавобгар шахсларни жавобгарликка тортиш чораларни кўришлари керак.

Хозирги даврда, прокурорлар мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, хусусан, коррупция, мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш, инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши ва халқаро ҳуқуқ томонидан тан олинган бошқа жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилишига тегишли эътибор қаратишлари керак.

Албатта, халқаро ҳуқуқда прокурорнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқни таъминлаш бўйича фаолиятига оид халқаро стандартлар

⁴⁴ БМТ. Прокурорларнинг роли бўйича йўриқнома. 12-коида. 1990.

фақатгина юқоридаги йўриқнома билан чекланиб қолмаган. Бу борада **Халқаро прокурорлар ассоциацияси⁴⁵** нинг ўрни алоҳида ҳисобланади.

Халқаро прокурорлар ассоциацияси (ХПА) дунёда прокурорлар учун ягона ташкилотdir. Айтиш мумкинки, ХПА нодавлат, ноҳукумат ва носиёсий ташкилот ҳисобланади. Ассоциация 1995 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вена шаҳридаги идорасида ташкил этилган бўлиб, ҳозирда барча қитъалардан 177 дан ортиқ давлатдан 183 дан ортиқ ташкилий аъзолар ҳамда 1900 га яқин индивидуал аъзоларга эга. Ушбу ташкилотнинг яратилишига асосий туртки бўлиб, оғир трансмиллий жиноятларнинг тез ўсиши; хусусан, гиёхванд моддалар савдоси, пул ювиш ва фирибгарлик жиноятларининг ўсиши ҳисобланади.

Шунингдек, 1996 йил сентябр ойида Будапештдаги биринчи умумий ийғилишда расман ўз фаолиятини бошлиган. Кейинги йили Оттавада Бош Ассамблея Ассоциациянинг Низомини ва мақсадларини тасдиқлади, ушбу мақсадлар ҳозирда Ассоциация Низомининг 1.3-моддасида мустаҳкамланган. Ушбу мақсадларнинг энг муҳимларидан бири: “...жиноятларни тўғри ва мустақил равишда таъқиб қилиш учун зарур бўлган халқаро миқёсда тан олинган стандартлар ва тамойилларни илгари суриш ва мустаҳкамлаш”⁴⁶ белгиланган.

1999 йил 23 апрелда Халқаро прокурорлар ассоциацияси томонидан қабул қилинган “Прокурорларнинг касбий жавобгарлиги ва асосий хуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги стандартлари” алоҳида аҳамият касб этади.

ХПА расмий вакиллари ушбу стандартларни шунчаки дадил баёнот эмас, балки прокурорлар ўз стандартларини ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланишлари учун ишчи хужжат бўлиши кераклигини таклиф қилишади. Натижада, Ассоциациянинг келажакдаги саъй-ҳаракатларининг

⁴⁵ lap.assocation.org

⁴⁶ <https://www.iap-association.org/>

катта қисми стандартларни тарғиб қилиш ва бутун дунё бўйлаб прокурорларга хизмат кўрсатиш орқали улардан фойдаланишга қаратилади.

Бизнинг фикримизча ҳам ХПАнинг ушбу стандартлари шунчаки баёнот сифатида қолмасдан балки прокуратура органлари ўз фаолияти стандартларини ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланишлари лозим. Чунки ХПА ушбу ҳужжатларни қабул қилгандан сўнг кўплаб давлатларнинг прокуратура органларининг қизиқиши ортди ва ўз фаолиятига ушбу стандартларни жорий қилишга хоҳиш билдириди. Шунингдек, бу стандартлар давлатларнинг миллий қонунчилигига ва анъаналарига асосланган прокурорлар фаолиятини ҳам инкор этмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, йигрманчи аср охирларидан бошлаб халқаро ташкилотлар томонидан прокурорларнинг фаолиятини халқаро даражада мувофиқлаштирувчи стандартлар ишлаб чиқишга зарурат пайдо бўлд ва ХПА томонидан бир қанча стандартлар қабул қилинди. Бу ўз навбатида аъзо давлат прокурорларининг фаолиятини халқаро стандартларга мос ташкил этишни тақозо этади. Стандартларнинг қабул қилиниши ХПАнинг қисқа фаолиятида муҳим босқич бўлди. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1990 йилги кўрсатмалари, ХПА стандартлари дунё прокурорлари қайси хуқуқий тизимда ишламасинлар бу қўлланма кенг тарқалган ва аллақачон бошқарув учун муҳим мезон сифатида янги ва ўзига хосликни таъминлайди.

Кўшимча қиладиган бўлсак, ХПАнинг барча ташкилий аъзолари ўз фаолиятини стандартларга мос равишда тасдиқлашади, агарда аъзо прокуратура органлари стандартларга мувофиқликларини билдирса, ХПА уларга мувофиқлик сертификатини беради. Бинобарин, Стандартлар ХПАнинг кундалик ишни яхшилаш бўйича ишининг асоси ҳисобланади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, халқаро хуқуқда инсонларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган хуқуқлари ўтган асрнинг ўрталаридан пайдо бўлганлигига қарамай, Европанинг баъзи ривожланган давлатларнинг миллий қонунчилигида ўрта асрлардан пайдо бўлди. Хусусан, Англияда 1215 йилда “Эркинликнинг буюк хартияси” (Магна Сарта) қонуни қабул қилинган бўлиб, унда суд ишини юритиш, эркин фуқароларни озодликдан маҳрум қилиш фақат суд томонидан амалга оширилиши каби нормалар ўз ифодасини топган. Кейинчалик, 1689 йилда “Хуқуқлар тўғрисида Билл” қабул қилинди ва унинг асосида суд ҳокимиятининг **оғзаки, ошкора ва мунозарали жараён тамойиллари** эълон қилинди, уларни амалга оширилиши ҳакамлар ҳайъати томонидан тўлиқ амалга оширилиши белгиланди

Энг муҳими шуки, суд ҳокимиятининг мустақиллик, холислик ва адолат белгилари каби хусусиятлари одил судловни амалга оширища халқ унсурининг иштирок этиши ва судни сиёсий босимдан озод қилиш билан бевосита боғлиқ. Айтиш мумкинки, 1215 йилдаги “Эркинликнинг буюк хартияси”даги белгилangan нормалар АҚШ конституцияси ва “Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси”ни ишлаб чиқища асосий ишчи ҳужжат бўлиб хизмат қилди.

Эътиборлиси, 1948 йилда халқаро хуқуқда биринчи бор БМТ томонидан “Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да инсонларнинг адолатли суд муокамасига бўлган хуқуқга доир халқаро стандартлар ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжат универсал ҳужжат бўлиб, барча халқлар учун асосий мезон бўлиб хизмат қиласи.

Шунингдек, жиноят процессида адолатли суд муҳокамасига бўлган хуқуқга доир халқаро стандартлар 1966 йилда қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисида”ги пакт билан янада аниқ нормалар белгиланиши билан тўлдирилди.

Кейинчалик, 1985 йилда суд ҳокимиятининг мустақиллигига ва адолатли суд муҳокамасини таъминлашга оид “Суд мустақиллигига оид

асосий тамойиллар” қабул қилинди. Ушбу хужжатларда суд процесси иштирокчиларинингadolatli суд мухокамасига бўлган ҳукуқлари халқаро стандартлар сифатида қабул қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига фуқароларнингadolatli суд мухокамасига бўлган ҳукуқини таъминлашга қаратилган ҳукуқ ва эркинликлар бўлишига қарамасдан, лекин айнан “adolatli суд мухокамасига бўлган ҳукуқ” юридик атамаси қонунларда ўз аксини топмаган. Агарда ушбу ҳукуқ қонунчилигимизга татбик этилса, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражаси яна бир поғона кўтарилади. Шунингдек, БМТнинг “Инсон ҳукуқлари бўйича қўмитасининг ва бошқа халқаро ташкилотларнинг давлатимида фуқароларнинг одил судловга эришишининг таъминланиши юзасидан хulosаларида ҳам ушбу ҳолат алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Шу сабабли,adolatli суд мухокамасига бўлган ҳукуқнинг миллий қонунчилигимизда мустаҳкамлаш тавсия этилади.

Шунингдек, ЖПКнинг 389-моддасида жиноят ишларининг судловга тегишлилиги белгилаб қўйилган. Унга кўра, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судловига юқори судларнинг ва ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлган ишлардан ташқари ҳамма жиноят ишлари тегишли.

Агар бир судда кўриб чиқилаётган жиноят иши бўйича суд мухокамаси пайтида судланувчи томонидан бошқа суд судловига тегишли жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ишни кўриб чиқиш суд мухокамасини бошлаган суд томонидан давом эттирилади.

Ҳарбий судлар судловига тегишли ишлар қонунчилик билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси судининг раиси, вилоят, Тошкент шаҳар судининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят тўғрисидаги ишни, агар у мазмунан

мураккаб бўлмаса, жиноят ишлари бўйича тегишли туман (шаҳар) судига, шунингдек ҳудудий ҳарбий судга кўриш учун топширишга ҳақли.

Юқоридаги модданинг учинчи қисмига кўра, агар бир судда кўриб чиқилаётган жиноят иши бўйича суд муҳокамаси пайтида судланувчи томонидан бошқа суд судловига тегишли жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ишни кўриб чиқиш суд муҳокамасини бошлаган суд томонидан давом эттирилади. Лекин халқаро хуқуқ нормаларида хусусан, 1985 йилда БМТ томонидан қабул қилинган “Суд органлари мустақиллигига доир асосий тамойиллар”нинг 5-тамойилида жиноят содир этишда айбланаётган ёки судланаётган шахснинг ваколатли суд томонидан судланиши хуқуки белгилаб қўйилган. Шунингдек, миллий қонунчилигимизда ҳам туман (шаҳар) судининг ва юқори судларнинг ваколатига тегишли ишлар белгилаб қўйилган. Лекин суд муҳокамаси бошлангандан кейин ишнинг бошқа судга тегишлилиги аниқланса, судга тегишлилик қоидаси бўйича бошқа судга юборилмасдан балки суд муҳокамаси бошланган судда кўриб чиқилади. Шунингдек, ЖПКнинг 393-моддаси бешинчи қисмида Иш шу даражадаги бошқа суднинг судловига тегишли экани суд мажлисида маълум бўлиб қолса, ишнинг ҳолатларини тўла текширишга зарар етказмайдиган бўлса, суд ишни кўришни давом эттираверади, акс ҳолда суд ишни судловга тегишлилигига кўра бошқа судга юбориб, бу ҳақда ажрим чиқариши назарда тутилган. Бироқ, ушбу ҳолатда эътиборга олиниши керак бўлган ҳолат шундан иборатки, судланувчининг ваколатли суд томонидан судланиш хуқуқининг бузилмаслиги ёки жабрланувчининг ваколатли судда ишнинг кўриб чиқилиши хуқуки каби халқаро стандартлар инобатга олиниши керак.

Албатта, барча судлар, фуқаролар каби адолатли суд муҳокамасининг ўтказилишидан манфаатдор, шунинг учун ҳам юқоридаги модданинг нормаларида суд мажлиси жараёнида ишнинг бошқа судловга тегишлилик масаласи аниқланса қатиий тартибда юрисдикция масаласи бўйича юбориш лозим. Бунда судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишини ҳам инобатга олиш

лозим. Чунки қачонки жиноят иштирокчилари розилигига судловга тегишлилик масаласи ҳал этилса,adolатли суд мұхокамасига бўлган хуқуқга доир ҳалқаро стандартлардан бири “ваколатли суд томонидан суд мұхокамасининг ўтказилиши” қоидаси бузилмайди.

Шунинг учун ҳам судланувчи ёки жабрланувчининг хуқуқ ва манфаатларини инобатга олган ҳолда юқоридаги модда нормаларининг қанчалик ҳалқаро хуқуқ нормаларига ва миллий қонунчилигимиздаги мавжуд нормаларга мослигини кўриб чиқиш лозим.

МДҲ давлатларида жиноят иши бўйича суд мұхокамаси пайтида судланувчи томонидан бошқа суд судловига тегишли жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ишни кўриб чиқиш бошқа судга ўтказилиши белгиланган. Жумладан, Озарбайжон Республикаси Жиноят процессуал-кодексининг 75-моддасига кўра, жиноят ишини суд мұхокамасига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилишда: судгача бўлган соддалаштирилган иш юритиш бўйича материаллар, буюртмадаги шикоятлар хусусий айблов, шунингдек, бошқа материаллар мавжудлигини ва юрисдикция масаласини кўриб чиқади. Агарда иш судга топширилганлиги аниқланса жиноят иши ёки бошқа материаллар ушбу суднинг юрисдикциясига кирмаса, суд буни амалга ошириши шарт бўлган судга юборади. Иккинчи қисмда эса агар суд томонидан кўриб чиқиш жараёнида шуни аниқласа жиноят иши бошқа судда (юрисдикцияси бўйича) кўриб чиқилиши керак.

Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодексига кўра: судья суд мажлисини тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда келиб тушган жиноят иши ушбу суднинг юрисдикциясига кирмаслигини аниқлаб, ушбу жиноят ишини судловга юбориш тўғрисида қарор чиқаради. Шунингдек, суд ўзи кўраётган жиноят иши худди шу даражадаги бошқа суднинг юрисдикциясига тегишли эканлигини аниқлаб, лекин у суд мажлисида кўриб

чиқиши бошлаган бўлса, судланувчининг розилиги билан ушбу жиноят ишини ўз иш юритувида қолдиришга ҳақли⁴⁷.

Латвия Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 15-модасига кўра, ишни судда кўриб чиқиш хуқуки белгиланган унга кўра, ҳар ким ўз иши адолатли, холис ва мустақил равишда судда кўриб чиқилишига ҳақли эканлиги тушунтирилган.

Қозоғистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 316-моддасига, Қозоғистон Республикаси Олий судининг 2017 йил 8 декабрдаги 10-сонли “Судлар томонидан келиб тушган жиноят иши бўйича жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида”ги меъёрий қарорига кўра: агар унга келиб тушган иш унинг юрисдикциясига кирмаслиги аниқланса, суд ишни юрисдикциясига мувофиқ ҳал этиши белгиланган.

Шунингдек, асосий суд мажлисида ушбу Кодексда назарда тутилган ишнинг худудий юрисдикцияси қоидалари бузилганлиги аниқланса, у ҳолда процессининг барча иштирокчиларининг розилиги билан суд ишни кўришни давом эттириши ёки юридикцияси бўйича тегишли судга юборади.

Агар иш жиноят ишлари бўйича ихтисослаштирилган туманлараро судининг, жиноят ишлари бўйича ихтисослаштирилган туманлараро ҳарбий судининг ёки гаризоннинг ҳарбий судининг юрисдикциясига тегишли эканлиги аниқланса, судловга тегишли ҳисобланади⁴⁸.

Қозоғистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 317-моддасида эса: айrim ҳолларда ишни енг тез, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиш мақсадида, шу жумладан судьялар иштирокида кўриладиган ишни судланувчининг розилиги билан ёки процесс иштирокчиларининг илтимосига кўра кўриб чиқилиши мумкин. бир хил даражадаги суддан бошқасига кўриб чиқиш учун ўтказилиши белгиланган.

⁴⁷ РФ ЖПК, 34-модда.

⁴⁸ Қозоғистон Республикаси ЖПК, 316-модда.

Бироқ бунга ишни топширишга уни суд мажлисида кўриш бошланишидан олдин йўл кўйилади.

Шунингдек, иш тарафнинг илтимосига биноан, судьянинг ёки суд раисининг тақдимиға биноан, агар суд ишни белгиланган муддатда кўриб чиқишига имкони бўлмаса, иш кўриш учун бир хил даражадаги суддан бошқа судга ўтказилиши ҳам мумкин. Ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш тўғрисидаги масала юқори турувчи суд томонидан ҳал қилинади ва бу ҳақда суд карори чиқарилади.

Демак, юқоридаги давлатларнинг жиноят процессуал қонунчилигига кўра,adolatli суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир ҳалқаро стандартлар миллий қонунчиликда турлича таърифланган. Хусусан, жиноят содир этган шахснинг ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан судланиш ҳуқуқини таъминлашда МДҲ давлатларининг қонунчилигига турлича ёндашувлар бор. Баъзиларида суд мажлисида ишнинг бошқа суднинг судловига тегишлилиги аниқланса, ушбу ҳолатда жиноят иши иштирокчиларнинг розилиги инобатга олинса, баъзи давлат қонунчигига эса иш ҳолатларининг тўла очилишига тўсқинлик қилмаса ишни кўриш давом эттирилади. Масалан РФ ЖПКнинг 34-моддасида, суд мажлиси болангунга қадар ишнинг умумий қоидага кўра юрисдикция бўйича ҳал этилади, агарда суд процесси жараёнида иш бошқа суднинг судловига тегишлилиги аниқланса, суд ишни аввало ишда иштирок этувчи шахслари, хусusan судланувчи ва жабрланувчи рози бўлса ишни кўришни давом эттиради. Агарда рози бўлмаса, жиноят иши юрисдикция бўйича бошқа судга юборилади. Озарбайзон Республикаси ЖПКда эса суд мажлиси жараёнида ишнинг бошқа судловга тегишлилиги аниқланса иш юрисдикция бўйича тегишли судга юборилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, судловга тегишлилик масаласини ҳал этишда, эътиборга олиниши лозим бўлган асосий элемент бу шахснинг ваколатли судлов ҳуқуқи ҳисобланади. Ҳалқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган ушбу ҳуқуқ ҳалқаро стандарт сифатида тан олинган. Ушбу ҳуқуқни таъминлашда биринчи навбатда инсон ҳуқуки,

хусусан,adolatli суд muҳokamasiga бўлган xуқуқни таъminлаш кўз ўнгимизга келади. Судланувчи ёки жабрланувчининг xуқуқи ва xoҳишини инобатга олиш лозим.

ЖПКда, жиноят процесси давомида ишнинг бошқа суднинг судловига тегишлилиги аниқланса, биринчи навбатда судланувчи ва бошқа иштирокчиларнинг розилигини, инобатга олиш лозим. Агарда улар ишни давом эттиришга рози бўлмаса, суднинг тегишлилиги бўйича бошқа судга юборишга мажбурлигини белгилаб қўйиш таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига фуқароларнингadolatli суд muҳokamasiga бўлган xуқуқини таъminлашга қаратилган xуқуқ ва эркинликлар бўлишига қарамасдан, лекин айнан “adolatli суд muҳokamasiga бўлган xуқуқ” юридик атамаси қонунларда ўз аксини топмаган. Агарда ушбу xуқуқ қонунчилигимизга татбиқ этилса, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражаси яна бир поғона кўтарилади. Шунингдек, БМТнинг “Инсон xукуқлари бўйича кўмитасининг ва бошқа халқаро ташкилотларнинг давлатимида фуқароларнинг одил судловга эришишининг таъminланиши юзасидан хулосаларида ҳам ушбу ҳолат алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Шу сабабли,adolatli суд muҳokamasiga бўлган xуқуқнинг миллий қонунчилигимизда мустаҳкамлаш тавсия этилади. Бу эса фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш билан бирга давлатимизнинг халқаро миқёсдаги обрўсини янада мутаҳкамлашга хизмат қиласди.

ЖПКнинг 389-моддасида жиноят ишларининг судловга тегишлилиги белгилаб қўйилган. Унга кўра, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судловига юқори судларнинг ва ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлган ишлардан ташқари ҳамма жиноят ишлари тегишли.

Агар бир судда кўриб чиқилаётган жиноят иши бўйича суд muҳokamasи пайтида судланувчи томонидан бошқа суд судловига тегишли жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ишни кўриб чиқиш суд muҳokamasини бошлаган суд томонидан давом эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси судининг раиси, вилоят, Тошкент шаҳар судининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят тўғрисидаги ишни, агар у мазмунан мураккаб бўлмаса, жиноят ишлари бўйича тегишли туман (шаҳар) судига, шунингдек ҳудудий ҳарбий судга қўриш учун топширишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Юқоридаги модданинг учинчи қисми судланувчининг ваколатли суд томонидан судланиш ҳуқуқига дахл қилганлиги сабабли ушбу нормани судланувчининг ҳуқуқини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш мумкин. Хусусан, Россия Федерацияси жиноят процессуал қонунчилигига агар суд мажлиси давомида ишнинг бошқа суднинг судловига тегишли эканлиги аниқланса, судланувчи ва бошқа иштирокчилар рози бўлгандагина ишни қўриш давом эттирилиши мумкинлиги белгиланган. Лекин жабрланувчи ишнинг тез ва тўлиқ қўриб чиқишдан манфаатдор эканлиги ҳам алоҳида масала, шу сабабли фақат судланувчининг хоҳишини инобатга олиш ҳар доим ҳам адолатни таъминламаслиги мумкин. Озарбайжон Республикаси қонунчилигига эса иш тегишли суднинг судловига қайтарилиши қатъий белгилаб қўйилган. Ушбу норма бир тарафдан ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос келади. Лекин иккинчи тарафдан эса жиноят иши суд мажлисида қўриб чиқилаётганда иш бошқа суднинг судловига тегишлилиги сабабли қайтарилса, процесс анча кўп вақтни талаб қилади. Бу эса процесс иштирокчиларини ортиқча вақтини йўқотишга сабаб бўлади, айниқса жабрланувчининг ҳуқуқлари тикланишининг кечикишига сабаб бўлади.

Шу сабабли, ЖПКнинг 389-моддаси учинчи қисми, бир судда қўриб чиқилаётган жиноят иши бўйича суд муҳокамаси пайтида судланувчи томонидан бошқа суд судловига тегишли жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ишни қўриб чиқиш ваколатли судга қайтарилади ва соддалаштирилган тартибда қўриб чиқилишини белгилаб қўйиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси судининг раиси, вилоят, Тошкент шаҳар судининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят тўғрисидаги ишни, агар у мазмунан мураккаб бўлмаса, шунингдек ишнинг тез ва тўлиқ кўриб чиқилишига ёрдам берса жиноят ишлари бўйича тегишли туман (шаҳар) судига, шунингдек худудий ҳарбий судга кўриш учун топширишга ҳақли эканлиги белгиланиши лозим. Бу ўз навбатида адолатни ўз вақтида таъминлашга ва процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини янада тез ва тўлиқ ҳимоя қилинишига хизмат қиласди.

Жиноят процесуал қонунчилигига ишнинг мураккамлигидан келиб чиқиб соддалаштирилган тартибда ишни кўриб чиқилишига оид нормаларни киритиш лозим. Бунда ишни рўйхатга олишдан бошлаб ишни кўриб чиқиш ва ҳукмнинг ижро этилишигача бўлган умумий муддатини қисқартириш тавсия этилади. Бу ўз навбатида жиноят процесуал қонунчилигининг вазифаларидан бир яъни жиноятнинг тез ва тўла очишга ҳамда жиноят ишларининг тезкорлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини таъминлашда суд мажлисида муҳим иштирокчилардани бири, судьяларга асосий ёрдамчи бу прокурорлар ҳисобланади. шу сабабли прокурор жиноят иши билан тўлиқ танишиб чиқиши ва бунинг учун унга етарли вақт ажратилиши лозим. тадқиқот натижаларига кўра, жиноят ишларида прокурор ваколатини таъминлашга масъул ходим суд мажлиси вақтида судга боради ва суд мажлиси давомида ёки суд мажлиси бошланишидан олдин иш ҳужжатлари билан танишиб чиқади. Бу эса амалда прокурорнинг адолатли су муҳокамасига бўлган ҳуқуқни тўлиқ таъминлашга халақит беради. Прокурор суд мажлисида айловни қувватлайди, мустақил, эркин ва ўз ишончига асосланиб фикр билдиради ва музокара нутқини ўқийди. Ушбу жараёнда прокурор иш билан етарли даражада танишиб чиқиши адолатни таъминлашга ёрдам беради.

Шу сабабли жиноят судларида прокурор ваколатини таъминлашга масъул ходимга айблов хulosаси ёки нусхаси тергов тугалланиб прокурор томонидан имзолангандан сўнг масъул ходимга танишиб чиқиш учун берилиши тавсия этилади. Бу эса фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада оширади. Шунингдек, жиноят ишларининг юқори инстанцияларда қайта кўрилиши ҳолатлари камаяди.

Жиноят ишларини электрон рўйхатга олиш, тергов қилишдан хукм чиқарилишигача бўлган босқичда жиноят ишларни электрон рўйхатга олиш тизими акс этиши ва тегишли тартибда прокурартура органлари билан интеграция қилиниши масъул прокуратура ходимининг самарали фаолиятига янада кўпроқ ҳисса қўшади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-хуқуқий хужжатлар

1.1. Ўбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент.

Ўбекистон, 2019.

1.2. Ўбекистон Республикаси Жиноят кодекси (2018-йил 1-майгача бўлган Ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўбекистон Республикаси Адлия вазирлиги – Т.:"Адолат", 2018 й.

1.3. Ўбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. (2018 йил 1-майгача бўлган Ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Тошкент: "Адолат", 2018й.

1.3. Ўбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022-йил 28 январдаги "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида"ти ПФ-60-сон фармони.

1.4. Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси.БМТ.1948.

1.5. Суд органлари мустақиллигига оид асосий принциплар.БМТ.1985.

II. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

2.1. Пўлатов. Б.Х. "Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларни ижро етилиши устидан прокурор назорати. Ўқув қўлланма.Т.: 2007.

2.2. Д.Базаров,Б.Шамсутдинов. Жиноят процессида айланувчининг хуқуқлари.Дарслик. 2021.

2.3. Ф,А.Рамазанова. Жиноят процессининг функциялари.Рисола. 2016.

2.3. Истроилов Б.О. Жиноят процессининг айрим принциплари, Рисола. – Т.: "Тан ва технология" 2007. Б 23.

2.4. Ягофаров. С.М. "Международные стандарты в уголовном судопроизводстве". учебное пособие.2013.

III. Интернет манбалар

3.1 <http://www.lex.uz>

3.2 https://www.akorda.kz/ru/republic_of_kazakhstan/kazakhstan

3.3. <http://www.pravo.py>.

3.4. <https://www.echr.coe.int>.

3.5. <https://www.gov.uk>.

ИЛОВА:

1-ИЛОВА. Бош прокуратура Академияси магистри А.М.Ҳасановнинг “Адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартлар ва уларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси: жиноят судлари мисолида” мавзусидаги магистрлик иши юзасидан шакллантирилган таклиф ва мулоҳазалар юзасидан прокурор ходимлари ўтказилган,

СЎРОВНОМА

Сўровнома саволларига жавоб олишдан асосий мақсад адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқга доир халқаро стандартларни миллий қонунчилигимизга янада кўпроқ ва самаралироқ жорий қилиш орқали фуқароларимизнинг суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш ҳамда жиноят ишлари бўйича суд хужжатларининг қонуний, асосли ва адолатлигини таъминлашда прокурор иштироқи асосларини такомиллаштириш ҳамда тадқиқот натижасида олинган хулосаларни таҳлил қилишдан иборат.

Сўровнома муаллифи Сизлардан уни тўлдиришга жиддий ёндашишни илтимос қиласди. Сиз томондан берилган маълумотлар ошкор этилмайди ва бошқа мақсадларда фойдаланилмайди.

Сўровнома тўлдирувчига тавсиялар:

1. Берилган саволларга жавоб беришдан олдин анкета билан тўлиқ танишиб чиқишини сўраймиз.
2. Бандларда жавоблар учун қолдирилган жойларга сўзлар билан ёки анкета санаб ўтилган ҳолатларнинг сизга дахлдорларини айланага олиб белгилашингизни сўраймиз.
3. Сўровнома **аноним** шаклда ўтказилади.


Мутахассислик бўйича меҳнат

Сўровномада иштирок этувчилар

стажи	сони
о 5 йилгача	85
о 10 йилгача	73
о 10 йилдан юқори	66
о амалий меҳнат стажига эга эмасман	90
жами:	314


1. “Адолатли суд мухокамасига бўлган ҳуқуқ” юридик терминнинг миллий ҳуқуқга киритилишини тўғри деб ҳисоблайсизми?

- Ҳа, чунки аҳолининг ваколатли, мустақил ва холис судга бўлган ишончини янада оширади.
- Йўқ, чунки қонунчлигимизда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари суд орқали ҳимоя қилиниши кафолати борлиги етарли.
- Конституцияда фуқаронинг ҳуқуқи сифатида алоҳида белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ




2. Фикрингизча, миллий қонунчилигимизнинг жиноят ишини суд мажлисида тартиббузар судланувчи иштирокисиз қўришга оид нормасиadolatli суд muhoqumasiga bўlgan hukukning cheklaniшиiga sabab boladimi?


- Ҳа, ҳар қандай ҳолда ҳам иш судланувчи иштирокида кўрилиши лозим
- Йўқ, негаки иш тартиббузар судланувчи иштирокисиз кўрилса ҳам, суд ҳукми унинг иштирокида ўқиб эшилтирилади ёки унга маълум қилинади
- Миллий қонунчиликнинг ушбу нормаси судланувчи ҳимоясини реал таъминлаш заруратидан келиб чиқиб янада такомиллаштирилиши керак
- Жавоб беришга қийналаман



3. Жиноят ишлари бўйича суд мухокамаси жараёнида томонларнинг тортишув принципи тўлиқ амалга ошириляпти деб ҳисоблайсизми?




4. Жиноят ишлари бўйича судларда адолатли суд мухокамасининг натижаси ўлароқ жазо тайинлашда одиллик принципи тўлиқ таъминланаяпти деб ҳисоблайсизми?




5. Судлар томонидан жазо тайинлашда ЖҚнинг 57-моддасида назарда тутилган енгиллаштирувчи ҳолатларни “ўта хавфли рецидивист”ларга ҳам қўлланилишини тўғри деб ҳисоблайсизми?

- о Ҳа, жазо инсонпарвар бўлиши лозим, „ўта хавфли рецидивист”ларга нисбатан тайинланган жазо миқдори тегишли модданинг санкциясидан кам бўлиши фуқаролар онгида қонунга нисбатан ҳурмат руҳини шакллантиради
- Йўқ, одиллик принципига тўғри келмайди, жазо шахснинг ижтимоий хавлилик даражасига муносаб бўлиши лозим, „ўта хавфли рецидивист”ларга нисбатан тайинланган жазо миқдори тегишли модданинг санкциясидан кам бўлиши мумкин эмас
- жавоб беришга қийналаман




6. Жиноят ишлари бўйича судларда суд муҳокамасининг адолатли ўтишига тўсқинлик қилувчи омиллар бор деб ҳисоблайсизми?




7. Суд муҳокамасида химоячи учун тортишувчанлик принципини кўпроқ таъминлаш мақсадида химоячига экспертиза

тайинлаш тўғрисида судга илтимоснома киритмасдан тўғридан тўғри экспертга мурожаат қилиш ва экспертиза натижаси бўйича эксперт хуносасини терговчига ёки судга тақдим қилиш хуқуқини бериш лозим деб ҳисоблайсизми?




8. Жиноят ишлари бўйича судларда фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини янада ишончли ҳимоя қилиш мақсадида суд ҳукмида халқаро норматив ҳужжатларнинг тегишли нормаларини киритишни лозим деб ҳисоблайсизми?



9. Жиноят ишларини юритишда иштироқ этувчи прокурорга нисбатан “давлат айловчиси” юридик терминининг қўлланилиши суд мухокамасининг адолатлилигига салбий таъсир этиши мумкин деб хисоблайсизми?

- Ҳа, чунки, прокурор фақат давлат айболови билан чекланишилиги түғрисида фуқароларда салбий фикр бўлиши мумкин
- Йўқ, чунки, прокурорда фақатгина айболовни қўллаб қувватлаш эмас балки шахснинг қилмишини оқловчи белгиларини, айбини енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳам ўрганиб чиқиш мажбурияти, қонун устуворлиги ва жазо муқарралигидан келиб чиқиб баҳо бериш ваколатлари ҳам
- Ушбу атамани тарихий-ҳуқуқий анъаналаримиз, ҳалқаро ҳуқуқ нормалари ва хорижий тажрибадан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ.



10. Жиноят ишларини юритишда суд муҳокамасининг адолатлилигини ҳамда суд хужжатларининг қонуний, асосли ва адолатлилигини таъминлаш юзасидан иш материалларига фикр беришдан олдин қандай тартибда ўрганасиз?



2-ИЛОВА.

ЛОЙИХА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг АЙРИМ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТҮҒРИСИДА

1-модда. 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг **Конституцияси**га (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 100-модда, № 12/1, 343-модда; 2014 йил, № 4, 85-модда; 2017 йил, № 4, 135-модда, № 5, 201-модда, № 8, 383-модда; 2018 йил,

№ 10, 674-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 3, 162-модда, № 9, 588-модда, 2021 йил, 7,33,85,86,93,98,100-моддалар) қуидаги ўзгартишлар киритилсін:

1) 44-модда биринчи қисми қуидаги таҳрирда баён қилинсін:

“Хар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-харакатлари устидан ваколатли, мустақил ва холис судга шикоят қилиш ҳуқуқи ҳамда адолатли суд мұхокамасига бўлган ҳуқуқи кафолатланади”.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994-йил 22-сентабрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995-йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996-йил, № 9, 144-модда; 1997-йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998-йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999-йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000-йил, № 5-6, 153-модда; 2001-йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002-йил, № 9, 165-модда; 2003-йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004-йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005-йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006-йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007-йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008-йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009-йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010-йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011-йил, № 1, 1-модда; 2012-йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013-йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014-йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015-йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016-йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017-йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506,

510-моддалар; 2018-йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019-йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020-йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021-йил, № 1, 5, 14-моддалар) қуидагича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

1) 57-модда қуидагича тўртинчи қисм билан тўлдирилсин.

“Судланганлиги олиб ташланмаган ёки тугалланмаган ўта хавфли рецидивистларга ва икки марта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан ушбу модда нормалари қўлланилмайди”.

З-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994-йил 22-сентабрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Конуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995-йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995-йил, № 12, 269-модда; 1997-йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998-йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999-йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000-йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001-йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002-йил, № 9, 165-модда; 2003-йил, № 5, 67-модда; 2004-йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005-йил, № 12, 418-модда; 2006-йил, № 6, 261-модда; 2007-йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008-йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009-йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010-йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011-йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012-йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014-йил, № 9, 244-модда; 2015-йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016-йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда;

2017-йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018-йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019-йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020-йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021-йил, № 1, 5-модда) қуидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

1) II БОБ: номи қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Адолатли суд мухокамасига бўлган ҳукуқ принциплари”.

2) 389-модда учинчи қисми қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Агар бир судда кўриб чиқилаётган жиноят иши бўйича суд мухокамаси пайтида судланувчи томонидан бошқа суд судловига тегишли жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ишни кўриб чиқиш судланувчи рози бўлса суд мухокамасини бошлаган суд томонидан давом эттирилади, агарда рози бўлмаса тегишли суднинг судловига қайтарилади”.

4-модда. 4-модда. 63¹-БОБ. ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ

СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА КЎРИБ ЧИҚИШ билан тўлдирилсин.

591¹-модда. Жиноят ишларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш асослари.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят ишлари бўйича айбланувчи ўзига қўйилган айловгага розилигини эълон қилишга ва умумий тартибда суд мухокамаси ўтказмасдан ҳукм чиқариш тўғрисида илтимоснома беришга ҳақли.

Ушбу модданинг биринчи қисмida назарда тутилган ҳолларда суд, қуидаги асослар бўлганда умумий тартибда суд мухокамаси ўтказмасдан ҳукм чиқаришга ҳақли:

1) айбланувчи ўз аризасининг моҳияти ва оқибатларидан хабардор бўлса;

2) илтимоснома ихтиёрий равища ва химоячи билан маслаҳатлашганидан кейин берилганда;

3) давлат айбловчиси ва жабрланувчи айбланувчининг илтимосномасига эътиroz билдирмаса.

Агар суд ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган айбланувчи томонидан илтимоснома берилган шартлар бажарилмаганлигини аниқласа, у умумий тартибда суд мухокамасини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қиласди.

591²-модда. Жиноят ишларини судланувчи иштирокида соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш асослари.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси судининг раиси, вилоят, Тошкент шаҳар судининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят тўғрисидаги ишни, агар у мазмунан мураккаб бўлмаса, тегишли судларга жиноят ишини қисқартирилган муддатларда кўриш учун топширишга ҳақли (оғир ва ўта оғир жиноят ишлари бундан мустасно).

Кўйидаги ҳолларда жиноят ишлари қисқартирилган муддатларда кўриб чиқилишига йўл қўйилади:

1) бир судда кўриб чиқилаётган жиноят иши бўйича суд мухокамаси пайтида судланувчи томонидан бошқа суд судловига тегишли жиноят содир этилганлигини қўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ишни кўриб чиқиш ваколатли судга қайтарилганда;

2) ушбу кодекснинг 416, 417-моддаларида назарда тутилган ҳолларда жиноят иши хужжатлари прокурор томонидан судга қайта юборилганда;

3) жиноят ишининг хусусиятидан келиб чиқиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят ишларида айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига кўра (прокурор ва жабрланувчининг розилиги бўлганда).

Жиноят ишларини қисқартирилган муддатларда кўриб чиқиш муддати умумий тартибда ишларни кўриб чиқиш муддатининг ярмидан ошмаслиги лозим.

591³-модда. Соддалаштирилган тартибда жиноят ишини кўриб чиқиш учун ариза бериш тартиби.

Айбланувчи қўйилган айбларга розилиги муносабати билан ҳукмни суд мухокамасиз чиқариш тўғрисида ҳимоячи иштирокида ариза беради. Агар ҳимоячи судланувчининг ўзи, унинг қонуний вакили томонидан ёки уларнинг топшириғига кўра бошқа шахслар томонидан таклиф этилмаган бўлса, бу ишда ҳимоячининг иштироки суд томонидан таъминланиши керак.

Айбланувчи қуйидаги ҳолларда ариза беришга ҳақли:

- 1) дастлабки тергов давомида, бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритилади;
- 2) суд мажлиси бошлангунга қадар.

591⁴-модда. Судланувчининг суд мажлисини ўтказмасдан ҳукм чиқариш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш.

Судланувчининг илтимосига биноан суд мухокамасини ўтказмасдан ҳукм чиқариш тўғрисидаги суд мажлиси қўйилган айбларга розилик билдирган ҳолда ушбу Кодексда белгиланган тартибда ўтказилади.

Суд мажлиси судланувчи ва унинг ҳимоячисининг мажбурий иштирок этиши талаб этилади.

Судланувчининг суд мажлисини ўтказмасдан ҳукм чиқариш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш давлат айловчиси томонидан айловни ўқиб эшиттиришдан бошланади.

Судья судланувчидан айловдан хабардорми ёки йўқлигини, айловни тан олиши ёки тан олмаслигини, судсиз ҳукм чиқариш ҳақидаги илтимосномасини қўллаб-куватлашини, бу илтимос ихтиёрий равишда ва ҳимоячи билан маслаҳатлашганидан сўнг берилганини сўрайди ҳамда ҳукмни судсиз чиқариш оқибатларини тушунтиради.

Агарда жабрланувчи суд мажлисида иштирок этганда судья унга хукмни суд муҳокамасисиз чиқариш тартиби ва оқибатларини тушунтиради ҳамда судланувчининг илтимосига унинг муносабатини аниқлайди.

Судья жиноят иши бўйича тўпланган далилларни ўрганиш ва баҳолашни умумий тартибда олиб бормайди. Шу билан бирга, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, шунингдек, жазони енгиллаштирадиган ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳам текширилиши мумкин.

Судланувчининг, давлат ёки жамоат айловчисининг, жабрланувчининг суд муҳокамасисиз ёхуд ўз ташаббуси билан чиқарилган хукмга нисбатан эътирози бўлган тақдирда, судья суд муҳокамасининг алоҳида тартибини тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради ва жиноят ишини умумий тартибда кўриб чиқилади.

Агар судья судланувчи рози бўлган айлов жиноят иши бўйича тўпланган далиллар билан асосли равища тасдиқланган деган хulosага келса, у ҳолда айбланувчига нисбатан содир этилган жиноят учун санкцияда белгиланган энг юқори жазонинг учдан икки қисми ёки энг юқориси жазо тайинлайди.

Айлов ҳукмининг тавсиф ва асоссловчи қисмида судланувчи айловга рози бўлган жиноий қилмишнинг тавсифи, шунингдек суднинг хукмни суд муҳокамасисиз чиқариш шартларига риоя этилиши тўғрисидаги хulosалари бўлиши керак. Судья томонидан далилларни таҳлил қилиш ва уларга берилган баҳо ҳукмда акс эттирилмайди.

Ҳукм эълон қилингандан кейин судья тарафларга ҳукмнинг устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартибини тушунтиради.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда
моҳияти ва ахамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ